

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ**

**“Яйлов чорвачилиги ва ҳайвонларни озиқлантириш технологияси”
кафедраси**

**“Қорақўл тери товаршунослиги” фанидан
маърузалар**

Самарқанд 2015 йил

Мавзу: Қоракўл тери товаршунослиги фанига кириш

Режа:

- 1.Қоракўл терисининг халқ хўжалигидаги аҳамияти.
- 2.Қоракўл тери товаршунослиги фанининг мутахассислар тайёрлашдаги ўрни
- 3.Қоракўл тери товаршунослиги фанининг мақсади ва вазифалари
- 4.Қоракўл тери товаршунослиги фанининг бошқа ўқув фанлари билан алоқадорлиги.

Асосий адабиётлар:

- 1.Рўзимуродов.Р.Х. Рўзимуродов.Р.Р.Яхяев.Б.С. Қоракўл тери товаршунослиги. Дарслик. Тошкент 2015 йил.

Қўшимча адабиётлар:

1. И.А. Каримов Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фукаролик жамиятимизни барпо этишда мустаҳкам пойдевордир». Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. «Ҳуқуқ ва бурч» журнали. 2009, № 12. 2-9 бетлар.
2. Ўзбекистонда чорвачилик. Бугунги ҳолат, муаммолар ва тараққиёт истиқболлари. «Насаф» нашриёти, 2010.
- 3.Зокиров М.Ж., Атамурадов К.А., Хайдаров Я.Х. Ҳайвонлар хомашёси товаршунослиги. Тошкент, 1999.
- 4.Юсупов С.Ю, Рузимуратов Р.Х Қоракўлчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси. Самарканд.1995. 67-80 бетлар.
- 5.Юсупов С.Ю., Рузимуратов Р.Х., Биссерова Д.А. Қоракўлчилик маҳсулотларига бирламчи ишлов бериш бўйича чорвадор-фермерлар учун қўлланма. Самарканд, 1996.
- 6.Бондаренко С.П. Энциклопедия травоядных пушных животных.Донецк. 2003.
- 7.ЎзРСТ 641-95 - Ошланмаган барра қоракўл терилари. Тошкент. 1995.
8. Бондаренко С.П. Энциклопедия троядных пушных животных.Донецк.2003г.
9. Тинаев Н.И. Разведения пушных зверей.Москва. 2001г.
10. www.karakul.lider.ru

Таянч иборалари: Қоракўл тери, товаршунослик, товаршунос,ранг,ранг баранглик, хўжалик тоифалари, яйловлар, бозор талаби, кўникма, хомашё ва ярим фабрикат маҳсулот, теришунослик, товаршунослик.

Маъруза машғулотини ўқитиш технологияси

Вакт: 2 соат	Талабалар сони: 24 та
Ўқув машғулотини шакли	Маълумотли кириш визуал маъруза.
Ўқув машғулотини режаси	Қоракўл терисининг халқ хўжалигидаги аҳамияти

	Қоракўл тери товаршунослиги фанини мутахассислар тайёрлашдаги ўрни Қоракўл тери товаршунослиги фанининг мақсади ва вазифалари Қоракўл тери товаршунослиги фанининг бошқа ўқув фанлари билан алоқадорлиги.
<i>Ўқув машғулотнинг мақсади:</i> Қоракўл терисининг халқ хўжалигидаги аҳамияти, қоракўл тери товаршунослиги фанининг мутахассислар тайёрлашдаги ўрни, қоракўл тери товаршунослиги фанининг мақсади ва вазифалари, қоракўл тери товаршунослиги фанининг бошқа ўқув фанлари билан алоқадорлиги тўғрисидаги билимларни чуқурлаштириш, уларга тааллуқли турли назарияларни таҳлил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> Қоракўл терисининг халқ хўжалигида аҳамияти тўғрисида тушунча бериш; Қоракўл тери товаршунослиги фанини мутахассислар тайёрлашдаги ўрни ҳақида тушунча бериш; Қоракўл тери товаршунослиги фанининг мақсади ва вазифалари тушунтирилади; Қоракўл тери товаршунослиги фанининг бошқа ўқув фанлари билан алоқадорлиги билан таништириш;.	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талабалар: Қоракўл терисининг халқ хўжалигидаги аҳамияти тўғрисида тушунчага эга бўладилар; Қоракўл тери товаршунослиги фанининг мутахассислар тайёрлашдаги ўрни ҳақида тушунча пайдо бўлади; Қоракўл тери товаршунослиги фанининг мақсади ва вазифалари тўғрисида тушунчага эга бўладилар; Қоракўл тери товаршунослиги фанининг бошқа ўқув фанлари билан алоқадорлиги ҳақида тасаввурга эришади.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Маъруза, муаммоли ҳолатларни ечиш, блиц-сўров, график органайзер: кластер, баён қилиш.
Ўқитиш воситалари	Маъруза проектор, тарқатма материал, қоракўл терилар, ёзув тахтаси, бўр.
Ўқитиш шакли	Умумжамоавий
Ўқитиш шароитлари	Техника воситаларидан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол – жавоб

Маъруза машғулотининг технологик картаси

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	таълим берувчи	таълим олувчилар
1 Мавзуга кириш (20 дақ.)	1.1. Мавзу, мақсад ва режалаштирилган ўқув натижаларини эълон қилади. 1.2. Режа ва муаммоли ҳолатларни фойдаловчи саволларни экранга чиқаради.	1.1. Эшитадилар, ёзиб оладилар. 1.2. Эътибор берадилар.
2- босқич. Асосий (55 дақ.)	2.1. Мавзу бўйича маъруза матнларини тарқатади; Мавзу режаси ва асосий тушунчалар билан танишиб чиқишни таклиф қилади. 2.2. Намойиш қилиш ва изоҳлаш ёрдамида асосий назарий билимларни беради. Мавзунинг	Тинглайдилар таърифларни, таянч иборалар ва атама ларни муҳокама қиладилар дафтар

	хар бир саволи буйича хулосалар қилади. Талабаларнинг эътиборини асосий тушунчаларга ва аҳамиятли томонларига жалб қилади. 2.3. Доскада қайд этилган асосий тушунчаларга қайтишни таклиф қилади. Талабалар билан ҳамкорликда тушунчалар руйхатини аниқлаштиради, қайтарилганларини олиб ташлайди ҳамда қайд этилмаган зарур тушунча ва атамаларни қўшади (ёзадилар).	ларига ёзиб оладилар.
3.Якуний босқич (10 дақ.)	3.1. Мавзуга буйича хулосалар қилади. Фаолият натижаларини изоҳлайди.Мазкур мавзу буйича эгаллаган билимлари келажакда қаерларда керак бўлиши ва қўлланиши мумкинлиги ҳақида маълумот беради. 3.2. Талабалар фаолиятини ва белгиланган ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини таҳлил қилади ва ўқув жараёнида фаол иштирок этган талабаларни баҳолайди. 4.2. Мустақил ишлаш ва назарий билимларни мустаҳкамлаш учун саволарни беради:	Эшитади,аниқлаштиради.Саволлар берадилар.Топшириқни ёзиб оладилар.

Қоракўлчилик республикаимиз чорвачилик соҳасининг асосий тармоқларидан бири бўлиб ҳисобланади ва мавжуд яйловлардан кенг фойдаланиш имконини яратади.

Қоракўлчилик халқ хўжалигини ва мўйна бозорини қимматбаҳо қоракўл териси билан шунингдек мазали қўй гўшти, гиламбоп жун хомашёси, пўстинбоп қўй терилариси ва қўзи ширдончаларига бўлган эҳтиёжини қондиради.

Маълумки, қоракўлчилик мамлакатимизнинг 6 вилояти ва Қорақалпоғистон республикасида урчитилади ва шу соҳага ихтисослашган барча йирик хўжаликлар вилоят «Қоракўл» уюшмаларига, бу уюшмалар эса республика «Қоракўл» компанияси тасарруфига киритилган. Бир сўз билан айтганда республика қоракўлчилигининг ҳолати ва ривожига ҳамда тараққиётининг устивор йўналишлари «Қоракўл» компанияси томонидан белгиланади, доимий назорат қилинади, тармоқда юритилаётган селекция-наслчилик ишларига, қоракўл қўйларининг янги ранг ва рангбарангликдаги, янги сермахсул зот ва завод типларини яратишга, яйловлардан унумли фойдаланиш ва уларнинг ҳосилдорлигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш, қоракўлчилик фани ютуқларини тарғиб қилиш ва илғор технологияларни амалиётга жорий қилиш ишларига, қоракўлчилик маҳсулотларига бирламчи ва саноат ишлови бериш технологиясини такомиллаштириш ва маҳсулот сифатини баҳолашнинг одил усулларини яратиш ишларига услубий-амалий раҳбарлик эса Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан амалга оширилади.

Қоракўл тери товаршунослиги фанининг мутахассислар тайёрлашдаги ўрни.

Қоракўл зотини урчитишдан кўзланган асосий мақсад улардан экспортбоп салоҳиятга эга бўлган қоракўл териларни олишдир.

Қоракўл териларининг сифат кўрсаткичлари, ранглари ва уларнинг аҳамияти тўғрисидаги дастлабки маълумотларни араб географи Ибн-Хавкалнинг (978) «Китаб ал-месалик вал мемалик» китобидан топамиз: «Туркистонда урчитилувчи қўйларни дунёнинг бошқа мамлакатларида учратмаймиз, бу қўйлар кечаю-кундуз яйловда боқилади, бу ернинг иқлими ҳам ҳайвонлар соғлигига ёрдам беради. Қўзиларидан олинадиган терилар қора, қизил ва алвон-қизил тусли бўлиб, улар рангига қараб жуда қиммат баҳоларга сотилади. Буларнинг орасида рангининг соғлиги, нақшларининг чиройлилиги учун 2 динар, 3 ва ундан ҳам қимматроқ сотиладиган қора терилар ҳам учрайди. Қора ва қизил рангли бўлмаган териларнинг 10 донаси бир дирҳам ёки ундан ҳам арзонроққа сотилади»

М.Ф.Иванов (1964) нинг кўрсатишича, «Қоракўл (барра) тери деб янги туғилган қўзилардан олинувчи, толаларининг турлича жингалакланиши оқибатида терига ўзгача чирой ва жозиба баҳшида этувчи ҳар хил шакл ва ўлчамли гуллари бўлган ва маълум даражада хўжалик қийматига эга териларга айтилади».

Қоракўлчиликда селекция-наслчилик ишлари тармоқнинг асосий маҳсулоти ҳисобланмиш қоракўл териларининг товар хусусиятларини такомиллаштиришга, сифатини яхшилашга, ассортиментини янгидан - янги ранг ва рангбарангликлар билан бойитишга қаратилади. Бу ишларни, албатта, мўйна бозори эҳтиёжлари, конъюнктурасига мослаб амалга ошириш даркор.

Қоракўл кўзиси ва терисининг асосий муҳим селекция ва товар хусусиятларининг деярли барчаси сифат кўрсаткичи бўлганлигидан уларни ўлчаш йўли билан баҳолаб бўлмаганлигидан инсон ўз заковати, билими, малакаси ва кўникмаларига таянган ҳолда органолептик (сезги органлари ёрдамида) йўл билангина аниқлай олиши мумкин.

Бунда қоракўл кўзиси ва териси сифатини одилona баҳолай оладиган чуқур билимли, юқори малакали қоракўлшунос мутахассиснинг ўрни бекиёсдир.

Қоракўл тери товаршунослиги фани қишлоқ хўжалик олий ўқув юртларида қоракўлчилик йўналиши мутахассисларини шакллантирувчи асосий ихтисослик фанларидан бири ҳисобланади, бу фанни чуқур ўзлаштириш, етарлича кўникмалар ҳосил қилиш қоракўлчилик соҳасида ишловчи мутахассис учун зарурдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик субъекти ўзининг хўжалик фаолиятини бозор талабларини тўлиқ қондира оладиган маҳсулотлар етиштиришга қаратмоғи талаб этилади. Қоракўлчиликка ихтисослашган хўжаликлар табиийки, бозоргир ранг, рангбаранглик ва навларга мансуб қоракўл етиштиришга ихтисослаштирилиши, жойларда юритиладиган селекция-наслчилик ишлари тизими ана шу мақсадларга хизмат қилмоғи лозим. Қоракўл қўйлари суруви билан олиб бориладиган ҳар қандай наслчилик ишлари негизини қоракўл териларнинг товар хусусиятлари ташкил қилади.

Терилардаги иллат ва нуқсонлар қоракўл сифатини кескин пасайтириб, улардан фойдаланиш самарадорлигини тушириб юборади, териларнинг харид баҳоси арзонлашувига олиб келади. Одатда қоракўл нуқсонларини икки гуруҳга, яъни туғма ва орттирилган нуқсонларга ажратишади. Туғма нуқсонларга нисбатан

орттирилган (техник) нуқсонлар амалда анча кўп учрайди, ваҳоланки, инсон иштирокидаги ишлов бериш жараёнларида йўл қўйилган хато-камчиликлар туфайли юзага келувчи нуқсонларнинг бемалол олдини олиш мумкин. Бунинг учун хомашё қорақўл териларига ишлов бериш технологиясини яхши ўзлаштирган малакали мутахассислар лозим бўлади.

Қорақўл териси азал-азалдан товар маҳсулот сифатида сотилиб келинган ва бунда асосий мезон бўлиб қорақўл териларнинг вазни ёки бошқа шу каби миқдор кўрсаткичлари эмас, балки уларнинг ранги, рангбаранглиги, гулларининг хил ва шакллари, тола қопламанинг тиғизлиги, ипаксимонлиги, ялтироқлиги, гуруҳи ва навлари ҳисобланиб келинган, шу кўрсаткичлар инобатга олинган ҳолда харид баҳолари белгиланган. Шу сабабли қорақўлни сифат бўйича нав ва гуруҳларга ажратиш муҳим жараён ҳисобланади.

Бу жараёни етарли кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассисларгина бажара олиши мумкин.

Одатда, қорақўл терилари ҳоҳ у хомашё, ҳоҳ ярим фабрикат ҳолида бўлсин «ким ошди» мўйна бозорига чиқарилиб сотилади. «Савдо»га чиқариладиган юз минглаб қорақўл терилари албатта синчиклаб навларга ажратилиши, навлар ичида ўхшаш сифатли терилардан мустақил гуруҳчалар тузилиши, савдоолди кўргазмаси учун улардан лотлар (камида 100 дона теридан иборат намуна партияси) ташкил қилиниши лозим. «Ким ошди» мўйна савдосининг энг муҳим шартларидан бири танишув кўргазмасида намойиш этилувчи терилар сифати асосий партиядаги терилар сифатидан фарқ қилмаслигига эришишдир.

Бу жараён ўта маъсулиятли ва сермеҳнат жараён бўлиб, уни фақатгина қорақўл навлари таърифини чуқур билувчи, ҳар куни қорақўл билан мулоқотда бўлувчи юқори малакали мутахассисларгина бажара олишлари мумкин.

Қорақўл тери товаршунослигида муайян буюм учун лозим бўлган қорақўл терилар гуруҳига «набор» (белгилар ўхшаш териларни саралаб танлаш) деб ном берилган.

Муайян буюм учун сон жиҳатидан етарли муайян нав ичида гулларининг хил ва шакллари, узунлиги ва йириклиги, қайишқоқлиги бир хил, тола қопламанинг сифат кўрсаткичлари, мағз қалинлиги, сатҳ ўлчами ўхшаш терилар саралаб олиниши лозим. Мабодо сараланувчи қорақўл кўк рангда бўлса, у ҳолда юқорида санаб ўтилган белги ва хусусиятларига қўшимча тарзда тери ранги текислиги, оч – тўқлиги (туси), рангбаранглиги каби, сур рангли қорақўлда эса рангнинг текис тарқалганлиги, ифодаланиш даражаси, рангбаранглиги каби белгилари бўйича бир хиллигига эришиш лозим бўлади. Бу ишларни бажариш шу соҳа бўйича чуқур билимли, етарлича кўникмаларга эга мутахассисларнинггина қўлидан келиши мумкин.

Қорақўл териларидан асосан мўйначиликда фойдаланилади. Жамиятимизнинг барча жабҳалари қаторида мўйнадузлик ҳам доимий ривожланишда бўлиши, инсонларнинг тобора ўсиб бораётган моддий ва эстетик эҳтиёжларини қондириб бориши, мода ўзгаришига мослашиши замон талабидир. Буни учун мўйна буюмларининг мавжуд шаклларини такомиллаштириш, янгидан-янги буюмларни ихтиро қилиш, уларни инсон турмуш тарзининг ажралмас бўлагига айлантириш лозим бўлади. Қорақўл мўйнадузлигида фаолият кўрсатувчи

мутахассис ва ходимлар кишиларнинг мўйна буюмларидан фойдаланиш жараёнида роҳатланиб, эстетик қониқиш ҳосил қилишларига эришишлари лозим. Интернет маълумотларига (2009) қараганда, қоракўл терилари экологик тоза маҳсулот бўлиш билан бирга қатор шифобахш хусусиятларга ҳам эга экан. Табиийки, мўйна буюмлари нафақат иссиқ ва фойдаланиш учун қулай бўлиши, табиат инжиқликларидан ҳимоя қилиши, балки кишиларнинг чиройини очиши, қадди-қоматини безай олиши, уларда эстетик қониқиш, ҳузур ва ғурур ҳиссини ҳам шакллантириши керак. Шу сабабли мўйнадузлик буюмларини тикишда ишлатиладиган қоракўл териларининг барча сифат кўрсаткичлари ўхшаш ва текис бўлишига, буюмнинг айрим қисмларига (олд этаги, ёқаси, енглари ва ҳоказолар) мос сифатли тери ишлатилишига, терилар хусусиятларининг бир-бирига уйғунлашиб кетишига эришиш лозим. Бу жараёнларнинг барчасини, қоракўлнинг товар хусусиятларини чуқур билувчи юқори малакали мутахассисларгина бажара олиши мумкин.

Қоракўл тери товаршунослиги фани бўлажак мутахассисларда қоракўлга ишлов бериш, сифатини аниқлаш ва эҳтиёж мақсадлари учун оқилона фойдаланиш технологияларини ўргатишга, кўникмалар шакллантиришга хизмат қилувчи асосий мутахассислик фанларидан бири ҳисобланади.

Қоракўл тери товаршунослиги фанининг мақсади ва вазифалари

И.А. Каримов (2009) мутахассисларнинг жамиятдаги ўрнига тўхталиб қуйидагиларни айтганди: «.....биз юртимизнинг эртанги ривожини йўлида қандай чуқур уйланган дастурлар тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, руёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали иш кучи ва юртимизнинг эртанги кунини, тараққиёти учун маъсулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз десак, ўйлайманки ҳеч қандай хато бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу ўта муҳим масалани доимо давлатимиз, жамиятимизнинг асосий вазифаси сифатида кўришимиз даркор».

Табиийки, ана шу муҳим вазифаларни еча оладиган мутахассисларнинг кўпчилиги олий таълим муассасаларида тайёрланади ва бу муҳим жараёнда асосий мутахассислик фанларининг ўрни бекиёсдир.

Қоракўл тери товаршунослиги фанининг мақсади қоракўл хомашёсига бирламчи ва саноат ишлови бериш, сифатини аниқлаш тартибини, улардан фойдаланиш йўллари талабаларга ўргатиш ва шу йўл билан уларда мутахассисга хос амалий кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Қоракўл тери товаршунослиги фанининг вазифаларига қуйидагиларни ўргатиш киради:

- қоракўл териларига бирламчи ишлов бериш тартиби;
- қоракўл териларининг товар хусусиятларини аниқлаш;
- қоракўл хомашёсини тури, ранги, ишлов берилиш услуби ва асл зотлилиги бўйича ажратиш;
- қоракўл хомашёсини амалдаги тайёрлов андозалари бўйича хиллаш тартиби;
- қоракўл навларининг хос белги ва хусусиятларини аниқлаш;

- қоракўлнинг иллатлилигини аниқлаш;
- қоракўл хомашёсини сотишга тайёрлаш;
- қоракўлни ошлаш, ошланган териларни хиллаш;
- қоракўлни ийлаш ва бўяш;
- хориж давлатлари қоракўлни хиллаш асослари;

-талабаларда қоракўл хомашёсига бирламчи ишлов бериш, териларни сифат кўрсаткичлари бўйича хиллаш, сотишга тайёрлаш кўникмаларини шакллантириш.

Қоракўл тери товаршунослиги фанининг бошқа ўқув фанлари билан алоқадорлиги.

Қоракўл тери товаршунослиги асосий ихтисослик фани бўлиб, у математика ва табиий-илмий фанлар блокига кирувчи математика, биофизика, кимё, зоология, экология фанлари билан узвий боғланган, зеро қоракўл териларнинг миқдор кўрсаткичларини ўрганишда, ишлов бериш жараёнларида, кимёвий реагентлар сарфини ҳисоблашда математик усуллардан кенг фойдаланилса, қоракўл териларига ишлов бериш жараёнларида ҳаво ва эритмалар ҳарорати, шамол тезлиги ва бошқа шу каби физик омиллар, ишлов бериш эритмаларининг таркиби ва қуюқлиги, қоракўлни тузлаш, ошлаш, ийлаш жараёнларида кечувчи биокимёвий жараёнлар, тери тўқимасидаги ўзгаришлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Куя тушиш, терихўр ҳашаротлар хуружидан зарарланиш қоракўл териларининг энг хавфли иллатлари ҳисобланади ва бунда айб толалар билан озикланувчи куя қурти ва терихўр қўнғизлар зиммасига тушганлигидан у зоология фани билан боғланиб кетади.

Шу сабабли, бу фан умумқасбий фанлар қаторига кирувчи «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш», «Генетика ва биотехнология» фанлари билан алоқадордир.

Қоракўл териси қўйлар организмида кечувчи физиологик жараёнлар, морфологик ўзгаришлар маҳсули ҳисобланганидан бу фан «Ҳайвонлар морфологияси» ва «Ҳайвонлар физиологияси» фанлари билан, қоракўл терисини берувчи ҳомиланинг ривожланиш жараёни, унинг жадаллиги, тери сифати совлик организмига келиб тушувчи озиқа моддаларнинг миқдори, тури ва тўйимлилигига боғлиқ бўлганлигидан мазкур фан «Ҳайвонларни озиклантириш технологияси», «Яйловшунослик» фанлари билан ҳам яқиндан боғланган.

Қоракўл териларига бирламчи ва саноат ишлови бериш давомида нордон сут бижғишини таъминловчи бактериялар ижобий аҳамият касб этса, тери тўқимасининг бузилиб, толалар тўкилишига олиб келувчи чиритувчи микроорганизмлар эса салбий аҳамият касб этади. Шу сабабли, мазкур фан микробиология фанига ҳам боғланиб кетади.

Қоракўлга ишлов беришни механизациялаш, иш жараёнларида қўл меҳнати салмоғини камайтириш, ишчи ходимлар саломатлиги учун хавфсиз шароитлар яратиш ҳозирги куннинг вазифаси. Шу муносабат билан «Қоракўлчиликни механизациялаш ва автоматлаштириш» ва «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» фанлари мазкур фан билан уйғунлашиб кетган.

Қоракўл терилари сифати хўжаликларда юритилаётган селекция-наслчилик ишларига боғлиқлигидан бу фан асосий мутахассислик фанларидан бўлган

«Қоракўлчиликда наслчилик иши», «Қоракўлчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси» фанлари билан узвий боғланган.

Қоракўл териларининг экспортбоп салоҳиятли маҳсулот ҳисобланиши ва уларнинг мўйна «ким ошди» савдоларида сотилиши Қоракўл тери товаршунослиги фанини «Қишлоқ хўжалик иқтисоди ва менежменти» фани билан алоқадор қилиб қўяди.

«Қоракўл теришунослиги» фани қоракўлнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш тартиботини ўргатиш орқали талабаларни Қоракўл тери товаршунослиги фанини ўзлаштиришга тайёрлайди, қоракўл билан ишлашнинг дастлабки кўникмаларини шакллантиради, бир сўз билан айтганда, бу иккала ўқув фанини бир-бири билан узвий боғланган қондош эгизак деса ҳам бўлади.

Назорат саволлари:

1. Республикада ер фонди таркибининг ҳолати.
2. Республика «Қоракўл» компанияси тизимида қоракўл ишлаб чиқаришнинг аҳволи.
3. Қоракўл тери товаршунослиги фанининг қишлоқ хўжалик ҳайвонлари генетикаси ва биотехнологияси» фани билан алоқадорлиги.
4. Қоракўл тери товаршунослиги фанининг мутахассислар тайёрлашдаги ўрни.

Мавзу: Қоракўлни тайёрлаш ва сифатини баҳолаш

Режа:

1. Қоракўл териларига бирламчи ишлов бериш
2. Қўзини сўйиш ва терисини шилиб олиш.
3. Янги шилинган қоракўлни узоқ муддатли сақлашга тайёрлаш.
4. Қоракўл териларини қуритиш ва тозалаш

Таянч иборалари: Тўл мавсуми, суйим пункти, қўзиларни буғизлаш, тилиш, терисини шилиб олиш, ёғсизлантириш, консервалаш усуллари, йиртиқлар, тиликлар, кемтиклар, синиклар, шаклсиз гуллар, айрим қисмлар етишмаслиги, тола тўкилиши, мугузланиш, куя тушиши, дезинфекция.

Республикаимизнинг қоракўлчилик минтакасида фаолият кўрсатувчи хўжаликлар олдида юқори қийматли наслик моллар етиштириш ва юқори сифатли қоракўлчилик маҳсулотларини кўпроқ ишлаб чиқариш, сифатли ишлов бериш йўли билан уларни то сотилгунга қадар бузмасдан, шикастламасдан, яхши сақланиш ҳамда уларни яхши нархларга сотиш каби муҳим вазифалар турибди.

Тўл мавсуми олди ишлари қаторига қоракўлчиликда қўзи сўйим пунктларини таъмирлаб, юқумсизлантириб, мавсумга шай қилиб қўйиш, қўзини сўйиш, терисини шилиб олиш, ёғсизлантириш, тозалашда ишлатиладиган пичоқ, қирғичлар, тери остига ҳаво юбориш ускуналарининг етарлилигини, созлигини текшириб кўриш, ҳар бир тайёрланадиган қоракўл териси учун ўртача 800-850 граммдан ОСТ 290 талабига жавоб берадиган зарралари иккинчи тоифа йириклигидаги тоза, қуруқ ош тузи ғамлаб қуйиш мақсадга мувофиқдир.

Қоракўлчиликда тирик туғилган кўчқорчалар ташқи кўриниши, терисининг сифатига қараб наслчилик ишлари учун ўстиришга қолдириладиган, қоракўл териси учун сўйиладиган ва териси, гавда тузилишидаги нуқсонлари учун яроқсизга чиқарилиб, бўрдоқилаш учун ўстиришга қолдириладиган гуруҳларга ажратилади.

Бундан ташқари ўлик ва чала туғилган, ўлиб қолган катта ёшли кўзилар ҳам сўйим учун ажратилади. Майда, нимжон ва оч кўзилар 2-3 кун оналари бағрида қолдирилиб, сўнг тери учун сўйилиши мақсадга мувофиқдир.

Хўжаликларда тайёрланадиган қоракўл териларнинг нуқсонсиз бўлиши учун кўзилар сўйимини, иложи борида, махсус тайёргарликка эга бўлган тажрибали сўйимчиларга юклаш зарур.

Кўзини сўйиш ва терисини шилиб олиш.

Қоракўл териларига бирламчи ишлов бериш кўзиларни сўйиш ва уларнинг терисини шилиб олишдан бошланади. Сўйим жараёни кўзини бўғизлаб, унинг йирик қон томирларидаги қонини оқизиб тугатишдан бошланади. Илгариги вақтларда кўзиларнинг бўйни кўндаланг йўналишда бўғизланган бўлса, ҳозирги кунга келиб бўйин бўйлаб, яъни узунасига бўғизлаш одат тусига кириб бормокда.

Сўйимчи кўзини кўлда сўйганида унинг кўкрак қафасини иккала оёғи орасига кишиб, кекирдаги бўртиб чиқиши учун чап кўли билан унинг пастки жағи тагидан ушлаб сал орқага қайиради ва ўнг кўлидаги ўткир пичоқ ёрдамида бўйин териси узунасига 5-8 см узунликда тилади ва тери остидаги қон томирлари, қизилўнгачи, нафас йўллари кесади.

Бўғизланган кўзилар қонини оқизиш учун қия қилиб ясалган стол устига ташлаб ёки бўлмаса юқорига қоқилган илгақларга бошини пастга қаратган ҳолда орқа оёғидан осиб қўйилади. Агар сўйилган кўзилар қонини йиғиб, кейинчалик ундан қон уни тайёрлаш мўлжалланган бўлса, у ҳолда қон оқадиган мослама остига бирор идиш қўйиш лозим бўлади. Одатда бўғизланган кўзининг қони 15-20 дақиқада оқиб тамом бўлади.

Бўғизланган кўзининг терисини сифатли, тез ва осон шилиб олиш учун тери остига ҳаво юборилади. Бунинг учун чап орқа оёқ сакраш бўғинининг ички томони териси 2-4 см узунликда тилинади. Ҳаво юбориш мосламаси бўлмаган пайтларда чорвадорлар ана шу тилик орқали бирор учи ўтмас чўп тикиб терини оёқ мушакларидан ажратиб ҳаво йўли очар эдилар ва кейинчалик шу тешик орқали оғиз билан тери остига ҳаво юборар эдилар. Албатта, ишнинг бу тартибда бажарилишини тозалик, инсон саломатлиги нуқтаи-назаридан маъқуллаб бўлмайди.

Йирик қоракўлчилик хўжаликларининг марказлашган сўйим пунктларида бўғизланган кўзилар териси остига ҳавони 0.25-0.30 атмосфера босими бера оладиган ҳаво юборувчи ускуналар (компрессорлар) ёрдамида юбориш одат тусига кирди. Турли тоифадаги хўжаликлар иқтисодий имкониятларига ва сўйилиши мўлжалланган кўзи сонига қараб кўзи сўйимида ҳаво юборувчи ускуналар (компрессорлар) дан фойдаланиш нақадар кераклигини ўзлари хал қилишлари лозим бўлади. Мабодо, ҳаво юборувчи мосламалардан фойдаланилмайдиган бўлса, у ҳолда тери остига ҳаво юборишда сўйимчилар 15-20см узунликдаги юқумсизлантирилган металл қувурчалардан фойдаланишлари мақсадга мувофиқ.

Тери остига юбориладиган ҳаво кўзи танасининг барча қисмларига текис тарқалишига эришиш лозим. Бўғизланган жой териси остидан ҳаво пуфаклари ажралиб чиқа бошлагач ҳаво юбориш тухтатилади.

Қорақўл терисининг мутаносиб шаклда, барча қисмлари сақланган ҳолда шилиб олиниши қатор нуқсонларнинг олдини олиш имконини беради.

Бўғизланиб, териси остига ҳаво юборилган кўзининг терисини шилиб олиш жараёни ўткир пичоқ учи билан тана терисини маълум йўналишларда тилишдан бошланади. Бунинг учун даставвал бўйин остининг бўғизланган жойидан қорин ва кўкрак остининг ўрталиғи орқали кўзининг орқа чиқарув тешигигача тўғри чизик ҳолида тилиб чиқилади, бунда кўзининг мойак халтаси тулиғича бир томонда қолдирилади. Ундан кейин туёқ устидан орқа оёқнинг ички томони бўйлаб то орқа чиқарув тешигигача ўтган марказий тиликкача етказилади, олдинги оёқларининг туёқлари устидан ички томони бўйлаб то тўш суяги устидан ўтган марказий тиликкача тилинади. Тилик оёқ сиртидаги гуллар ёки муҳаяр нақшлар билан оёқнинг силлиқ толали жойлари туташган қисми бўйлаб ўтказилиши керак. Кўзининг думи (қуйруқчаси) ости томонидан толасиз майдони четлари бўйлаб айлана ҳолида тилинади, дум ўсимтаси эса то учигача ичкари томондан тўғри қилиб тилинади. Бош жағ остидан то бўғизланган жойгача тилинади. Бу ишлар қилиб бўлингач, терини шилиб олишга киришилади.

Бу иш орқа оёқдан бошланиб, энг охири бошдаги терини шилиб олиш билан тугатилади. Сўйимчи иложи борица пичоқни кам ишлатиб, терини нуқсонсиз, барча қисмларини сақлаган ҳолда шилиб олишга эришиши лозим. Терини шилиб олиш кўзини орқа оёғидан юқоридаги илгакларга осилган ҳолда амалга оширилганлиги маъқул, чунки бунда терининг ортиқча ифлосланишига йўл қўйилмайди.

Янги шилинган қорақўлни узок муддатли сақлашга тайёрлаш. Териларни сифатли ишлов беришнинг муҳим жараёнларидан бири – уни тузлашга тайёрлашдир. Биз бу ўринда янги шилинган терини 1,5-2 соат давомида совитиб, сўнгра унинг гўштпарда томонини ёғсизлантириш, яъни уни мушак ва ёғ қолдиқларидан, қулоқ супрасини тоғайдан, дум ўсимтасини умуртқа суягидан тозалашни назарда тутмоқдамиз. Терининг гўштпарда томони махсус қирғичлар, қулоқ супраси ва дум ўсимтаси ўткир пичоқ ёрдамида тозаланadi.

Териларни тузлашдан мақсад тери тўқимаси таркибидаги намликни кескин камайтириш йўли билан тери бузилишига ва тола қопламини тўкилишига йўл қўймасликдир.

Амалдаги қоидалар териларни тузлаш учун зарралари иккинчи тоифа йирикликдаги қуруқ ош тузидан фойдаланишни кўзда тутadi. Ош тузи танқис бўлган вақтларда ана шу мақсад учун ош тузи билан аммоний сульфатининг 1:1 нисбатидаги аралашмасидан ҳам фойдаланиш мумкин. Ўлган ёки ўлик туғилган кўзилар териси алоҳида тузлангани маъқул. Одатда қорақўл терилари 8-10 кунда туздан чиқади.

Кейинги пайтларда ўтказилган тажрибалар териларнинг тузланиш жараёнини 4-5 кунга қисқартириш мумкинлигини кўрсатди, чунки тери мағзидаги намликнинг 90 фоизга яқини дастлабки 12-15 соат давомида ажралса, 3-4 кун ичида намликнинг асосий қисми ажралиб бўлар экан.

Ўлик туғилган ва ўлган қўзилар терисига ишлов бериш тартиби.

Қорақўл териларида тола қопламининг тўкилиши энг хавфли ва катта иқтисодий зарар келтирувчи нуқсон ҳисобланади. Одатда бу турдаги нуқсонлар ўлик туғилган ва ўлган қўзилардан шилиб олинган териларда учраб, унинг асосий сабаби териларнинг анча кечикиб тузланишидир.

Амалдаги ЎзРСТ 641-95 рақамли андозанинг талабига биноан тола қоплами озгина тўкилган терилар ҳам нуқсонли ҳисобланади ва қабул пайтида уларнинг нархлари анча камайтиради. Бунақа териларга дастлабки ишлов бериш жараёни зудлик билан совлиқ сурувининг ўзидаёқ амалга оширилиши лозим. Бунда асосий эътибор тола тўкилишининг олдини олиш ёки уни тўхтатишга қаратилиши керак бўлади. Тола қоплами тўкилиши мумкин бўлган ёки тўкила бошлаган ўлик қўзиларни билиб олиш унчалик қийин эмас, чунки бу қўзилардан бадбўй ҳид анқиб туради, баъзида сийракроқ ўсган тана қисмларида сал тола тўкилганлиги кўзга ташланади, қўзининг териси ғижимлаб ушланганида қўлга тўкилаётган толалар ёпишиб қолади.

Бунақа терили қўзилар ёки улардан шилиб олинган терилар даставвал 45-60 дақиқа давомида фенолли креолин ёки гексалиннинг сувдаги эритмаси тўлдирилган идишга чўктириб, ботириб қўйилади ва улар вақти- вақти билан аралаштирилиб, кўзгатиб турилади.

Бу эритма 1 литр сувга 10г креолин ва 1-3г фенолни ёки 1 литр сувга 10 грамм гексалинни эритиб тайёрланади. Бунда қўзининг хар бир кг вазнига 5,5 литр эритма тўғри келиши лозим бўлади. Бу эритмадан 5 маротабагача фойдаланиш мумкин, фақат такрор фойдаланиш олдидан суюқлик коэффиценти дастлабки чегарагача етказилади, эритманинг кучи камайиб кетмаслиги учун унга қўшимча 10-15 фоиз фенол ва креолин эритилади. Эритмада ишловдан ўтган қўзилар сал шамоллатилиб, кептирилгач суйилади ва териси умум қабул қилинган тартиб билан шилиб олинади. Шу тарика ишлов берилган терилар юқорида зикр этилган тартибда ёғсизлантирилади ва тузланади.

Қорақўл териларини қуриштиш ва тозалаш.

Туздан чиққан қорақўл терилари эрта тонгдан очик ҳавода қуриштилади. Бунинг учун юзаси текисланган, тупроғи зичланган, чангимайдиган майдонлардан фойдаланилади. Агар иложини топиб қорақўл териларини майдонларга тўшалган қанорли матоҳлар устида қуришса яна ҳам яхши натижалар қўлга киритилади, чунки бунда қорақўл терилари ортиқча ифлосланишдан ҳимояланади. Териларнинг аввало гўштпарда томони, сўнггра тола қоплами қуриштилади. Одатда терилар қуриштилиш билан бир вақтнинг ўзида тола қопламида қотиб қолган қон ва ахлат зарралари, парчалари, чорона пардалари, ёпишган кум ва тупроқ зарраларидан аввало ёғоч қирғичлар, ўтмас темир пичоқлар ёрдамида қўпол тозаловдан, кейинчалик чўткали станоклар ёрдамида майин тозаловдан ўтказилади. Қорақўл териларнинг асл сиймоси аниқ билиниши, сифатининг яққол кўзга ташланиши учун уларнинг тола қоплами кўнгилдагидек тозаланиши талаб этилади, шу туфайли ҳам етарлича тозаланмаган терилар қўшимча қуриштиш ва тозалаш учун ўша ишчининг ўзига такрор қайтариб берилиши лозим.

Қоракўл териларини қуритиш ва тозалаш жараёнларида уларнинг гуллари тўзғийди, хурпаяди, ўзининг асл шаклини вақтинча йўқотади. Бунда уларни «гулини-гулига» қилиб 60-80 см гача баландликда устун қилиб тахланган ҳолда, устига бирор оғирроқ юк билан бостириб камида 72 соатга қолдирилади.

Яхши дам олиб, тўзғиган гуллари анча босилиб, тикланиб, асл шаклига қайтгач қоракўл терилари навларга хилланади. Ўқувчиларда қоракўл териларнинг савдоси ялпи сони бўйича бўлаётганлиги туфайли уларни навларга хиллаш шартмикан деган савол туғилиши мумкин. Шунинг унутмаслик керакки, қоракўл териларидан тайёрланадиган турли хил кийим-кечакларнинг ҳар бирига маълум навлар ва рангдаги ўхшаш сифатли терилар ишлатилади, бунинг устига жаҳон «ким ошди» мўйна савдоларидаги барча алоқалар фақатгина маълум навли (номер) терилар бўйича олиб борилади. Шу туфайли ҳам қоракўл терилари албатта, амалдаги тайёрлов андозаларининг талаблари асосида хилланиши, дасталаниб боғланган бўлиши лозим.

Ошланмаган қоракўл терилар савдоси уларнинг тури, ранги, сатҳ ўлчами, навлар ва нуқсонлилигини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Назорат саволлари:

1. Нима учун қоракўлга бирламчи ишлов берилади ?
2. Қанақа кўзилар сўйим учун ажратилади ?
3. Қоракўл кўзиларини сўйиш тартибини таърифланг
4. Нима учун қоракўл терилари тузланади ?
5. Туздан чиққан териларга ишлов бериш тартиби

Мавзу: Соф зотли қора ранг қоракўл териларни хиллаш тартиби

Режа:

1. Соф зотли қора ранг қоракўл териларни андозалаш тарихи
2. Бирламчи ишлов сифатига андоза талаблари
3. Қора ранг қоракўлнинг Соф зотлилик белгилари, сатҳ ва гул ўлчамлари
4. Қора ранг қоракўлни барра гуруҳ ва навларга ажратиш
5. Қора ранг қоракўлни иллат гуруҳларига ажратиш

Таянч иборалари: Қора ранг, олалик, соф зотлилик белгилари, тузлаб ва тузламасдан қуриштиш, ошлаш ва фермент-кимёвий усулда консервдалаш, терининг гўштпарда томони, тола қоплами, сатҳ ўлчамлари, гуллар ўлчами, қоракўл гулларининг хил ва шакллари, қоракўлнинг барра гуруҳ ва навлари, қоракўл иллоти.

Қоракўл қўйларининг асосий қисмини қора рангдаги қўйлар ташкил қилади. Бу ранг қоракўл терисидagi жун толаларнинг бутун узунлиги бўйлаб қора ранг зарралари (пигмент) нинг текис жойлашишидан ҳосил бўлади.

Қора ранг қоракўлни ишлаб чиқариш, улардан инсон эҳтиёжлари учун фойдаланиш узоқ тарихга эга.

М.Ф. Ивановнинг (1964) кўрсатишича, Октябрь инқилобига қоракўл терилари савдоси хусусий қўлларда, фирмаларда бўлган. Ҳар бир фирма қоракўлни ўз андозаси бўйича хиллаган. Хориж бозорларига чиқарилувчи ва ички бозорларда қолдирилувчи қоракўлни хиллашга асқотадиган ягона савдо бозори яратилмаганди. Шу боисдан ҳам савдо муомаласида кўп сонли навлар ва атамалар юзага чиқдики, баъзи пайтларда турли фирмалар бир хил нав номи билан турли сифатли қоракўлни муомалага чиқаришган. 1913 йили қора ранг қоракўл 6 навга, яъни бўшгуллик (партион), двухпарный (жуфт қўшалок), сара (головка), кирпук, флер ва телпакбоп навларга ажратилган.

И.Н. Дьячковнинг (1964) хабар беришича, 1925 йил 14 сентябр куни қоракўл териларига амал қилувчи ягона давлат андозаси қабул қилинди. 1926 йилнинг декабрида у ўзгартирилди ва тўлдирилди. Унга кўра қора ранг қоракўл қуйидаги 7 навга, яъни якка қўшалок (экстра), жакет I, жакет II, бўш гуллик (головка), кирпук, флера ва фигура навларига ажратиларди. Бу андозада қоракўл терилари олиниш ҳудудига қараб қўшимча тарзда гуруҳлар (кряж) га, яъни Бухоро қоракўли (унга Қоракўл, Конимех, Қарши, Карки, Чоржуй ва Термез туманлари кирган), Марв қоракўли (унга Марв, Пендин ва Хоразм туманлари кирган) гуруҳларига ажратилиши кўзда тутилганди. Бу андозада қайд этилган навлар таърифида тола қопламининг хусусиятлари умуман тушириб қолдирилган.

1932 йилнинг 1 февралидан янги Давлат андозаси (ОСТ 3914) амалга жорий қилинди. Бу андозада қора ранг қоракўл I, II ва III навларга ва ҳар бир нав ичида 2 дан 4 тагача яна ҳам кичикроқ навларга ажратилиш кўзда тутилганди. Ана шу навларнинг тола қоплами сифати, гулларнинг хил ва шаклларига батафсил таъриф берилганди.

1934 йилнинг бошида қоракўл териларининг янги андозаси (ОСТ 6461-113) жорий қилинди. Бу андозада хомашё қоракўл терилари бамисоли хорижга

чиқариш учун хилланаётгандек кўпсонли (21та) навларга ажратилиши кўзда тутилганди.

Галдаги андоза ОСТ 8626-382 1936 йилнинг январиди қабул қилинди. И.Н. Дьячков (1964) нинг кўрсатишича, мўйна бозорида юпка мағзли қоракўлга талаб ошганди. Унга биноан мағз қалинлигига караб I нав икки тоифага, яъни I А-юпка ва I Б-қалин мағзли турларга ажратилиб, I А-навнинг ўзи 2га бўлиниши, улардан бири қалами ва ловиясимон гуллар кўплиги билан, иккинчиси ясси гуллари кўплиги билан ажралиб турарди. I Б нави ҳам 2 гуруҳчага ажратилиб, биринчисига йирик қалами ва ловия гуллари кўп бўлган, иккинчисига эса кенг, бирмунча босилган қалами гулларга ёл гуллар аралашган терилар киритиларди. II нав ўз навбатида 3 та майдароқ навларга ажратиларди.

1939 йили қора ранг қоракўл учун янги андоза ОСТ/НКЗага 370 тасдиқланди. Унга кўра қора қоракўл қуйидаги навларга ажратиларди: 1. Сараланган; 2. Биринчи А; 3. Биринчи Б; 4. Биринчи В; 5. Иккинчи А; 6. Иккинчи Б; 7. Учинчи; 8. Назукча

Биринчи А нави ўз навбатида 4, яъни биринчи жакетсимон, кирпуксимон, юпка мағз қобирғасимон I ва юпка мағз москва жакетсимон, биринчи Б-нави қалин мағз жакетсимон, биринчи В- қалин мағз кавказ I симон каби гуруҳларга бўлинарди.

Иккинчи А нави юпка мағзли II-навларни ўз ичига олганди (жакет II, юпка мағз кавказ I, флера, қобирғасимон II). Иккинчи Б-нави таркибига алоҳида бандлар билан канада ва ясси жакет II навлари киритилган бўлса, III навга эса 5та нав (партион, қалин мағз кавказ II, юпка мағз кавказ II, фигура ва ясси жакет III навлари) жамланганди.

Ҳар бир нав қоракўлнинг тола қоплами сифати (ипаксимонлик, ялтироқлик, қалинлиги), гулларнинг хил ва шакллари, мустаҳкамлигига батафсил таърифлар берилганди. Тола ва гуллари сифатидан қатъий назар андозавий майдони 350-700 см² бўлган барча терилар нозикчага киритилиши кўзда тутилганди.

1959 йилнинг 2 февралидан қора қоракўл учун ГОСТ 8748-58 андозаси амалга киритилди. Бу андоза 1961 йилдан бошлаб ошланган қоракўлга ҳам амал қила бошлади.

Сатх ўлчамлари бўйича қоракўл терилари меъёрли (майдони 700см² дан ошиқ) ва нозикча (майдони 350-700см²) гуруҳларга ажратилиб, фақат меъёрли териларгина навларга ажратиларди.

Андозалаш тарихида биринчи марта қоракўл терилари шартли гуруҳларга эмас, балки сифати бир-бирига яқин ва ўхшаш бўлган гуруҳларга, яъни жакет, ўсиқ гулли (кавказ) ва қобирғасимон – ясси барра гуруҳларга ва ҳар бир барра гуруҳ ичида навларга ажратила бошланди.

Бундан ташқари, қоракўл гулларининг кенглиги (йириклиги) ва узунлиги бўйича ўлчамлари мм. ларда аниқ кўрсатилди. Бу андозага мувофиқ Соф зотли қора қоракўл барра гуруҳлар ичида 8та биринчи навга (биринчи жакет, кирпук, қалин жакет, москва жакети, кавказ қалин I, қобирғасимон юпка I, ясси I ва қобирғасимон қалин I), 7 та иккинчи навга (иккинчи жакет, кавказ юпка I, флера, юпка ва қалин мағз қобирғасимон II, ясси II ва йирик гулли) ажратила бошлади, илгари «Канада» дея аталган нав номи ўзгариб «Йирикгулли» деб атала бошлади. III навлар эса барра гуруҳларига киритилмасди.

Бу андозада ҳар бир навнинг тола қоплами сифати бўйича, ҳар хил шаклли гулларнинг тери қисмлари бўйлаб салмоғи ва сифат кўрсаткичлари бўйича батафсил таърифи берилганди.

1960 йиллардан эътиборан қорақўлчиликда серпуштликни ошириш препарати СЖКни қўллаш ишлари кенг қўламда бошлаб юборилди. Серпуштлик препаратини қўллаш дастлабки йиллари бир қарашда ижобий натижалар бергандек эди, қўйлар серпуштлиги ортди, қорақўл ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди.

Аммо, ўтган асрнинг 70-йилларига келиб қорақўл ассортиментида майда ўлчамли қорақўл салмоғи кескин кўпайиб кетди, бу эса қорақўл сифатига ўз салбий таъсирини кўрсата бошлади— тери мағзи юпқалашди, гуллар узунлиги қисқарди, мустаҳкамлиги пасайди, ҳалқаро мўйна «ким ошди» савдосида «бухоро қорақўли» номи билан сотишга чиқарилган қорақўлга талаб ва эҳтиёж жуда тушиб кетди.

Ана шу омиллар таъсирида қора қорақўл териларига амал килувчи ГОСТ 8748-58 андозаси янгиланди, яъни 1972 йилнинг 1 январидан ГОСТ 8748-70 амалга киритилди. Бу андозага кўра қора қорақўл сатҳ ўлчами бўйича илгаригидек 2 га (меъёрли ва нозикча) эмас, балки қуйидаги талаблар бўйича 3 га ажратиладиган бўлди:

Қора ранг қорақўлнинг сатҳ ўлчамлари, см² да
8-жадвал

Сатҳ ўлчами гуруҳлари	Тузлаб қурилган		Ошланган	
	ГОСТ 8748-58 бўйича	ГОСТ 8748-70 бўйича	ГОСТ 8748-58 бўйича	ГОСТ 8748-70 бўйича
меъёрли	700дан ошиқ		800дан ошиқ	
нозикча	350-700		400-800	
йирик		1100дан ошиқ		1000дан ошиқ
ўрта		900-1100		850-1000
майда		500-900		450-850

Қорақўлнинг ўта майдалашиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида бир навга мансуб турли катталиклдаги қорақўл терилари учун ҳар хил харид баҳолари, яъни катта ўлчам терилар нархи майданикидан 2-2,5 баробар ошиқ қилиб белгиланди. Бундан ташқари, сатҳ ўлчами бўйича яроксиз териларга илгаригидек майдони 350 см² дан кичик эмас, балки 500 см² дан кичик терилар киритиладиган бўлди. Бу андозага киритилган янгиликлардан яна бири илгариги ягона ясси гул I нави мағз қалинлигига қараб 2га, яъни ясси юпка I ва ясси қалин I навларига ажратилиши бўлди. Шундай қилиб, катта ва ўрта ўлчам қорақўлнинг I навлари сони илгаригидек 8та эмас, балки 9тага етди. Яна бир янгилик иллатларига кўра қорақўлнинг илгариги 3 гуруҳ ўрнига 2 гуруҳга ажратилиши бўлди.

Қора ранг қорақўлнинг иллат гуруҳлари

Иллатларнинг номи	ГОСТ 8748-58 бўйича иллат гуруҳлари			ГОСТ 8748-70 бўйича иллат гуруҳлари	
	кичик	ўрта	катта	биринчи	Иккинчи
1.Шаклсиз гуллар майдони, см ² : сағри ва елкасида бошқа қисмларида	10,1-64,0 20,1-100,0	64,1-144,0 100,1-200,0	144,0-200,0 200,1-300,0	10,1-80,0 20,1-120,0	80,1-150,0 120,1-250,0
2.Йиртиқлар, синиқлар, чоклар, тиликлар (бош, дум ва оёқлардан ташқари) умум узунлиги, см да	5,1-15,0	15,1-30,0	30,1-50,0	5,1-20,0	20,1-50,0
3.Ўйиқлар, толаси қирилган жойлар, тери четидаги кемтиклар, умумий майдони см ² ларда	4,1-16,0	16,1-64,0	64,1-144,0	4,1-40,0	40,1-120,0
4.Айрим қисмлар етишмаслиги	Боши ёки бўйни	Боши бўйни билан	-	Боши ёки бўйни	Боши бўйни билан
5.Нотўғри бирламчи ишлов бериш	Юмалоқлаб куритиш	-	-	Юмалоқлаб куритиш	-

Бу жадвалдан кўриниб турибдики, меъёрли, яъни нуксонсиз терилар учун иллатларнинг рухсат этиладиган чегаралари иккала андозада ҳам бир хил қолдирилган бўлса, энг катта иллат гуруҳи учун рухсат этилган чегаралар ГОСТ 8748-70да бирмунча камайтирилган.

Мўйна бозори юқори сифатли йирик қорақўлга катта қизиқиш билдираётганлиги боис ҳамда майда, паст сифат қорақўл ишлаб чиқаришни камайтириш мақсадида 1984 йилнинг 29 июн куни амалдаги ГОСТ 8748-70 андозасига ўзгартириш ва тўлдиришлар киритилди. Жумладан, асосий майдонида 12 см. кв дан йирик ола доғлари бўлган терилар қора рангга эмас, балки рангдор ола рангга киритиладиган бўлди. Бундан ташқари, сатҳ ўлчамига қараб терилар қуйидаги талаблар асосида илгаригидек 3 гуруҳга эмас, балки 4 гуруҳга ажратилиши тайин қилинди.

Тери ўлчамлари	Тери майдони, кв.см. да			
	Тузлаб қуритилган		Ошланган	
	1985 йилгача	1985йилдан сўнг	1985йилгача	1985йилдан сўнг
Катта	1100дан ошиқ	1400дан ошиқ	1100дан ош	1250дан ошиқ
Ўрта	900,1-1100,0	900,1-1400,0	850,1-1000,0	800,1-1250,0
Майда	500,0-900,0	700,1-900,0	450,0-850,0	650,1-800,0
Ўта майда	-	500,0-700,0	-	450,0-650,0

Бу жадвалдан кўриниб турибдики, андозанинг тери ўлчамига бўлган талаби анча ошган, яъни катта ўлчамдаги тузлаб қуритилган қорақўлга илгаригига нисбатан 300 кв.см ошиқроқ майдонли терилар киритиладиган, майда ўлчам терилар

гуруҳидан кўшимча тарзда ўта майда гуруҳ ҳам ажратиладиган бўлди. Табиийки, қорақўлнинг харид баҳолари ҳам шунга мос тарзда ўзгартириб белгиланди.

Яна амалдаги андозадаги жакет барра гуруҳига кирувчи биринчи навлар қаторига янги «сара жакет биринчи» нави кўшилди. Бу навга кўйилган андоза талаблари ўта юқори эди: «Тола қоплами қалин, ипаксимон, ялтироқ. Терининг бутун майдони бўйлаб узун ва ўрта узунликдаги ўрта ўлчам мустаҳкам, қайишқоқ ярим доира қалами гуллар тарқалган. Гуллар нақши аниқ, марказлашган – ёндош ёки тўғри-ёндош ҳолда жойлашган». Шунини таъкидлаш лозимки, сифат талабларининг бу тариқа кўйилиши қорақўл сифатини кескин яхшилаш, уларнинг машҳурлигини, бозоргирлигини, нақшинкорлигини янада ошириш каби эзгу мақсадларга қаратилганлиги тайин эди, аммо бу нав талабларига жавоб бера оладиган терилар чиқимининг ўта камлиги Қорақўл тери товаршунослигида мазкур навнинг ўз муқим ўрнини топишига имкон бермади.

Бундан ташқари, 1985 йилгача III навга мансуб терилар номма – ном аталиб (партион, кавказ юпқа II, кавказ қалин II, ясси III, фигура, қобирғасимон юпқа ва қалин III) уларнинг сифат тавсифлари берилган бўлса, 1985 йилдан бошлаб улар умумий битта III навга киритиладиган бўлди.

1985 йилгача шаклсиз (деформация) гулларнинг сағри ва елка қисмларидаги умумий майдони 10см. кв дан, бошқа қисмларида эса 20см. кв дан кам бўлган қорақўл терилари иллатсиз, яъни меъёрли ҳисобланган бўлса, 1985 йилдан эътиборан юзасида шаклсиз гуллар майдонининг қанчалик кичик бўлишига қарамасдан барибир иллатли ҳисобланадиган бўлди. Ана шу тариқа тўлдирилган ГОСТ 8748-70 сонли андоза 1995 йилгача амалда бўлиб келди.

Республикамиз ўз мустақиллигига эришгач, халқ хўжалигининг барча жабҳаларида туб ислохотлар амалга оширилди ва сезиларли муваффақиятларга ҳам эришилди. Табиийки, тараққиётнинг бу ижобий жараёнларидан кишлоқ хўжалиги, хусусан қорақўлчилик соҳаси ҳам четда қолган эмас. Қорақўлчиликда мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган ҳар хил хўжалик субъектлари ишлаб чиқариш майдонига чиқди ва улар қорақўлчилик маҳсулотларини етиштириб бера бошлади. Қорақўлчиликдаги янги вазият (ҳар хил тоифа хўжаликлар пайдо бўлиши, қорақўл ассортиментининг кенгайиши, янги ранг ва рангбарангликдаги қорақўл териларининг етиштириш бошланиши, кўйларнинг янги зот ва завод типлари яратилиши) қорақўл терилар сифатини назорат қилувчи республика андозасини яратишни тақозо этди.

Қорақўлчилик соҳасига алоқадор бўлган мутасадди ташкилотлар, муассасаларнинг олимлари, кўзга кўринган мутахассислар иштирокида тайёрланган ЎзРСТ 641-95 Давлат андозаси 1995 йилдан эътиборан амалга жорий қилинди. Бу андоза 5 йилга амал қилиши ва 2000 йилда яна қайта кўриб чиқирилиши кўзда тутилганди, аммо бу иш қилинмаганлигидан ҳозирги кунда ҳам ушбу андоза амалда ҳисобланади. ЎзРСТ 641-95 илгариги ГОСТ 8748-70, ГОСТ 2865-68, ГОСТ 11124-65, ГОСТ 10327-63, ГОСТ 11577-65, ГОСТ 10701-63 ларнинг барчасини ўрнини босадиган ягона андоза сифатида эътироф этилди, яъни бугунги кунда қорақўл хомашёсининг барча турларига, шу жумладан Соф зот қора ранг қорақўл териларига ҳам амал қилмоқда.

Бирламчи ишлов сифатига андоза талаблари. Қорақўл кўзилари сўйилиб, териси шилиб олинганидан то истеъмол қилингунига қадар анча вақт ўтади. Шу туфайли ҳам янги шилиб олинган териларни узоқ муддатли сақлаш учун ишлов берилиб, консерваланади.

Қорақўл кўзиларни сўйиш, терисини шилиб олиш, тузлаб ёки тузламасдан қуритиш, ошлаш ёки фермент - кимёвий усулда ишлов бериш жараёнлари савияси қорақўл терилар сифатининг ЎзРСТ 641-95 талабларига жавоб беришини таъминлаши шарт.

Бу талаблар қуйидагилардан иборатдир:

- қорақўл терилари барча қисмлари сақланган ҳолда, йиртмасдан, тешмасдан, тола илдизларига зарар етказмасдан шилиб олинган бўлиши;

- тузлаб ёки тузламасдан қуритилган териларнинг гўшт- парда томони синчиклаб ёғсизлантирилган, яъни гўшт ва ёғ қолдиқларидан қирғичлаб тозаланган, тола ва гўшт парда томони ҳар хил ифлосликлардан (қотган қон зарралари, чарона қолдиқлари, қум, лой ва ҳоказо) тозаланган бўлиши, терининг гўшт парда томони, айниқса боши, думи ва оёқлари ғижимларсиз, текис ҳолда қуритилган бўлиши;

- ошланган ёки фермент –кимёвий усулда ишлов берилган териларнинг гўшт парда томони доғларсиз текис, оч сариқ ёки оч кўк рангда, тола қоплами консерваловчи ифлосликлардан (ачитқи кепаци чангидан) тозаланган бўлиши лозим.

Шуни таъкидлаш лозимки, илгариги ГОСТ 8748-70 фақат тузлаб қуритилган ва ошланган қорақўл териларига амал қилган бўлса ЎзРСТ 641-95 андозасининг таъсир доираси анча кенгайиб, қўшимча тарзда тузламасдан қуритилган ҳамда фермент – кимёвий усулда ишлов берилган териларга ҳам амал қиладиган бўлди. Андозанинг ана шу талабларига тўлиқ жавоб берган терилар нуқсонсиз ҳисобланади.

Қора ранг қорақўлнинг соф зотлилик белгилари, сатҳ ва гул ўлчамлари.

Қора ранг қорақўлнинг Соф зотлилик белгиларига қуйидагилар қиради:

- тола қоплами турли даражадаги ижобий ялтироқлик ва ипаксимонликда (хира ва шишасимон ялтироқлик, дағал ва қуруқ ипаксимонлик бундан мустасно);

- териларнинг бутун майдони ҳар хил тур ва шаклдаги қорақўл гуллари билан қопланган, иккинчи даражали қисмлари (оёқлари, боши ва думи) ҳар хил гуллар, ҳеч бўлмаганда муаре нақшлари билан қопланган;

- терининг бўйин қисмида толанинг тўғрилланган ҳолдаги узунлиги кўпи билан 30 мм гача бўлади;

- думи асос қисмида кенг бўлиб, учига томон торая боради ва охири қорақўл зотига хос ингичка ўсимта билан тугалланади.

Илгариги ГОСТ 8748-70 га нисбатан янги ЎзРСТ 641-95 андозасида нима учундир «тери орқа оёқларининг сакраш бўғинидан пастки қисмида силлиқ толалар бўлишига рухсат этилади» деган ибора тушириб қолдирилган ва буни унчалик тўғри деб бўлмади.

Аслзот қора ранг қорақўл терилари сатҳ ўлчамлари бўйича қуйидаги гуруҳларга бўлинади (см. қвларда):

Асл зот қора ранг қоракўл терилари сатҳ ўлчамлари (см. кв)

Тери ўлчамлари	Тузлабёки тузламасдан қурилган	Ошланган ёки фермент-кимёвий усулда ишлов берилган
Катта	1400 дан ошиқ	1250 дан ошиқ
Ўрта	900-1400 гача	800-1250 гача
Майда	500-900 гача	450-800 гача
Сатҳи бўйича яроқсиз	500 дан кам	450 дан кам

Илгариги андозаларда тузламасдан қурилган ва фермент –кимёвий усулда ишлов берилган териларнинг сатҳ ўлчамлари кўрсатилмаганди. Қоракўл териларнинг у ёки бу навга киритилиши, ишлатиш мақсадларини белгилаш учун қоракўл гулларининг ўлчамлари муҳим аҳамият касб этади. Масалан, ҳозирги кунда катта эҳтиёжга молик бўлган хотин – қизлар мантиси учун қоракўлнинг гуллари йирик бўлиши лозим, лекин йирик гулли қоракўлдан бош кийими тикишда асло фойдаланиш мумкин эмас. Бош кийими, ёқаликлар учун ўрта ёки майда ўлчамдаги узун гулли териларни ишлатиш айти муддаодир.

Қоракўлчилик амалиётида гулларнинг икки хил ўлчами, яъни гулларнинг узунлиги ва кенглиги (катталиги) фарқланади.

Аслзот қора ранг қоракўл териларнинг юзасидаги қоракўл гуллари узунлиги бўйича қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- узун гуллар - узунлиги 40 мм дан ошиқ.
- ўрта узунликдаги гуллар – узунлиги 20 мм дан зиёд-40 мм гача.
- калта гуллар – узунлиги 12 мм дан ошиқ – 20 мм гача.

Барча қоракўл гуллари орасида фақат қалами ва ёл гулларгина узунликка эга бўлади, ловия, ҳалқа ва ярим ҳалқа ҳамда бузуқ гулларда узунлик бўлмайди.

Қоракўл гулларининг узунлиги 1995 йилгача қоракўл кўзилари ва қоракўл териларида турлича талқин қилиниб келинган эди, яъни қоракўл териларда узунлиги 30 мм дан ошиқ гуллар узун ҳисобланган бўлса, қоракўл кўзиларда узунлиги 40мм дан ошиқ гуллар узун ҳисобланган.

ЎЗРСТ 641-95 андозасида бу фарқ олиб ташланди.

Қора ранг қоракўлнинг гуллари кенглиги ёки эни бўйича қуйидаги ўлчамларга бўлинади:

- тор, энсиз ёки майда гул - 4 мм гача
- ўрта ўлчам гул - 4 мм дан ошиқ -8,0 мм.
- кенг ёки йирик гул - 8мм дан ошиқ.

Қора ранг қоракўлни барра гуруҳ ва навларга ажратиш.

Юзасида мавжуд бўлган қоракўл гулларининг хил ва шакллари, мустаҳкамлигига, тола қопламанинг ипаксимонлиги, ялтироқлиги, қалинлиги ва ўсиқлиги ҳамда тери мағзи қалинлигига қараб катта ва ўрта ўлчамдаги Соф зотли қора ранг қоракўл терилари қуйидаги гуруҳларга ва ҳар бир гуруҳ ичида навларга ажратилади.

Юзасида мавжуд гулларнинг хил ва шаклларига караб I нав терилар ўз навбатида қўйидаги барра гуруҳларига бирикади:

Яримдоирагуллик (жакет) – юзаси бўйлаб ҳар хил ўлчамдаги яримдоирагуллик қалами ва ловия гуллар тарқалган, баъзан улар ўлчамлари ўхшаш ёл гуллар билан аралашиб жойлашган. Бу гуруҳга жакет I, кирпук, қалин жакет ва москва жакети навлари киради.

Қобирғасимон гулли – юзаси бўйлаб ҳар хил ўлчамдаги, мустаҳкам ёл гуллар ва қобирғасимон қалами гуллар жойлашган, баъзан уларга кам микдорда яримдоира қалами гуллар, ясси қалами гуллар аралашган бўлади. Бу гуруҳга қобирғасимон юпка I ва қобирғасимон қалин I навлари киради.

Ясси гуллик – юзаси бўйлаб ясси қалами гуллар ясси ёл гуллар билан аралашиб жойлашган. Баъзан уларга кам микдорда қобирғасимон, яримдоирагуллик қалами гуллар, лослар аралашган бўлиши ҳам мумкин. Бу гуруҳга ясси юпка I ва ясси қалин I навлари киради.

Ўсиқ гулли(кавказ) – юзаси бўйлаб сал йириклашган ёки йирик ўрта узунликдаги ва калта ярим доира қалами ва ловия гуллар, ёл гуллар тарқалган, тола қоплами бироз ўсинқираган бўлади ва унга ягона кавказ қалин (ўсиқгул) I нави киради.

Илгариги ГОСТ 8748-70да иккинчи нав таркибига кирган жакет иккинчи, кавказ юпка биринчи, флера, қобирғасимон юпка ва қалин II, Ясси II ва Йирик гулли навларига алоҳида-алоҳида таърифлар берилган бўлса, ЎзРСТ 641-95 андозасида улар битта иккинчи навга бирлаштирилганлигини таъкидлаш лозим.

I навга – тола қоплами қалин, ипаксимон, ялтироқ, асосий майдони мустаҳкам қалами, ёлсимон ва ловиясимон гуллар билан қопланган қорақўл киритилади.

II навга– тола қоплами қалин ёки сийраклашган, етишмаган ипаксимонлик ва ялтироқликдаги, юзаси бўйлаб бўшашган калта қалами, ловиясимон, ёлсимон ва ҳалқасимон гуллар тарқалган терилар киритилади.

III навга – тола қоплами етишмаган қалинликда, дағал ёки етишмаган ипаксимонликда, етишмаган ёки хира ялтироқликда, юзаси бўйлаб ҳар хил ўлчамдаги бўш ловиясимон, ҳалқасимон ва бузуқ гуллар тарқалган терилар киритилади.

Қора ранг қорақўлни иллат гуруҳларига ажратиш.

Иллатсиз қорақўл улардан тикиладиган эҳтиёж молларининг бекаму кўст, юқори сифатли бўлишини таъминлайди. Қорақўлдаги иллат унинг қийматини кескин пасайтиради, яъни иллатли қорақўлнинг қиймати меъёрли тери нархидан 19,5 фоизга кам қилиб белгиланган. Мабодо нуқсонлар ўлчами қорақўлнинг нуқсонли гуруҳи учун кўзда тутилган чегаралардан ошиб кетса бу тери яроқсиз ҳисобланиб унга ўрта ўлчам иккинчи нав учун белгиланган харид баҳосининг атиги 13 фоизигина тўланади, холос.

Аслзот қора ранг қорақўл нуқсонларининг андозавий ўлчами

Иллатларнинг номи	Нуқсон гуруҳлари	
	меъёрли	иллатли

1.Шаклсиз гуллар (кигизланган, куйик жунли) умумий майдон, см.кв да -сағри ва орқа киррасида Терининг бошқа қисмларида	10 гача 20 гача	10дан ошиқ 150гача 20дан ошиқ 250гача
2. Кесик, йиртиқ, синиқ ва чоклар (бош, оёқлар ва думдаги нуқсонлар бундан мустасно) умумий узунлиги, см да	5 гача	5 дан ошиқ 30 гача
3.Тешик, толаси қирилган жойлар, тери четидаги кемтиклар (бош, оёқ ва думидаги нуқсонлар бунга кирмайди) умумий сатҳи, см. кв д	4 гача	4 дан ошиқ 120 гача
4. Куя еган, ювилмайдиган, буёқ чапланган, сарғайган доғлар, буришган майдонлар умумий сатҳи, см.кв да	йўл қўйилмайди	120 гача
5. Терининг айрим қисмлари етишмаслиги	йўл қўйилмайди	Боши, думи, буйни ва оёқлари
6. Нотўғри сўйиш, юмалоқлаб қуритиш	йўл қўйилмайди	йўл қўйилади
7. Идраган, чириган, толаси тукилган жойлар умумий майдони, см. кв да	йўл қўйилмайди	40 гача

Олдин амалда бўлган тайёрлов андозаси бўйича нуқсонлари улчамига караб қорақўл терилари меъёрли, иллатли I ва II гуруҳларга ажратиларди. ЎзРСТ 641-95 андозаси бўйича терилар фақат меъёрли ва иллатли гуруҳларга ажратиладиган бўлди. Бундан ташқари, иллатли гуруҳга кирувчи терилардаги йиртиқ, синиқ, чокларнинг энг кўп микдори илгариги 50 см дан 30 см гача туширилди.

Назорат саволлари

- 1.Қора ранг қорақўлга қанақа терилар киритилади?
- 2.Соф зот қора ранг қорақўлда андозавий тола узунлиги қанча бўлиши лозим?
3. Қора ранг қорақўлнинг сатҳ ўлчамларига таъриф беринг
4. Қорақўлнинг сатҳ ўлчами қандай аниқланади?
- 5.ЎзРСТ 641-95 бўйича қора қорақўлнинг навларини санаб беринг.
6. Қора қорақўлнинг аслзотлилиқ белгиларига таъриф беринг.

Мавзу: Соф зотли кўк ранг қорақўлни хиллаш тартиби

Режа:

- 1.Соф зотли кўк ранг қорақўлни хиллаш тарихи
- 2.Кўк ранг қорақўлнинг тус ва рангбарангликлари
- 3.Кўк ранг қорақўлга берилган бирламчи ишлов сифатига талаблар
- 4.Кўк ранг қорақўлнинг соф зотлилиқ белгилари, сатҳ ва гул ўлчамлари
- 5.Кўк ранг қорақўлнинг барра гуруҳ ва навлари

6.Кўк ранг қорақўлнинг иллатлари

Таянч иборалари: кўк, шерози ранг, туси, оч кўк, ўрта кўк ва тўқ кўк, ранг баранглиги,сут ранг, пўлати ранг, ҳаво (мовий) ранг, кумуш ранг, марварид ранг, кўрғошин ранг, оқиш(оқ оралаган) ранг, садаф ранг, қора кўк, сийрак гуллилиқ, қизғиш доғлар, йиртиқ ва тиликлар, жун тўкилиши, тавро,сарғиш ранг, кам пигментланган.

Қорақўл кўйлари ўзининг ранги ва ранг баранглигининг кўплиги билан барча кўй зотларидан ажралиб туради.

Кўк рангли қорақўл териларини халқимиз “шерози” ранг деб ҳам номлашади. Қорақўл териларида кўк ранги оқ ва қора ранг толаларининг равон аралашиб ўсишидан ҳосил бўлади.

Бугунги кун асортиментида кўк қорақўл миқдорий салмоғи бўйича қора ва сур ранг териларидан кейинги учинчи ўринда туради. Бунга сабаб кўк ранг қорақўл териларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган хўжаликлар сонининг ўта камайиб кетганлигидир.

Республикада мавжуд 103та қорақўлчилик ширкат хўжаликларидан атиги 4-5 тасигина кўк қорақўл ишлаб чиқариш билан шуғулланишмоқда.

Кўк ранг қорақўлни хиллаш жараёни ва тартиби ҳам ўзининг узоқ тарихига эга.

М.Ф. Ивановнинг (1964) кўрсатишича, 1913 йили кўк қорақўл навларга хилланмасдан фақат ранги бўйича ажратилган, холос. 1928 йилда кўк ранг қорақўл оч-кўк, тўқ-кўк, москва кўки ва донатор гуруҳларга, 1931 йилда эса ҳар бир тус ичида «партион», «нозикча», «бузилган», «кавказ» ва яхобобларга ажратилган. Давлат андозасига мувофиқ ҳар бир гуруҳ ичида терилар 4 навга ажратилган, шундан I навга—ингичка, майда тўлқинсимон гулли терилар, II навга йирик ёки ўрта ўлчамли бўш тўлқинсимон гулли терилар, III навга — кайишқоқ ҳалқасимон гулли терилар ва IV навга —майда тўзғоқ гулли терилар киритилган.

1934 йилда жорий қилинган ОСТ/НКВТ 6462-114 Давлат андозаси рангдор қорақўл учун мўлжалланганди. Унга биноан кўк ранг қорақўл ҳам рангдор териларга киритилиб, у ўз навбатида кўк ва тўқ кўк тусларга бўлиниб кетарди. Сатҳ ўлчами бўйича меъёрли ва нозикча (450-800 см. кв)га бўлиниб, терилар тола қопламанинг ипаксимонлиги, ялтироқлиги ва қалинлиги, гулларининг хил ва шакллари, мустаҳкамлигига қараб I, II, III, москва, донатор, кавказ I, кавказ II, нозикча биринчи ва нозикча иккинчи навларига ажратиларди. Бу навларнинг ҳар бирига анча батафсил таърифлар берилганди. Юзасида мавжуд иллатларнинг тури ва уларнинг ўлчамларига қараб кўк ранг терилар майда, ўрта ва катта иллатли гуруҳларга ажратиларди.

1938 йили рангдор териларга (шу жумладан, кўк рангли қорақўл ҳам) амал қилувчи янги ОСТ/НКЗ ага 371 андозаси тасдиқланди. Бу андозада биринчи маротаба қорақўлнинг аслзотлилиқ белгиларига батафсил таъриф берилди, қорақўлнинг сатҳ ўлчамларига аниқ миқдорий чоралар белгиланди:

тузлаб қуритилган меъёрли терининг андозавий майдони 700 см. кв дан ошиқ, нозикча 350-700 см. кв, ошланган меъёрли тери -800 см. кв дан ошиқ, нозикча 400-800 см. кв қилиб белгиланганди.

Кўк ранг қорақўл тола қопламининг сифатига, гулларининг хил ва шакллари, сифатига қараб I, II, III ва нозикча навларига ажратиларди. Бир сўз билан айтганда то 1945 йилгача кўк ранг қорақўл рангдор қорақўл таркибида хилланиб келинган.

1945 йилнинг май ойидан бошлаб фақат кўк ранг қорақўлгагина амал қилувчи ГОСТ 2865-45 жорий қилинди.

Бу андозада тола узунлигининг муҳим товар белгиси эканлиги биринчи бор тан олинди, яъни оч-кўк ва кўк қорақўлнинг бўйин қисмида ўсувчи толаларнинг тўғриланган ҳолдаги узунлиги 4 см дан ошмаслиги, тўқ кўк ва қора кўк териларда 3 см дан кўп бўлмаслиги шарт қилиб қўйилганди. Шунингдек, қора кўк териларнинг ранг сифатига бўлган талаб кескин бўшаштирилганди.

Кўк қорақўл сифати бўйича I, II ва III навларга ажратиларди.

I нав терининг тола қоплами қалин, ипаксимон ва ялтироқ. Сағри ва елкасида ҳар хил узунлик ва кенгликдаги мустаҳкам қалами гуллар, катта ва ўрта ўлчамли ловиясимон гуллари бўлган, ҳар хил узунликдаги ясси қалами гуллари ёки қалами гулларга аралашган ёл гуллари ёки ҳар хил мустаҳкамликдаги турли шакл ёл гуллари жойлашган. Ёнбошларида бўш жингалакланган ловиясимон ва ёл гуллар жойлашган. Оч кўк ва ўрта кўк қорақўлнинг ёнбошларида катта ва ўрта ўлчамли қайишқоқ ҳалқасимон гуллар бўлишига йўл қўйиларди.

II нав. Тола қоплами сийраклашган, кам ипаксимон ва бўш ялтироқ. Сағрисида бўшашган калта қалами гуллар ёки сағри ва елкасида ҳар хил ўлчамли ловиясимон ва ёл гуллар жойлашган ёки терининг бутун юзасини ҳалқасимон гуллар қоплаган. Ёнбошларида бўш жингалакланган ловиясимон, ёл, ҳалқасимон, нўхатсимон гуллар ва лослар жойлашган.

III нав. Тола қоплами кам ипаксимон ёки дағаллашган, бўш ёки хира ялтироқ.

Нозикча навига юзаси 350-700см кв. ли тузлаб қуритилган ва 320-650 см кв. ли ошланган терилар киритиларди.

Ўтган асрнинг 60- йилларида қорақўлчиликда юритилаётган наслик ишлар мажмуасини қорақўл кўзилар терисида мавжуд гулларнинг хил ва шакллари билан боғлаш борасида муҳокама ва мунозаралар ўтказилди.

И.Н. Дьячковнинг(1964) кўрсатишича, тери юзасида тарқалган қорақўл гулларнинг хил ва шаклларига қараб қорақўл кўзиларни қуйидаги тўртта барра гуруҳига бўлиш жорий қилинди:

1. Яримдоирагуллик барра тип (жакет)
2. Ўсинқираган гуллик барра тип (кавказ)
3. Ясси гуллик барра тип
4. Қобирғасимон гуллик барра тип

Қорақўл кўзиларни таснифлаш ҳамда қорақўлни янги андоза бўйича қабуллаш қорақўл партиясида қимматли барра гуруҳга мансуб қорақўл салмоғини ошишини таъминлаш лозим эди. Олимнинг фикрича, қорақўлга амал қилувчи янги андозалар албатта муйна саноати ҳамда хориж қорақўл бозорлари талаби билан узвий боғланган бўлиши лозим. Ҳаёт бир маромда тўхтамайди ва қорақўлга амал қилувчи андозаларни такомиллаштиришни дарҳол бошлашни аллақачон талаб қилиб бошлаганди.

Ана шу сабабларга кўра, 1969 йилнинг 1 январидан кўк ранг қоракўлга амал қилувчи янги андоза ГОСТ 2865-68 амалга киритилди. Бу андозада териларнинг бўйин қисмида ўсувчи толаларнинг тўғриланган ҳолдаги узунлиги фақат оч-кўк тусли териларда 40 мм гача бўлиши (илгариги ГОСТ 2865-45 да эса 40 мм узунлик оч-кўк ва ўрта кўк тусларга амал қиларди), бошқа тус териларда эса 30 мм гача бўлиши кузда тутилганди.

ГОСТ 2865-68 андозасидаги янгиликлардан бири кўк қоракўлдаги гулларнинг узунлиги ва кенглиги бўйича ўлчамлари аниқ чегараларда кўрсатиб берилганлиги бўлди: кенглиги бўйича тор 4 мм гача, ўрта кенглик 4-8 мм ва кенг 8 мм дан кўп; узунлиги бўйича калта 12-20 мм, ўрта узунлик 20-30 мм, узун 30 мм дан ошиқ. Гулларнинг мм даги бу хил ўлчамлари бундан 10 йил олдин Соф зотли қора ранг қоракўл терилари учун (ГОСТ 8748-58) жорий қилинганди. Қоракўл териларида кўк ранг оқ ва қора толаларнинг равон аралашиб ўсишидан ҳосил бўлишини юқорида айтгандик. Ўтказилган кўплаб тадқиқотлар оқ толаларнинг нисбатан юқори ўсиш тезлигига эканлигини кўрсатди, бу ҳолат гуллар кенглигини кўпроқ бўлишига олиб келади.

Энг охирги ўзгариш кўк қоракўл иллоти турларининг яна биттага кўпайганлигини, яъни илгариги иллатлар қаторига «қоракўл гулларининг сийрак жойлашуви» мазмунидаги янги иллат тури қўшилганлигини таъкидлаш лозим.

Ҳозирги кунда кўк қоракўл терилари янги ЎЗРСТ 641-95 давлат андозаси бўйича хилланмоқда.

Кўк ранг қоракўлнинг тус ва рангбарангликлари.

ЎЗРСТ 641-95 андозасида биринчи маротаба Соф зот кўк ранг қоракўл териларини тусларга ва туслар ичида рангбарангликларга ажратиш тартиблари белгиланиб, бу рангбарангликларга тўлиқ таърифлар берилди.

Кўк рангдаги Соф зотли қоракўл терилари тола қопламидаги оқ ва қора ранг толаларнинг миқдорий нисбатларига, уларнинг нисбий узунликларига қараб қуйидаги рангбарангликларга бўлинди:

-Оч кўк

Сутсимон ранг – оқ толалар миқдори кўп (70-95%) ва улар сарғайган, қора толаларга нисбатан 30-45% га узун.

Пўлати ранг – оқ толалар миқдори 70-75%, тиниқ ва мусаффо, қора толаларга нисбатан 10-15% га узун. Қора толалар тим қора рангда.

-Ўрта кўк

Ҳаво ранг – оқ тола миқдори 55-65% ни ташкил қилиб, улар оқ толаларга нисбатан 10-15% га узунроқ, қора толалар тим қора рангда.

Кумуш ранг – оқ тола миқдори 65-75%ни ташкил қилиб, улар оқ толаларга нисбатан 20-25%га узунроқ.

Марварид ранг – оқ тола миқдори 55-65% ни ташкил қилиб, улар қора толаларга нисбатан 45-50%га узунроқ дир.

Қўрғошин ранг – оқ толалар 65-75% ни ташкил қилиб, улар қора толаларга нисбатан 10-15% га узунроқдир, қора толаларнинг ранги бўшашган, оқ толалар кирланиб, сарғайган, тола қоплами хира ялтироқликда.

-Тўқ кўк

Оқ оралаган (оқиш)— қора толалар миқдори 70-75% ни ташкил этиб, оқ толалар қора толалардан 10-15% га узунроқдир. Ранги текис тарқалган.

Садафранг – қора толалар миқдори 70-75% ни ташкил қилиб, оқ толалар 40-45% узунроқдир. Камчилиги рангнинг анча нотекис тарқалганлигида.

-Қора шерози - ёнбошлари қора рангда, сағри ва орқа қирра қисмларида қора ва оқ толалар аралашмасидан ҳосил бўлувчи кўк рангли узилмаган йўлакча мавжуд.

Эслатма: қора кўк терининг буйнидан то сағрисиғача мавжуд кўк рангдаги чизик узилган бўлса, улар рангдор териларга киритилади.

Кўк ранг қоракўлга берилган бирламчи ишлов сифатига талаблар. Ҳозирги кунда соф зотли кўк ранг қоракўл терилари ҳам қоракўл хомашёсининг барча турларига амал қилувчи ягона андоза ЎзРСТ 641-95 талаблари бўйича хилланмоқда.

Бу андоза анчагина кенг қамровли ва батафсилдир. Илгари амалда бўлган андоза ГОСТ 2865-68 нинг биринчи бандида «Мазкур андоза Соф зот кўк ранг қоракўл қўзиларидан олинган хомашё териларга амал қилади» деб кўрсатилганди, аммо бу жумлалар остида қанақа усулда бирламчи ишлов берилган тери назарда тутилганлиги номаълумлигича қолаётганди.

Янги андозада бу масалага аниқликлар киритилди, унинг таъсир доираси анча кенгайтирилди, яъни мазкур андоза тузлаб ёки тузламасдан қуритилган, фермент-кимёвий ёки ошлаш усули билан бирламчи ишлов берилган қоракўлга амал қилиши ва ана шу усулларда консерваланган терилар сифатига андозавий талаблар аниқ кўрсатилган ва улар барча ранг қоракўл терилари учун бир хил қилиб олинди, яъни кўк қоракўл учун ҳам қора ранг қоракўлга қўйилган талаблар амал қилади.

Кўк ранг қоракўлнинг Соф зотлилиқ белгилари, сатҳ ва гул ўлчамлари. Кўк қоракўлнинг аслзотлилиқ белгилари кўп томондан аслзот қора қоракўлникига ўхшаб кетади, фақат:

а) Соф зотли қоракўл терилари тола қопламининг ипаксимонлиги, ялтироқлиги, гулларининг узунлиги бўйича ўлчамлари, иккинчи даражали қисмларининг гул билан қопланиш даражаси қора ранг қоракўлники билан ўхшаш;

б) терининг бўйин қисмида ўсувчи толанинг тўғриланган ҳолдаги узунлиги кўк ва тўқ кўк териларда 30 мм гача, оч-кўк териларда эса 40 мм гача бўлади.

Шерози қоракўл ҳам аслзот қора қоракўл каби сатҳ ўлчамлари гуруҳларига ажратилади.

Юзасида қора ва оқ ранг толаларнинг равон аралашиб ўсганлиги туфайли шерози ранг қоракўлнинг гуллари бироз йириклашган, шакл аниқлиги нисбатан пастроқ бўлади. Олдин амалда бўлган ГОСТ 2865-68 андозасида шерози ранг қоракўлнинг гул ўлчамлари аслзот қора ранг қоракўлники билан бир хил қилиб олинганди.

ЎзРСТ 641-95 андозасида бу камчилик тузатилди, яъни гулларнинг узунлигига бўлган талаблар аслзот қора ранг қоракўлники каби қолдирилган бўлса ҳам гуллар кенглиги ёки катталигига сал бошқачароқ талаб қўйилди, яъни тор ёки майда гулларга кенглиги олдингидек 4 мм эмас, балки 5 мм гача бўлган, ўрта ўлчам гулларга олдингидек кенглиги 4-8 мм эмас, балки 5-10 мм бўлган, кенг ёки йирик гулларга кенглиги 10 мм дан ошиқ бўлган гуллар киритиладиган бўлди.

Кўк ранг қорақўлнинг барра гуруҳ ва навлари. Аслзот шерози қорақўлни хиллашда асосий мезон қорақўлнинг рангбаранглиги, терилар юзасида жойлашган қорақўл гулларнинг хил - шакллари ва сифати, тола қопламининг қалинлиги, ипаксимонлиги ва ялтироқлиги ҳисобланади. Пўлатиранг, ҳаворанг (мовий), кумушранг, марваридранг, оқиш ранг ва садафранг терилар аксарият ҳолларда биринчи навга киритилади, чунки уларнинг тола қоплами ипаксимон ва ялтироқ, ранги тиниқ ва мусаффо, гуллари ижобий шаклда ва юқори сифатли бўлади.

Шерози қорақўлнинг навини аниқлашда терининг мағз қалинлиги, гул ўлчами унчалик катта аҳамият касб этмайди, яъни қорақўлнинг бу хусусиятлари аслзот қора ранг қорақўл учун бўлганчалик даражада аҳамиятли эмас.

ЎзРСТ 641-95 сонли андоза амалга киритилгач шерози қорақўлни навларга хиллаш бироз соддалашди ва у ҳозирги кунда қуйидаги кўринишга эга бўлди:

Ярим доирасимон гулли гуруҳ – қорақўлнинг елка қирраси ва сағриси узун ва ўрта узунликдаги қайишқоқ яримдоиралик қалами гуллар билан қопланган, ёнбошларида ўрта узунликдаги ва калта қалами, ловиясимон гуллар аралашиб жойлашган, баъзан уларга оз миқдорда ёлсимон гуллар ҳам аралашган бўлиши мумкин. Тола қоплами тигиз, ипаксимон ва ялтироқ.

Қобирғасимон гулли гуруҳ – қорақўлнинг елка қирраси ва сағрисида жойлашган узун ва ўрта узунликдаги қайишқоқ ёлсимон гуллар ва қобирғасимон қалами гуллар, ён томонларида ўрта узунликдаги ва қисқа ёл ва қалами гулларга айланган. Баъзан уларга яримдоирасимон ва ясси қалами, ловиясимон гуллар аралашган бўлиши мумкин. Тола қоплами тигиз, ипаксимон ва ялтироқ.

Ясси гулли гуруҳ - тери юзаси ҳар хил узунлик ва кенгликдаги қайишқоқ ясси қалами ва ясси ёлсимон гуллар билан қопланган, айрим ҳолларда уларга яримдоирасимон ва қобирғасимон қалами гуллар, кам миқдорда лослар аралашган бўлиши мумкин. Тола қоплами кучли ва меъёрли ипаксимон, ялтироқ ва тигиз.

Ўсиқ гулли гуруҳ- елка қирра ва сағрисидаги қайишқоқ ўрта узунликдаги ва калта яримдоирали қалами гуллар, ён томонларида калта қалами гуллар ва ловиясимон гулларга айланган. Баъзан терининг бутун юзаси ўрта ўлчамдаги ловиясимон гуллар билан қопланган. Қорақўлнинг гуллари бироз ўсинқираган, тола қоплами тигиз, ипаксимон, ялтироқ.

Кўк қорақўлнинг ҳар бир барра гуруҳидан биттадан I нав (жами тўртта I нав) ажратилади. Сифати бўйича I навлар талабига жавоб бера олмаган терилар ягона II навга, II нав талабига жавоб бермаган паст сифат терилар эса III навга киритилади.

Шерози қорақўлни хиллаганда унинг энг асосий хусусияти бўлган кўк рангнинг текислиги, рангбаранглигининг ифодаланиш даражасига етарлича эътибор берилмаганлиги назаримизда ҳозир амалда бўлган ЎзРСТ 641-95 андозасининг камчилиги деб тан олиниши лозим.

Хиллаш амалиётида Соф зот кўк қорақўл терилари туслар ва рангбарангликлари бўйича хилланмайди, чунки харид баҳоларини белгилаш ишлари ҳозирги кунгача бу муҳим кўрсаткичларни инобатга олмасдан амалга оширилиб келинмоқда. Шу боис, қорақўлни тус ва рангбарангликлар бўйича хиллашга амалий эҳтиёж йўқ.

Умуман олганда, шерози қорақўлни хиллаган пайтда уни у ёки бу навга киритишда мазкур тери сифатининг муайян нав талабларига мос келиши муҳим

аҳамият касб этади. Баъзан қорақўл ноаниқроқ навли бўлиши ҳам мумкин, бундай пайтда тери белгисининг аксарият қисми қайси навга тўғри келса ўша навга ўтказиш лозим бўлади.

Кўк ранг (шерози) қорақўлнинг иллатлари

Аслзот шерози қорақўл иллатларининг асосий қисми кўзини сўйиш, терига бирламчи ишлов бериш ва сақлаш жараёнларида пайдо бўлади. Табиийки, нуқсонларнинг номи ва ўлчамлари аслзот қора қорақўлникига ўхшаш.

Лекин, айрим нуқсонлар (терининг юзасида тўқ сарғиш кизғиш доғлар пайдо бўлиши) фақат шерози қорақўл учунгина хос бўлиб, 1985 йилгача шерози қорақўлнинг бу иллатлари инобатга олинмасди.

Шерози ранг қорақўлнинг иллатлари

34-жадвал

Иллатларнинг номи	Тери гуруҳлари	
	меъёрли	иллатли
1.Шаклини йукотган гуллар майдони, см.кв да -сағри ва елка қиррасида -қолган қисмларида	10 гача 20 гача	10дан ошиқ -150гача 20дан ошиқ- 250гача
2.Кесик, йиртиқ, синик, тикишлар (бош, оёқлар ва думдаги иллатлар бундан мустасно) умумий узунлиги, см да	5 гача	5 дан ошиқ -30 гача
3.Тешик, толаси қирилган жойлар, тери четидаги кемтиклар (бош, думи ва оёқларидаги иллатлар бунга кирмайди) умумий сатҳи, см.кв да	4 гача	4 дан ошиқ -120
4.Куя еган, ювилмайдиган, буёқ чапланган, буришган майдонлар умумий сатҳи, см.кв да	йўл қўйилмайди	120 гача
5.Терининг айрим қисмлари етишмасли	йўл қўйилмайди	Боши, думи, бўйни ва оёқлари
6.Нотўғри ишлов бериш, кийшик тилиш, юмалоқлаб қуришти	йўл қўйилмайди	йўл қўйилади
7. Ёрқин кўзга ташланувчи сарғиш ва кизғиш доғлар	йўл қўйилмайди	йўл қўйилади

Мавзу: Соф зотли сур ранг қорақўлни хиллаш

Режа:

- 1.Сур ранг қорақўлни хиллаш тарихи
- 2.Сур ранг қорақўлнинг Соф зотлилиқ белгилари ва рангбарангликларига талаблар
- 3.Сур ранг қорақўлнинг сатҳ ва гул ўлчамлари
- 4.Сур ранг қорақўлни навларга ажратиш тартиби
- 5.Сур ранг қорақўлнинг иллатлари

Таянч иборалари: сур ранг, агути ранг, жигар ранг, тўқ тутун ранг, кумуш сур, тилло сур, олмос сур, оч бинафша (сирен) сур, оқ олтин (платина) сур, қаҳрабо (янтар) сур, бронза сур, антрацит (ялтироқ кўмир) сур, пўлати сур (стальная), ўрик гул сур, шамчироқ гул сур, қамар сур, асл зотлилик белгилари, бирламчи ишлов бериш, гул ўлчами, сатҳ ўлчами, сур рангининг ифодаланиш даражаси, сурлик даражаси, контрастлик, ўтиш кескинлиги.

Қоракўл териларнинг сур ранги ўзининг жуда чиройлилиги, ҳар хил товланиши ва жозибadorлиги билан инсонни ўзига жалб қилади.

Б.Н.Васин (1990) Сур ранги жигарранг, кулранг ва кўнғир ранг толалар учининг оқаришидан ҳосил бўлади деб ёзганди. Олимнинг фикрича, агар толаларнинг асос қисми тўқ бўлсаю, учлари оч рангда бўлса, бундай терилар жуда чиройли бўлиб, юқори баҳоланади. Жун толаларининг асос қисми қарийб қора рангда бўлиб, тола узунлигининг $1/3-1/4$ қисми оқарган терилар айниқса чиройлидир.

1934 йилдаги ОСТ /НКВТ 6462-114 андозасида «сур ранги ранг зарралари (пигмент) нинг тола узунлиги бўйлаб нотекис бўлинишидан ҳосил бўлади» дейилган бўлса, ОСТ 371 андозасида бу таъриф анча кенгайтирилиб, «Толасининг узунлиги бўйлаб рангнинг нотекис бўлинишидан сур ранги ҳосил бўлади, яъни тола асоси тўқ тусли, учига томон оқариб учи кумуш ёки тилло тусга бўялган». ГОСТ 11124-65 андозасида у яна ҳам кенгайтирилди: «Толасининг узунлиги бўйлаб рангнинг нотекис бўлинишидан, яъни бир-биридан ранги бўйича фарқ қилувчи минтақалар шаклланишидан ҳосил бўлади- тола асоси тўқ рангли бўлиб, оқарган учига секинлик билан ўтади».

М.Д. Закиров (1987) сур ранги таърифига тўхталиб, «Ҳар бир тола узунлиги бўйлаб пигментнинг нотекис бўлинишидан ҳосил бўлади» деб ёзганди.

М.Ф. Иванов (1964) сурни «учлари тилло ёки кумушсимон рангга бўялган агути ранги» деб атаганди. Олимнинг хабар беришича, 1913 йилда сур ранг терилар рангли қоракўлга, 1928 йилда қамбар ранг қоракўлга киритилган. Фақат 1931 йилда қамбар қоракўлнинг ўзи оч қамбар, тўқ қамбар, москва қамбари, сур ва гулигаз каби ранг гуруҳларига бўлинганди. Олимнинг таъкидлашича, сур терилари ўзгача чиройи ва жозибаси билан бошқа ранг терилардан фарқ қилади.

Ўтган асрнинг 60 йилларидан бошлаб сур ранг қоракўлга жаҳон мўйна бозорининг талаблари кескин ошиб кетди, шу боисдан ҳам сур ранг кўйларни урчитишга ихтисослашган хўжаликлар сони бир неча бор ортиб, сур ранг қоракўл ишлаб чиқариш ҳажми ҳам сезиларли даражада ошди. Аммо бу териларнинг барчаси ҳам бир хил юқори сифатли эмасди, тайёрланаётган терилар сифатини жиддий яхшилаш лозимлиги яққоллашди. Бу вазият сур ранг қоракўлга амал қилувчи замон талаблари даражасидаги андоза яратишни тақозо қиларди.

Дарҳақиқат, 1965 йилгача рангдор қоракўлга амал қилувчи барча андозаларда сур ранг қоракўлнинг фақат номигина аталарди холос, уларнинг товар хусусиятлари, навларининг таърифларига алоҳида тўхталмасди, умумий рангдор қоракўл каби навларга ажратиларди.

1965 йилнинг 11 январида хомашё рангдор қорақўлга амал қилувчи ГОСТ 11124-65 андозаси тасдиқланиб амалга жорий қилинди.

Илгари амалда бўлган ОСТ/НКЗага -371 га нисбатан бу андоза қатор устунликларга эга эди. Жумладан, унда сур ранги таърифи анча такомиллашиб, қуйидаги мазмунда талқин қилинди: «сур – тола узунлиги бўйлаб ранг нотекис тарқалган; тўқ тусли тола асосидан оч тусли учига охиста ўтиб тола қопламида минтақавий кўриниш ҳосил қилади». Бундан ташқари, сур рангининг кумушсимон, тилласимон, бронзасимон (жез), қахрабосимон (янтар), оқ олтинсимон (платина), ўрикгулсимон, пўлати рангбарангликлари таърифланиб, уларга қонуний мақом берилди.

Янги ГОСТ 11124-65 андозасида мамлакатимизнинг сур қорақўлчилигида эришилган муваффақиятлари, янгидан яратилган рангбарангликлар расмий тарзда тан олинди ва уларга батафсил таърифлар берилди.

Бундан ташқари, рангдор қорақўлдан фарқли тарзда гулларнинг шаклига қараб сур қорақўлни қуйидаги гуруҳларга бўлиш кўзда тутилганди:

а) яримдоирасимон гулли – яримдоирасимон қалами ва ловиясимон гуллари кўпчиликти ташкил қилиб, расмдорлиги аниқ билинган;

б) ўсиқ гулли (кавказ) – гуллари асосан ловиясимон шаклли, тола қоплами бироз ўсинқираган;

в) қобирғасимон гулли–юзасининг асосий қисмини ёлсимон ва қобирғасимон қалами гуллар эгаллаган;

г) ясси гулли– юзасининг асосий қисмини ясси қалами ва ясси ёлсимон гуллар эгаллаган.

Сур терилар ҳар бир гуруҳ ичида навларга ажратиларди, уларнинг биринчи навлари қуйидагича аталарди: яримдоирасимон гулли биринчи, ўсиқгулли (кавказ) биринчи, ясси гулли биринчи, қобирғасимон гулли биринчи; иккинчи навлар 2та бўлиб, яримдоирасимон гуллик иккинчи навга яримдоирасимон гулли биринчи ва ўсиқгулли (кавказ) биринчи навлари талабларига жавоб бера олмаган терилар, қобирғасимон – ясси гулли иккинчи навига эса қобирғасимон гулли биринчи ва ясси гулли биринчи навлари талабларига жавоб бера олмаган терилар киритилиши кўзда тутилганди. Иккинчи нав талабларига жавоб бермаган барча терилар учинчи навга киритиларди. Энг муҳими, сур рангининг ифодаланиш даражаси қорақўлни навларга ажратишда асосий мезонлардан бирига айланди.

Серпуштликни ошириш препарати СЖКни республика қорақўлчилигида кенг қўллаш оқибатлари, бу тадбирларнинг қорақўл товар хусусиятларига салбий таъсири тобора сезила бошлади. Ана шу ҳолатлардан келиб чиқиб 1984 йилнинг 24 июнида андозалар бўйича СССР давлат қўмитасининг қарори билан ГОСТ 11124-65га ҳам 3-сонли ўзгартиришлар киритилди ва ана шу ўзгаришларга мос тарзда қорақўлнинг харид баҳолари ҳам қайта кўриб чиқилди.

Унга биноан Соф зот сур ранг қорақўл терилари андозавий майдони ўлчамлари бўйича қуйидаги гуруҳларга ажратиладиган бўлди.

Сур ранг қорақўлнинг ўлчамлари, см. кв да

Ўлчамлари	Тўзлаб қўритилган	Ошланган
Катта	1400 дан ошиқ	1250дан ошиқ
Ўрта	900дан-1400 гача	800 дан ошиқ-1250гача

Майда	700дан -900 гача	650дан -800 гача
Ўта майда	500-700	450-650

Яна бир янгилик сур ранг қорақўл сифатига андоза талабларининг яна ҳам қатъийлаштирилганлиги бўлди. Тола қопламининг қалинлиги, ипаксимонлиги ва ялтироқлиги, гулларининг сифати юқори бўлган қорақўлнинг асосий майдони эмас, балки бутун юзаси бўйлаб сур ранги аниқ, яққол ифодаланган ва текис тарқалган бўлсагина биринчи навга киритилажаги қайд этилганди. Худди шу мазмундаги талаблар Соф зот сур ранг қорақўлнинг иккинчи ва учинчи навлари учун ҳам қўйилди.

ГОСТ 11124-65 андозасидаги ўзгартиришлардан яна бири сур ранги яққол ифодаланмаган ёки сур ранги нотекис тарқалган Соф зот қорақўл қамбар қорақўл таркибига киритилиши бўлди.

Мазкур андозада қорақўл иллатлари тури иккитага ортди, яъни «терихўр ҳашаротлар зарарлаган майдонлар» илгари тери тешиклари, толаси қирилган жойлар билан бир иллат тури ҳисобланган бўлса, энди алоҳида иллат бўлиб ажралиб чиқди, бундан ташқари илгари иллатлар қаторида мавжуд бўлмаган «қорақўл гулларининг сийрак жойлашуви» номи билан янги иллат тури андозага киритилди.

Ҳозирги кунда сур рангли қорақўл ЎЗРСТ 641-95 сонли андозаси бўйича хилланиб келмоқда.

Сур ранг қорақўлнинг Соф зотлилик белгилари ва рангбарангликларига талаблар

Сур ранг қорақўлга берилган бирламчи ишлов сифатига ва Соф зотлилик белгиларига қўйиладиган андозавий талаблар қора қорақўлники билан бир хил.

Тола ост қисмининг тўқ ранги ва устки оқчил қисмининг ҳар хил тусларда жилваланишига кўра сур ранги қуйидаги рангбарангликларга бўлинади:

Бухоро сури. Тилло сур –толаларнинг остки қисми тўқ жигар ранг, учи тилларанг.

Кумуш сур – толаларнинг остки қисми тўқ тутунсимон ёки қорамтир уч қисми кумуш ранг.

Олмос сур – толаларнинг остки қисми қора, учи тиник оқ рангли.

Оч бинафша сур– сиреневая толаларнинг остки қисми жигар рангда, учи оч бинафша ранг.

Қоракалпок сури. Пўлати сур – толаларнинг остки қисми қора рангда, учи хира оқ.

Ўрик гул – толаларнинг остки қисми жигар ранг, ўрта қисми тўқ зарғалдок, учи оч сарғиш тусда.

Шамчироқ гул – толаларнинг остки қисми қора, учи сарғиш оқ тусда.

Қамар сур – толаларнинг остки қисми тўқ жигар ранг, учки қисми қизғиш малла ёки малла ранг.

Сурхондарё сури. Бронзасимон– жезсимон толаларнинг остки қисми ҳар хил тўқликдаги жигар ранг, учи бронза ранг.

Оқ олтин сур— платинасимон толаларнинг остки қисми тўқ жигар ранг (қорамтир) ёки қаҳва ранг, учи оч олтин ранг.

Каҳрабо— янтар толаларнинг остки қисми жигар ранг, уч қисми қаҳрабо ранг.

Ялтироқ кўмир антрацит сур — толаларнинг остки қисми тўқ қора, учи қисқа оқ рангда.

Сур ранг қоракўлнинг сатҳ ва гул ўлчамлари. Соф зотли сур ранг қоракўл терилари андозавий майдонининг катта-кичиклигига қараб ҳар бир рангбаранглик ичида ўлчам гуруҳларига ажратилиши қора қоракўлники билан бир хил.

Гулнинг эни бўйича ўлчамлари сур ранг қоракўлнинг навини аниқлашда муҳим аҳамиятга молик эмас, лекин гуллар узунлиги барча ранг терилар каби сур қоракўл учун катта амалий аҳамиятга эга..

Сур ранг қоракўлни навларга ажратиш тартиби. Тола қопламининг сифати (ипаксимонлиги, ялтироқлиги, қалинлиги, ўсинқираганлиги) гулларнинг хил ва шакллари, мустаҳкамлиги ва сур рангининг тери юзасида ифодаланиш даражасига қараб катта ва ўрта ўлчамли сур қоракўл ҳар бир ўлчам тоифаси ичида аввало барра гуруҳларга, барра гуруҳлар ичида эса биринчи навларга ажратилади.

Юзасида мавжуд қоракўл гулларининг хил ва шаклларига, тола қоплами ўсиқлигига қараб сур ранг қоракўл қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

Яримдоира гулли (жакет) - терининг сағри ва орқа қиррасини асосан ҳар хил узунлик ва кенгликдаги мустаҳкам ва қайишқоқ қалами гуллар ва оз микдордаги ёлсимон гуллар эгаллаган. Ёнбошларида мустаҳкам катта ва ўрта ўлчам ловиясимон ва ёл гуллар жойлашган.

Ўсиқ гулли (кавказ) — сағри ва елка қиррасида бироз ўсинқираган, сал бўшашган қалами гуллар ёки катта ва ўрта ўлчамли ловиясимон гуллар жойлашган ёки терининг бутун юзасини меърли баландликдаги ловиясимон гуллар эгаллаган.

Ясси гулли - терининг сағри ва елкасидаги ҳар хил йирикликдаги узун ясси қалами гуллар, ёнбошларида калта ясси қалами гулларга айланган. Баъзан ясси қалами гуллар ясси ёлсимон гуллар билан аралашиб жойлашган.

Қобирғасимон гулли —терининг бутун юзаси бўйлаб ҳар хил кенглик ва узунликдаги мустаҳкам ёлсимон гуллар тарқалган ёки ёлсимон гуллар қобирғасимон ва яримдоирасимон қалами гулларга аралашиб жойлашган.

Сур ранг қоракўл I, II ва III навларга ажратилиб, уларнинг таърифлари қуйидагича:

Биринчи нав — тола қоплами қалин, ипаксимон ва ялтироқ. Асосий майдони мустаҳкам қалами, ёл ва ловиясимон гуллар билан қопланган.

Иккинчи нав — тола қоплами қалин ёки сийраклашган, етишмаган ипаксимонлик ва бўшашган ялтироқликда. Тери юзаси бўйлаб бўшашган калта қалами, ловиясимон, ёл гуллар ва ҳалқасимон гуллар тарқалган.

Учинчи нав — тола қоплами ҳар хил қалинликда, дағал ёки етишмаган ипаксимон, етишмаган ёки хира ялтироқ. Тери юзаси бўйлаб ҳар хил ўлчамдаги бўш ловиясимон, ҳалқасимон ва бузуқ гуллар тарқалган.

Сифати бўйича биринчи навлар талабига жавоб бера олмаган, яъни тола қопламининг ипаксимонлиги, ялтироқлиги, қалинлигида, гулларининг мустаҳкамлиги ва қайишқоқлигида камчиликлари бўлган, юзасида қалами,

ловиясимон ва ёл гуллариға ҳалқасимон гуллар аралашган сур ранг қорақўл терилари иккинчи навга киритилади.

II нав талаблариға жавоб бермаган терилар III навга ўтказилади.

Сур ранг қорақўлнинг иллатлари.

Сур қорақўлнинг иллатлари ва уларнинг андозавий меъёрлари қора ранг қорақўлники билан бир хил.

Назорат саволлари:

1. Қорақўлда сур ранги қандай ҳосил бўлади?
2. Сур ранг қорақўлнинг аслзотлилик белгиларини санаб беринг.
3. Сур ранг қорақўлда шаклсиз гуллар инобатга олинадими?
4. Бухоро сурунинг рангбарангликларини санаб беринг.
5. Сурхондарё сурунинг рангбарангликларини санаб беринг.
6. Сур ранг қорақўлнинг биринчи навларини санаб беринг.

Мавзу: Соф зотли рангдор қорақўлни хиллаш

Режа:

1. Қамбар ранг қорақўлни хиллаш тарихи
2. Рангдор қорақўлнинг Соф зотлилик белгилари ва ишлов берилиш сифатига андозавий талаблар
3. Рангдор қорақўлнинг ранг гуруҳлари, сатҳ ва гул ўлчамлари
4. Рангдор қорақўлни нав ва иллат гуруҳларига ажратиш тартиби.

Таянч иборалари: Рангдор қорақўл, қамбар, гулигаз, оқ, зармалла, ола, қировланган, жиякланган, халили, соф зотлилик белгилари, сатҳ ўлчами гуруҳлари, навлик қорақўл, қорақўлнинг Соф зотлилик белгилари, толалар узунлиги, қорақўл нави, яримдоирагуллик, ўсиқгулли, яссигулли, қобирғасимон гуллик, сатҳ ўлчамиға кўра яроқсиз, иллатлари бўйича яроқсиз, тола қоплами сифати, қорақўл гулларининг сифати, қорақўл тери сағриси, бели, ёнбошлари, қўлтиги, боши, оёқлари ва думи.

Қорақўл хом ашёси ассортиментида салмоқлари кўп бўлган қора, кўк ва сур рангли қорақўлдан ташқари бошқа ранглардаги терилар ҳам учрайди. Булар қаторига қамбар, гулигаз, «халили», оқ, «қировланган» қора, бир туслик рангдор, зармалла ва ола ранг териларни киритиш мумкин. Бу хил ранглардаги қорақўл муайян режа бўйича эмас, балки онда-сонда, тасодифан олинади, чунки республикамизнинг қорақўлчиликка ихтисослашган бирор-бир хўжалиги ана шу ранглардаги қўйларни урчитиш, маҳсулдорлик кўрсаткичларини такомиллаштириш билан шуғулланмайди ва улар кам сонли бўлиб, сифати унчалик юқори эмас. Шу сабабли ҳам уларнинг барчаси ягона рангдор қорақўл номи билан аталади, хиллаш тамойиллари ва тартиби бир хил қилиб олинган.

Қамбар ранг қорақўлни хиллаш тарихи.

Қорақўлда қамбар ранги толалар узунлиги бўйлаб жигар ранг (пигмент) зарраларининг текис жойлашишидан ҳосил бўлади.

М.Ф. Ивановнинг (1964) кўрсатишича, рангдор қорақўл терилари қадим-қадимдан маълум бўлган, аммо бу рангдаги қорақўл ўта камсонли бўлганидан ва улар ҳам мақсадли селекция йўли билан эмас, балки тасодифан олинганлигидан мазкур ранг қорақўлнинг товар хусусиятларини ўрганишга, уларга амал қилувчи андозаларни яратишга етарлича эътибор берилмасдан келган. Шу боисдан ҳам 1913 йилда рангдор қорақўл терилари ранг гуруҳларига ажратилмасдан, умумий қилиб «барча рангли қорақўл» номи билан хилланган бўлса, 1928 йилда рангдор қорақўл қамбар қорақўл номи билан аталган, 1931 йилда рангдор қорақўл оч қамбар, тўқ қамбар, москва қамбари, сур ва гулигаз ранг гуруҳларига ажратилган.

1932 йилдан амалда бўлган ОСТ-3915 андозасига биноан рангдор қорақўл сатҳи бўйича 2 ўлчам гуруҳига бўлинган:

- катта ўлчам- андозавий майдони тузлаб қуритилган ҳолда 700 см.кв.дан зиёд;
- нозикча- андозавий майдони 350-700 см.кв. гача.

Рангига қараб қамбар, тўқ қамбар, бир туслик бошқа ранг ва ола (доғлар майдони 10 см.кв.дан зиёд) рангларга бўлинади.

Катта ўлчамдаги рангдор терилар сифатига қараб биринчи, иккинчи ва учинчи навларга ажратилган. Шунингдек, нозикча териларнинг барчаси тўғридан-тўғри учинчи навга киритиларди.

1934 йилда жорий қилинган ОСТ/НКВТ 6462-114 андозасида рангдор қорақўл таркибига сур, кўк ва тўқ кўк, қамбар ва оч қамбар, гулигаз, халили, оқ ва ола ранглар киритилганди. Унга кўра рангдор терилари сатҳ ўлчами бўйича 2га, яъни меъёрли ва нозикчаларга ажратиладиган бўлди. Меъёрли териларга ошланган ҳолида андозавий майдони 800см.кв дан зиёд, нозикчага -450-800 кв. см бўлган терилар киритиларди.

1938 йилнинг 1-мартидан янги андоза ОСТ/НКЗаг -371 жорий қилинди. Бу андозада биринчи марта рангдор қорақўлнинг аслзотлилиқ белгиларига етарлича таърифлар берилди, аммо қорақўлдаги тола узунлиги ҳақида лом-мим дейилмаганди. Қорақўлни ранг гуруҳларига бўлишда, навларга ажратишда бироз орқага чекиниш бўлганлигини ҳам таъкидлаш лозим, яъни рангдор қорақўл илгаригидай сур, қамбар, оч қамбар, гулигаз, халили, оқ ва ола рангларга эмас, балки сур, бир туслик рангдор (қора, кўк ва сурдан ташқари) ва ола рангларга ажратиладиган бўлди.

Рангдор қорақўл сатҳ ўлчамига кўра меъёрли (тузлаб қуритилган ҳолда 700 см. кв дан зиёд) ва нозикча (тузлаб қуритилган ҳолида 350-700 см. кв) гуруҳларга, сифатига қараб меъёрли терилар биринчи, иккинчи ва учинчи навларга, ҳолатига қараб кичик, ўрта ва катта иллатли гуруҳларга ажратиларди. Қорақўлни иллат гуруҳларига ажратиш борасидаги янгиликлардан бири иллат турлари қаторига шаклсиз (деформация) гуллар мавжудлигининг киритилгани бўлди. Бунда сағри ва елкаси бўйлаб умумий майдони 10 см. кв гача, бошқа қисмларида эса 20 см. кв гача шаклсиз гуллари бўлган териларнинг нуқсонсиз, яъни меъёрли ҳисобланганлигини ҳам таъкидлаш лозим.

ОСТ/НКЗ аг 371 андозаси то 1966 йилгача 28 йил давомида амалда бўлиб келди, яъни рангдор қорақўл гуруҳига кирувчи барча рангдаги қорақўл шу андоза талаблари асосида нав ва гуруҳларга хилланиб келинди.

Ана шу сабабларга кўра 1966 йилда рангдор қоракўлга амал қилувчи янги андоза ГОСТ 11124-65 амалга киритилди. Унда рангдор қоракўлнинг Соф зотлилик белгиларига батафсил таъриф берилганди, жумладан биринчи марта қоракўлнинг бўйнида ўсувчи толаларнинг тўғрилланган ҳолдаги узунлигига, тузлаб қуритилган ва ошланган қоракўл сифатига андозавий талаблар аниқ белгиланганди.

Қоракўлнинг сатҳ ўлчамлари ўзгаришсиз қолдирилиб, нозикча териларнинг навларга хилланмаслиги аниқ кўрсатилганди.

Қоракўлнинг ранг гуруҳларига батафсил таърифлар берилди. Тола қопламининг тиғизлиги, ипаксимонлиги ва ялтироқлигига, қоракўл гулларининг эни ва узунлиги бўйича ўлчамларига, хил ва шакллариغا, мустаҳкамлигига қараб Соф зот рангдор қоракўлнинг биринчи, иккинчи ва учинчи навларга ажратилиши кўзда тутилганди. Энг муҳим, муайян навларга қўйилган андозавий талаблар гулигаз, қамбар, бошқа рангдаги бир туслик, «қировланган» қора ва ола ранглар учун бир хил қилиб олинганлиги ва оқ ранг қоракўл навларига сал юмшаган андозавий талабларнинг алоҳида берилганлиги бўлди.

1985 йилдан эътиборан Соф зот рангдор қоракўлга амал қилувчи ГОСТ 11124-65 тайёрлов андозасига тегишли ўзгаришлар киритилди. Бу ўзгаришлардан бири Соф зот рангдор қоракўлнинг сатҳ ўлчамлари бўйича тўртга, яъни катта, ўрта, майда ва ўта майда гуруҳларга ажратилиши бўлди.

Соф зотли рангдор қоракўлнинг 1985 йилдан кейинги сатҳ ўлчамлари

Ўлчам гуруҳлари	Тери майдони, см. кв ларда	
	Тузлаб қуритилган	Ошланган
Катта	1400 дан зиёд	1250дан зиёд
Ўрта	900дан зиёд-1400,0 гача	800 дан зиёд-1250,0гача
Майда	700дан зиёд -900,0 гача	650дан зиёд -800,0 гача
Ўта майда	500,0дан-700,0 гача	450дан-650,0 гача

Бундан ташқари, қамбар рангли қоракўл гуруҳига қамбар, «халили» ва «жиякланган» рангли терилардан ташқари ранги яққол ифодаланмаган ёки ранги ўта нотекис тарқалган сур рангли қоракўл ҳам киритилиши шарт қилиб қўйилди. Қамбар рангли қоракўл илгаригидек биринчи, иккинчи ва учинчи навларга ажратилиши кузда тутилганди. Бунда терилар сифатига, айниқса, қоракўл гулларининг мустаҳкамлигига бўлган талаблар яна ҳам кучайтирилганди.

1985 йилгача I-нав терилар тола қопламининг ипаксимон ва етишмаган ипаксимонликда бўлиши мумкин деб кўрсатилган бўлса, 1985 йилдан эътиборан у фақат ипаксимон бўлиши, тери юзасидаги гуллари фақат мустаҳкам бўлиши шарт қилиб қўйилганди.

Оқ ва ола ранг қоракўлни хиллаш тарихи тўғрисида гапирадиган бўлсак, қоракўл зоти яратилибдики ола ранг қоракўл олиниб келади.

Қоракўлдаги ола доғлар тери сифатини кескин тушириб юборувчи иллат ҳисобланади, чунки ола доғлар барча қоракўл териларида ҳам бир хил шакл ва ўлчамда бўла олмайди, иккинчидан, ола доғлар бир қоракўлнинг сағрисида учраса, иккинчисининг елкасида, учинчисининг ёнбошларида учрайди ва ҳоказо.

Ола ранг қоракўл хомашёсига амал қилувчи барча андозаларда қайд этилган. 1938 йилгача рангдор қоракўл учун амалда бўлган андозаларнинг барчасида ола қоракўл гуруҳига асосий майдонида 10см. кв дан зиёд ола доғлари бўлган терилар киритилажаги айтилган бўлса, 1938 йилда амалга киритилган ОСТ-371 Давлат андозасида асосий майдонида (бош, оёқлар ва думдан ташқари) 12см. кв зиёд ола доғлари бўлган терилар киритилиши қайд этилганди ва ана шу талаб 1966 йилда жорий қилинган ГОСТ 11124-65 Давлат андозасида ҳам ўзгаришсиз қолдирилди.

Ола доғлар бўлиши қоракўл сифатига салбий таъсир қилажагини ҳисобга олган товаршунос мутахассислар териларга харид баҳоларини белгилашда ана шу омилни албатта инобатга олишган. Масалан, 1932 йилда тасдиқланган ОСТ 3914, ОСТ 3915, 1934 йилги ОСТ /НКВТ 6461-113, ОСТ/НКВТ 6462-114, 1938 йилги ОСТ/НКЗаг -370, 371 андозаларида ола терилар учун бир туслик терилар харид баҳосининг бор йўғи 50 фоизи тўланиши қайд этилганди. 1970 йилдан кейин ола қоракўлнинг харид баҳоси андоза талаблари асосида эмас, балки харид баҳолари преysкуранти орқали тартибга солинадиган бўлди. Масалан, 1986 йилдан қоракўл хомашёси учун амалда бўлган 70 - 49 сонли харид баҳолари преysкурантида катта ўлчамдаги «жакет I» навли қора қоракўлнинг харид баҳоси 51,00 сўмга, кўк қоракўлники 56 сўмга, сур қоракўлники 50 сўмга тенг бўлса, худди шу ўлчам ва навдаги ола қоракўлнинг баҳоси 25 сўм, яъни икки баробарга арзон қилиб белгиланганди.

1938 йилда амалга киритилган ОСТ/НКЗаг-371 андозаси бўйича оқ ва ола ранг қоракўл (бунга қора-ола, кўк-ола терилар кирмайди, чунки бу терилар қора ва кўк рангли тери ҳисобланарди) сифатига қараб биринчи, иккинчи ва учинчи навларга ажратиларди.

1945 йилдан мовий (кўк) ранг қоракўл асосий майдонининг 50 фоиздан зиёд қисми ола доғли бўлган тери рангдор-ола ҳисобланиб ОСТ 371 бўйича қабулланиши, асосий майдонидаги ола доғлар ўлчами тери юзасининг 50 фоизидан кам бўлган кўк ранг терилар ола-кўк тери сифатида ГОСТ 2865-45 андозаси бўйича қабулланиши кўрсатилганди.

Асосий майдонида ола доғлари бўлган қора қоракўлнинг Соф зотли қора қоракўл ола сифатида ГОСТ 8748-58 (1959 йилдан бошлаб), ГОСТ 8748-70 (1972 йилдан бошлаб) андозалари бўйича хилланиши, кўк-ола қоракўлнинг Соф зотли кўк қоракўл каби ГОСТ 2865-68 (1969 йилдан бошлаб) бўйича хилланиши давом этиб келди. Қоракўл хомашёсига амал қилувчи Давлат тайёрлов андозаларига 1985 йили киритилган ўзгариш ва тўлдиришлардан сўнг ҳам қора-ола тери қора ранг қоракўл таркибида қолдирилган бўлса, кўк ола тери рангдор ола тери қаторига киритилиб ГОСТ 11124-65 бўйича қабул қилинадиган бўлди.

Соф зотли оқ ранг қоракўлнинг таъриф ва тавсифи, уларни хиллаш тартиблари тўғрисидаги маълумотларни дастлаб 1934 йилдан жорий қилинган ОСТ/НКВТ 6462-114 андозасида учратишимиз мумкин. Унга кўра Соф зот рангдор қоракўл сур, ўрта (кўк), тўқ кўк, камбар, оч камбар, гулигаз, халили оқ ва ола рангларга ажратилиши кўзда тутилганди. Оқ ва ола ранг қоракўл юзасида мавжуд гулларнинг хил ва шакллари, ўлчамларига ва қоракўл юзасида мавжуд гулларнинг хил ва шакллари қараб биринчи, иккинчи ва учинчи навларга ҳамда

москва, донатор, кавказ I ва II, нозикча I ва нозикча II навларига (майда терилар) ажратиларди. Аммо бунда нозикча териларнинг ўлчами кўрсатилмаганди.

Юқорида айтилганлар оқ қорақўлнинг илгари етиштирилмаганидан дарак эмас, балки ишлаб чиқарилган камсонли оқ қорақўлнинг бир туслик бошқа ранг гуруҳига киритилиб хилланганлигини кўрсатади.

Рангдор қорақўлни мавжуд нуқсонлари учун иллат гуруҳларига ажратиш қоида ва меъёрлари асосан Соф зот қора ранг қорақўлники билан бир хил қилиб белгиланганди. Унга кўра гулигаз ранг қорақўлдаги иллатлар қаторига шаклсиз гуллар мавжудлиги, йиртиқлар, синиқларнинг умумий узунлиги, ўйиқлар ва жуни қирилган майдонлар, тери қисмларининг етишмаслиги, терихўр ҳашаротлар зарарлаган майдонлар ва қорақўл гулларининг сийрак жойлашганлиги каби нуқсонлар киритилганди.

1996 йилдан қорақўл хомашёсига амал қилувчи ЎЗРСТ 641-95 сонли Давлат андозаси тасдиқланиб жорий қилинди. Бу андоза 2000 йилда қайта кўрилиши ва унга тегишли тўлдиришлар киритилиши кўзда тутилганди, аммо негадир бу иш амалга оширилмади ва ҳозирги кунда ҳам шу андоза қорақўл хомашёсига амал қилувчи ягона меъёрий ҳужжат ҳисобланади.

Рангдор қорақўлнинг соф зотлилик белгилари ва ишлов берилиш сифатига андозавий талаблар.

Рангдор қорақўлнинг Соф зотлилиги тола қопламининг сифати, толалар узунлиги, тери юзасининг гул билан қопланиш даражаси ва дум шаклига қараб аниқланади. Рангдор қорақўл гуруҳига қирувчи қамбар, «халили», «жиякланган», гулигаз, «қировланган» қора, бир туслик рангдор ва зармалла ва ола рангли териларнинг Соф зотлилик белгилари Соф зотли қора қорақўлники билан бир хил. Оқ ранг қорақўлнинг Соф зотлилик белгилари ҳам тола узунлигидан бошқа барча кўрсаткичлари бўйича қора қорақўлникига ўхшаш, фақат оқ қорақўлнинг бўйин қисмида ўсувчи толаларнинг тўғрилланган ҳолдаги узунлиги 30 мм эмас, балки 40 мм гача бўлишига рухсат этилганлигини таъкидлаш лозим.

Амалдаги ЎЗРСТ 641-95 андоза қорақўлга берилган бирламчи ишлов сифатига қатъий талабларни қўяди ва бу талаблар қора ранг қорақўлники билан бир хил.

Рангдор қорақўлнинг ранг гуруҳлари, сатҳ ва гул ўлчамлари.

Тола қопламининг рангига қараб Соф зотли рангдор қорақўл қуйидаги ранг гуруҳларига ажратилади:

Қамбар – толаларининг узунлиги бўйлаб қамбар (жигар) ранг зарралари билан текис бўялган бўлиб, ранги оч тусдан тўқ тусгача ўзгариши мумкин;

Бу рангли терилар гуруҳига «**халили**» ва «**жиякланган**» қорақўл ҳамда ранг текислиги ва ифодаланиш даражаси бўйича ранг талабларига жавоб бермайдиган сур (**қора сур**) қорақўл киритилади.

Гулигаз – тери юзаси бўйлаб жигар ва оқ рангли толаларнинг текис аралашиб ўсишидан ҳосил бўлиб, оқ толалар микдорининг ўзгаришига мос тарзда оч тусдан тўқ тусгача ўзгариши мумкин. Шунингдек, юзасида сур ва оқ рангли толалар раво аралашган қорақўл ҳам гулигаз рангига киритилади.

Зармалла - толалари асоси қамбар рангли бўлиб, учлари оч сариқ рангли.

Қировланган қора - қора рангли қорақўлнинг асосий майдонида ўта сийрак оқ толалар ўсган. Шунингдек, бу гуруҳга ранг талабларига жавоб бермайдиган қора кўк тусли (терининг елка қирраси ва сағриси бўйлаб ўтган кўк рангли йўлакчаси узилган) қорақўл ҳам киритилади.

Бир туслик бошқа ранг – қора, кўк, қамбар ва оқ толалардан бошқа бир туслик рангга бўялган толаларнинг тери юзасини тўлиқ эгаллаган қорақўл.

Оқ – терининг асосий майдони фақат оқ ранг толалар билан қопланган ёки 12 см.кв. дан кичик ола доғлари бўлган оқ қорақўл.

Ола – терининг асосий юзасида (бош, оёқ ва думидан ташқари) умумий сатҳи 12 см.кв дан йирик ола доғлари бўлган қорақўл. Асосий юзасида 12 см.кв дан кичик доғлари бўлган ҳамда, бош, оёқлари ва думида йирик ола доғлари бўлган терилар ўзида намоён бўлган асосий ранг гуруҳига киритилади, яъни ола ҳисобланмайди.

Соф зотли рангдор қорақўл сатҳ ўлчамлари бўйича уч ўлчам гуруҳи (катта, ўрта ва майда)га ажратилади ва бу гуруҳларнинг меъёрий майдонлари Соф зотли қора қорақўлники билан бир хил.

Қорақўл гулларининг ўлчамлари рангдор қорақўл терилари учун қора ранг қорақўлдаги каби ҳал қилувчи товар хусусият ҳисобланмаса ҳам барибир терининг навлилигини аниқлашда инобатга олинади.

Маълумки, гулигаз ранги қорақўл юзасида қамбар ва оқ ранг толаларининг равион аралашиб ўсишидан ҳосил бўлади. Шу туфайли ҳам уларнинг гуллари бир оз йириклашган, расми аниқлиги пасайган бўлади. Олдин амалда бўлган ГОСТ 11124-65 андозасида гулигаз ранг қорақўлнинг гул ўлчамлари аслзот қора ранг қорақўлники билан бир хил қилиб олинганди.

ЎзРСТ 641-95 андозасида бу камчилик қисман тугатилди, яъни гулларининг узунлигига бўлган талаблар аслзот қора ранг қорақўлники билан бир хил қилиб қолдирилган бўлса ҳам гуллар кенглиги ёки катталиги бўйича сал бошқачароқ талаб қўйилди, яъни тор ёки майда гулларга кенглиги олдингидай 4 мм эмас, балки 5 мм гача бўлган, ўрта ўлчам гулларга олдингидек кенглиги 4-8 мм эмас, балки 5-10 мм бўлган, кенг ёки йирик гулларга кенглиги 10 мм дан зиёд бўлган гуллар киритиладиган бўлди.

Рангдор қорақўлни нав ва иллат гуруҳларига ажратиш тартиби.

Соф зот рангдор қорақўл ҳам навларга ажратилади ва бунда асосий мезон бўлиб терилар юзасида жойлашган қорақўл гулларининг хил ва шакллари, уларнинг сифати, тола қопламанинг тиғизлиги, ипаксимонлиги ва ялтироқлиги каби хусусиятлари хизмат қилади.

Рангдор қорақўлнинг навлилигини аниқлашда мағз қалинлиги, гул йириклиги кўшимча кўрсаткич саналади.

Йирик ва ўрта ўлчамли рангдор қорақўл тола қопламанинг сифатига, гулларининг хил, шакллари, мустаҳкамлигига қараб тўртта гул гуруҳига ажратилиши кўзда тутилган:

Қалами гулли - тери юзасини асосан ҳар хил узунликдаги қайишқоқ яримдоирасимон қалами, ловиясимон гуллар эгаллаган, баъзан уларга ёлсимон гуллар аралашган ҳам бўлиши мумкин.

Қобирғасимон гулли - тери юзасини қайишқоқ сал кўтарилган ёлсимон гуллар ёки уларга аралаш қобирғасимон қалами гуллар эгаллаган, баъзан уларга кам микдорда яримдоирасимон, ясси қалами, ловиясимон гуллар аралашган бўлиши ҳам мумкин. Тери юзаси сийпалганда гул учлари кўлга қадалади.

Ясси гулли— тери юзасини ясси қалами ва ясси ёл гуллар эгаллаган тола қоплами ўртача тигизликда.

Ўсиқ гулли – тола қоплами ўсинқираган, тери юзасини ўрта ва калта узунликдаги яримдоирасимон қалами ва ловиясимон гуллар эгаллаган ёки тери юзасини тўлиғича ловиясимон гуллар эгаллаган, аммо тола қоплами ўсиқ эмас. Гул ораликлари торайганлигидан расм аниқлиги пасайган.

Биринчи навларга тола қоплами тигиз, ипаксимон, ялтироқ, юзасини қайишқоқ қалами, ловиясимон ва ёлсимон гуллари эгаллаган қорақўл терилари киритилади.

Иккинчи навга тола қоплами ва гуллариининг сифатида айрим камчиликлари бўлганлиги сабабли биринчи навлар талабига жавоб бера олмайдиган қорақўл киритилади.

Учинчи навга иккинчи нав талабларига жавоб бера олмайдиган барча паст сифат терилар киритилади.

Рангдор қорақўл иллатларининг таърифи ва андозавий меъёрлари соф зотли қора ранг қорақўлники билан бир хил.

Назорат саволлари:

1. Гулигаз ранги қандай ҳосил бўлади?
2. Майда ўлчамли камбар қорақўл навларга ажратиладими?
3. Гулигаз қорақўлнинг бриллиант(жавоҳир) рангбаранглиги қандай ҳосил бўлади?
4. Сатҳ ўлчами 501 кв. см га тенг бўлган ва юзасини пармасимон ва нўхатсимон гуллар эгаллаган зармалла қорақўлнинг навини аниқланг.
5. Юзасида 5 см. кв ўйиғи бўлган қорақўл иллатли ҳисобланадими?

Мавзу: Қорақўлча гуруҳи териларини хиллаш.

Режа:

1. Қорақўлча гуруҳи териларини хиллаш тарихи
2. Қорақўлчага берилган бирламчи ишлов сифатига андозавий талаблар
3. Қорақўлча гуруҳи териларини тур ва сатҳ ўлчамларига ажратиш
4. Қорақўлча териларининг ранг ва навларга бўлиниши
5. Қорақўлча териларининг иллатлари.

Таянч иборалари: Қорақўлча, қорақўл қорақўлча, чала туғилган, эмбрион, ҳомила, ёриб олинган, қорақўл-қорақўлча, қорақўлча, тақир, андозавий талаблар, андозавий улчам гуруҳлари, навлар, тери юзаси, тери майдони, қорақўл гуллари, муҳаяр нақшлар, муҳаяр товланиш, бирламчи гул ҳосил қилувчи элементлар, соф зотли ва дурагай.

Қорақўлча гуруҳи терилари ўзининг ажиб нақшлари билан, тери тўқимасининг нисбатан юпқалиги ва нисбатан енгиллиги билан нозикдид харидорлар диққат эътиборини ўзига тартади. Шу боисдан ҳам XX асрнинг иккинчи ярмида жаҳон «ким ошди» мўйна савдоларида уларга бўлган талаб жуда ошиб кетди, Соф зотли

қорақўл териларига нисбатан 1,5, ҳатто 2 баробар қимматроқ сотилган ҳолатлар ҳам бўлди.

Қорақўлча гуруҳи терилари илгари тасодифан олинган, яъни совлиқнинг бола ташлаши ёки совлиқнинг ўлими, гўшт учун сўйилиши оқибатида она қорнини ёриб олинувчи ҳомилалардан олинган. Қорақўлча гуруҳи терилари нархининг «ким ошди» мўйна савдосида ўта қимматлашиб кетиши ўтган асрнинг 60-йилларида қорақўлча олишни кенг кўламли саноат асосига ўтказишни тақозо қилди. Натижада республиканинг қорақўлчиликка ихтисослашган ҳар бир вилоятда қорақўлча ва кўй гўшти ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик бўрдоқчилик комплекслар фаолият кўрсата бошлади. Булар қаторига Самарқанд вилоятининг Каттақурғон, Жиззах вилояти Фориш туманига қарашли «Чимқурғон», Навоий вилоятининг Конимех, Бухоро вилоятининг «Зиробод», Қашқадарё вилоятининг Қарши бўрдоқчилик комплексларини киритиш мумкин.

М.Ф. Ивановнинг (1964) кўрсатишича, 1913 йилда қорақўл ҳомиласидан олинган барча тур, ранг ва навдаги терилар хилланмасдан ягона «қорақўлча» номи билан савдога чиқарилган бўлса, 1926 йилда қорақўл хомашёсига жорий қилинган биринчи Давлат тайёрлов андозасида қорақўлча терилари қора ва кўк рангга ва ҳар бир ранг ичида қуйидагича уч навга ажратилган.:

1932 йилдан амалга киритилган ОСТ-3917 андозасида қорақўлча гуруҳи терилари биринчи марта турларга ажратилди. Тола қопламининг сифатига қараб улар қуйидаги турларга бўлинди:

Ҳақиқий қорақўлча – тола қоплами паст бўйли, ипаксимон, ялтироқ, каштасимон расмли ёки босилган қалами гулсимон толали, ҳар хил муҳаяр расмли.

Қорақўл-қорақўлча – тола қоплами бироз ўсинқираган ва ялтироқ. Қорақўлсимон қалами гуллари пайдо бўлган муҳаяр расмли.

Тақир – тери юзасида толалари энди ўсиб чиқа бошлаган ёки калта, зўрға кўзга ташланувчи муҳаяр товланишли ёки товланишсиз.

1934 йилда жорий қилинган ОСТ/НКВТ 6465-117 сонли андозаси бўйича тола қопламининг сифатига кўра қорақўлча териларини хиллаш тартиби, навларнинг номлари бирмунча ўзгартирилди ва қуйидаги кўринишга келтирилди:

1934 йилда қорақўлчани хиллаш тартиби

Навларнинг номи	Белгилари
Ҳақиқий қорақўлча	
Юпқа мағз қорақўлча	Тола қоплами калта, ялтироқ, кучли ипаксимон, юзасида муҳаяр расмли юпқа мағз терилар
Қалин мағз қорақўлча	Тола қоплами ўсинқираган, кучли ипаксимон, юзасида муҳаяр расмли мағзи унчалик юпқа бўлмаган терилар
Қобирғасимон қорақўлча	Юзасида ўта тор, пастроқ қалами гулларга қисман тор ёлсимон гуллар аралашиб муҳаяр расм хосил қилган юпқа мағз тери
Қорақўл-қорақўлча	
Юпқа мағз қорақўл-қорақўлча	Юзасидаги тор ва пастроқ қалами гуллар қисман хақиқий қалами гуллар ва тор ёл гулларга айланган. Тери майдони бўйлаб

	ҳар хил кўринишдаги муҳаяр расмлар таркалган. Мағзи сал қалинлашган
Қалин мағз қорақў қорақўлча	Юзасидаги тор, сал яссиланган қалами гулларга тор гуллар аралашиб бўш ифодаланган муҳаяр расмлар хосил қилувчи сал қалинлашган мағзли терилар
Тақир	Ўта пастак, силлиқ ва ялтироқ, тола қоплами ўта юпқа терилар

Мазкур андозада биринчи марта ҳар бир нав таърифнинг меъёрий чегаралари аниқ қилиб белгиланди ва ана шу талаб ва тартиб асосида навларга хиллаш таомиллари ҳозирги кунгача (яъни 75 йилдан зиёдроқ вақт давомида) амалда. Қуйида тери навларининг андозавий таърифларини келтирамиз:

1938 йилнинг биринчи мартдан Соф зотли хомашё қорақўлча териларига янги ОСТ/НКЗаг -376 сонли, дурагай қорақўлча териларига эса ОСТ/НКЗаг-377 сонли андозалар амал қила бошлади.

Бу андозаларда биринчи марта Соф зот ва дурагай қорақўлчаларнинг белгиларига алоҳида алоҳида таъриф берилди:

Соф зотли қорақўлча қуйидаги белгилари бўйича аниқланади:

- а) тола қоплами ипаксимон, шишасимон бўлмаган ялтироқликда;
- б) думи Соф зотли қорақўл териларники каби.

Дурагай қорақўлча белгилари қуйидагилар:

- а) тола қоплами дағаллашган, шишасимон ялтироқ;
- б) калта ва кенг думли.

Қорақўлча териларининг андозавий ўлчамига аниқ талаблар қўйилди, яъни андозавий майдони 300 см. кв дан кичик терилар яроқсизга чиқарилиши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, қорақўлча терилари илгаригидек бир туслик ва ола рангларга эмас, балки қора, рангдор ва ола рангларга бўлинадиган, ола териларга асосий қисмларидаги ола доғлар майдони 12 см. кв дан ошиқ терилар киритилажаги белгилаб қўйилди.

Қорақўлча гуруҳи терилари тараққиёт босқичи ва тола қопламининг ривожланиш даражасига қараб қуйидаги таърифлар асосида мантикий турларга ажратилди:

1. Қорақўл-қорақўлча –тола қоплами сал баландроқ кўтарилган, ялтироқ. Юзаси энсиз қалами ва энсиз ёл гуллар билан ёки энсиз қалами ва энсиз ёл гуллар аралашган муҳаяр расмлар билан қопланган, мағзи сал қалинлашган.

2. Қорақўлча – тери юзасидан кўтарилмаган пастак тола қоплами ялтироқ. Юзаси муҳаяр расмлар билан қопланган, мағзи юпқа.

3. Тақир – ўта пастак, силлиқ тола қоплами бўш ялтироқ ёки сал кўзга ташланувчи муҳаяр расмли.

1965 йилнинг 1- май кунидан хомашё қорақўлча териларга амал қилувчи янги ГОСТ 10701-63 сонли андоза ишга туширилди. Зеро, бу андоза бир вақтнинг ўзида ҳам соф зотли, ҳам дурагай қорақўлча териларига амал қиларди.

Соф зотли қорақўлчага ипаксимон ва ялтироқ тола қопламли, Соф зотли қорақўл қўзилариникини каби думга эга бўлган терилар киритилса, дурагай қорақўлчага– тола қоплами дағаллашган, шишасимон ялтироқли, асосида кенг,

аммо қисқарган, ўсимтасиз ёки сал кўринувчи калта ёки узайган ўсимтали дум мавжудлиги хос бўлган терилар кўрсатилганди.

Мазкур андоза тузлаб қуритилган ва ошланган қорақўлча териларига амал қилиши кўрсатилган бўлишига қарамасдан ундаги 7 бандга берилган биринчи эслатмада «Андозавий майдони 300 см. кв дан кам бўлган Соф зотли ва дурагай қорақўлча терилари яроқсиз ҳисобланиб сон ўрнига қабулланади» деб ёзилган, аммо бу гаплар қанақа усулда ишлов берилган (тузлаб қуритилган ёки ошланган) терилар тўғрисида кетаётганлигини аниқлаш имконини бермасди.

Қорақўлча гуруҳи териларининг навларига қўйилган талаблар тўлиқ ўзгаришсиз қолди, териларни иллат гуруҳларига ажратиш тартиби ҳам «юмалоқлаб қуритилган» номли иллатнинг илгариги андозадаги кичик иллат гуруҳидан катта иллат гуруҳига ўтказилганлигини ҳисобга олмасак эскичасига қолди.

Қорақўлча териларининг андозавий ўлчамлари, см. кв да

Ишлов бериш усули	1985 йилгача		1985 йилдан кейин			
	Ўлчам гуруҳлари		Ўлчам гуруҳлари			
	меъёри	яроқсиз (брак)	катта	ўрта	кичик	яроқсиз (брак)
Тузлаб қуритилган	300дан зиёд	300 гача	900дан зиёд	600 дан 900гача	400-600	400гача
Ошланган	-	-	800дан зиёд	400дан зиёд800 гача	300-400	300 гача

Бугунги кунда қорақўлча гуруҳи терилари ЎзРСТ 641-95 республика давлат андозаси талаблари асосида хилланиб келинмоқда.

Қорақўлчага берилган бирламчи ишлов сифатига андозавий талаблар

Республика мустақил бўлгач, 1996 йилда қорақўлча гуруҳи териларига амал қилувчи ЎзРСТ 641-95 сонли тайёрлов андозаси жорий қилинди ва у ҳозирги кунда ҳам амалда.

Қорақўл-қорақўлча ва қорақўлчани айрим белги ва хусусиятларига қараб аслзот ва дурагай териларига ажратиш лозим бўлади, чунки бир хил навга мансуб аслзот ва дурагай қорақўлча териларининг харид баҳолари бир-биридан фарқ қилади. Шу сабабли ҳам уларнинг белги ва хусусиятларини чуқур билиш бўлажак мутахассис учун жуда ҳам керак.

Аслзот қорақўлчада тола қоплами ижобий ипаксимон ва ялтироқ, думи асосида кенг бўлиб учига томон торая бориб қорақўл зотига хос ўсимта билан тугайди.

Дурагай қорақўлча териларида тола қоплами дағал ипаксимон ва шишасимон ялтироқ, тери четлари, иккинчи даражали қисмлари (боши, оёқлари, думи) силлик тола билан қопланган. Думи асосида кенг бўлиб, учи тумтоқ ўсимта билан ёки ўсимтасиз тугаган.

Қорақўл хомашёсининг сифати кўп жиҳатдан унга берилган бирламчи ишловнинг ўз вақтида сифатли ўтказилганлигига, нуқсонларнинг йўқлигига боғлиқ бўлади. Амалдаги тайёрлов андозаси ишлов сифатига аниқ ва қатъий талаблар қўядики, уларнинг бузилиши тери баҳосининг пасайишига олиб келади.

Бу талаблар куйидагиларни назарда тутеди:

- терилар тўғри тилинган, тола илдизларига, тери бутунлигига зарар етказилмасдан барча қисмларини сақлаган ҳолда шилиб олинган, гўштпарда томони синчиклаб ёғсизлантирилган бўлиши;

- тузлаб ёки тузламасдан қуритилган териларнинг гўштпарда томони текис, тола қоплами чорона қолдиқлари, қон зарралари, ахлат қотишмалари ва бошқа ифлосликлардан тозаланган бўлиши;

- ошланган териларнинг гўштпарда томони доғларсиз, бир текис оч сарғиш рангда, фермент-кимёвий усул билан ишлов берилган териларнинг гўштпарда томони текис оч кўкиш рангда тери тўқимаси эгилувчан юмшоқ ёки майин, тола қоплами ачитқи кепаци ва чангидан тозаланган бўлиши лозим.

Қорақўлча гурухи териларини тур ва сатҳ ўлчамларига ажратиш. Тола қопламининг ривожланиш даражаси, гул ҳосил қилувчи элементлар, ҳамда қорақўл гулларининг шаклланиш суръатига, тери тўқимасининг қалинлигига қараб қорақўлча терилари 3 турга ажратилади:

- қорақўл-қорақўлча – тола қоплами қалин, ипаксимон ва ялтироқ. Тери мағзи сал қалинлашган. Тери юзасини пастбўйлик, тор қайишқоқ қалами ва ёлсимон гуллар аралашган муҳаяр расмлар эгаллаган;

- қорақўлча – тола қоплами қалин, ипаксимон ва ялтироқ. Тери мағзи юпқа. Тери юзасини фақат муҳаяр расмлар эгаллаган. Бунда терининг бўйин қисмидаги кам сонли қалами ва ёлсимон гуллар инobatга олинмайди;

- тақир – тола қоплами паст бўйлик, ялтироқ, силлиқ. Энг яхшиларида бахмалсимон товланиш кўзга ташланиши мумкин.

Ишлов берилиш услубига (тузлаб ёки тузламасдан қуритилган, ошланган ёки фермент-кимёвий усулда ишлов берилган) қараб қорақўл-қорақўлча ва қорақўлча терилари куйидаги сатҳ ўлчамларига бўлинади:

Қорақўлчанинг сатҳ ўлчамлари, см² да

Сатҳ ўлчамлари	Тузлаб ёки тузламасдан қуритилган	Ошланган ёки фермент-кимёвий усулда ишлов берилган
Катта	900 дан ошиқ	800 дан ошиқ
Ўрта	600дан ошиқ-900,0	400 дан ошиқ-800,0
Майда	400-600	300-400

Қорақўлча териларининг ранг ва навларга бўлиниши.

Қорақўл-қорақўлча ва қорақўлча терилари тола қопламининг рангига қараб куйидаги гуруҳларга ажратилади:

Қора – бутун майдони текис қора рангдаги толалар билан қопланган. Асосий майдонида учровчи ола доғларнинг умумий сатҳи 12 см² дан ошиқ эмас, бунда боши, оёқлари ва думидаги ола доғлар инobatга олинмайди,

Кўк ранг – терининг бутун майдони текис аралашган қора ва оқ рангли толалар билан қопланган. Кўк (шерози) терилар тус ва рангбарангликларга бўлинмайди.

Сур – тола узунлиги бўйлаб ранг зарралари(пигмент)нинг нотекис, яъни зона хосил қилиб жойлашишидан хосил бўлади. Толаларнинг остки ёки асос қисми қора ёки тўқ рангда учига томон оч ва оқ тусга кириб боради. Бу рангдаги қоракўлча терилари ҳам рангбарангликларга булинмайди.

Бир туслик рангдор – бу гуруҳга қуйидаги рангдаги терилар киритилади:

1) Қамбар – тери юзасини бутун узунлиги бўйича текис жигар рангга бўялган толалар қоплаган.

2) Халили - терининг иккала ёнбошини асосий рангидан кескин фарқ қилувчи оч ёки тўқ рангдаги эгарсимон ёки тақасимон доғлар эгаллаган.

3) Жиякланган - тери четлари (бўйин, корин ва сағри четлари) асосий рангидан кескин фарқ қилувчи оч ёки тўқ рангдаги хошия ёки чироз билан қопланган.

4) Гулигаз – тери юзасини текис аралашган қамбар ва оқ ёки сур ва оқ рангдаги толалар қоплаган.

5) Қировланган қора – қора ранг терининг юзаси бўйлаб ўта сийрак оқ толалар ўсиб чиққан.

6) Бир туслик бошқа ранг – толалари қора ва жигар рангдан бошқа рангга текис бўялган терилар.

7) Оқ – терининг асосий майдони текис оқ рангга ёки умумий майдони 12 см² гача бўлган доғли оқ рангга. Бунда терининг боши, оёқлари ва думидаги доғлар инобатга олинмайди.

8) Ола – асосий юзасида (бўйин, сағри, орқа кирраси, ёнбошлари ва қорни) умумий майдони 12см² дан ошiq бўлган рангдаги (2тагача) доғли барча ранг терилар киритилади.

Тола қопламининг ривожланиш даражаси (ўсиқлиги ва қалинлиги) юзаси бўйлаб муҳаяр расмлар ёки муҳаяр расмлар аралашган паст бўйлик энсиз қалами ва ёл гулларнинг нақадар кўп тарқалганлигига қараб қоракўлча гуруҳи терилари навларга ажратилади. Бунда асосий эътибор терилар юзасининг неча фоизи муҳаяр расм ва кашталар ёки уларга аралашган қалами ва ёл гуллар билан қопланганлигига қараб, қоракўл-қоракўлча терилари I, II ва III навларга, қоракўлча терилари I, II ва III навларга, тақир терилар I, II ва III навларга ажратилади.

Қоракўл-қоракўлча ва қоракўлча териларини навларга хиллаганда тола қопламининг узунлиги, ипаксимонлиги, ялтироқлиги, тери тўқимасининг қалинлиги кўшимча кўрсаткич ҳисобланади.

Мавжуд нуқсон ва иллатлар мавжудлиги учун тақир терилар бир нав пастга тушириб қабулланади. III нав талабларига жавоб бермайдиган ва нуқсонлик III нав тақир терилар ностандарт ҳисобланади.

Қоракўлча териларининг иллатлари.

Юзасида мавжуд нуқсон ва иллатларнинг тури ва ўлчамларига кўра қоракўлча ва қоракўл-қоракўлча терилари қуйидаги тартибда нуқсон гуруҳларига ажратилади.

Қоракўлча тери иллатларининг андозавий меъёрлари

Нуқсонларнинг номи	меъёрли	нуқсонли	яроқсиз
1. Йиртиқлар, тиликлар, тикишлар умумий узунлиги см. ларда (иккинчи даражали қисмлар бундан мустасно)	5 гача	5дан ошiq -30 гача	30 дан ошiq
2. Тешиклар, тери четидаги кемтиклар			

тола қоплами қирилган жойлар умумий майдони, кв. см да (иккинчи даражада қисмлар бундан мустасно)	4 гача	4дан ошиқ 32 гача	32 дан ошиқ
3. Қийшиқ тилинган, ғижим холи қурилган	йўл қўйилмайди	йўл қўйилади	-
4. Айрим қисмлар етишмаслиги	йўл қўйилмайди	Боши ёки думи, боши бўйни билан, боши, бўйни думи	-
5. Куя еган, терихўр ҳашаротлар еган, занглаган доғлард мавжуд, тери тўқимаси шоҳланган жойлар умумий майдони, кв. см ларда	йўл қўйилмайди	32 гача	32 дан ошиқ
6. Жуни тўқилган, тери тўқимаси идраб чириган, қовжир қолган жойлар умумий майдони, кв. см да	йўл қўйилмайди	20 гача	20 дан ошиқ

Эслатма:1. Терида оёқларининг етишмаслиги нуқсон ҳисобланмайди.

2. Терида кўпи билан 2 турдаги нуқсон бўлишига йўл қўйилади.

Назорат саволлари:

1. Қоракўл-қоракўлча териларини олиш йўллари.
2. Қоракўлча териларининг ранг гуруҳларини таърифланг.
3. Тақир териларни хиллаш тартиби.
4. Тузлаб қурилган қоракўлчанинг андозавий ўлчам гуруҳларига таъриф беринг.
5. Қоракўлча териларини шилиб олишдаги талаблар.
6. Қоракўл-қоракўлчанинг андозавий майдонини аниқлаш тартиби.

Мавзу: Дурагай қоракўл ва ёқабоп териларни хиллаш

Режа:

1. Дурагай ва ёқабоп қоракўлни хиллаш тарихи
2. Қоракўлнинг дурагайлик белгилари, ранг гуруҳлари ва сатҳ ўлчамлари
3. Дурагай ва ёқабоп қоракўлни нав ва иллат гуруҳларига ажратиш

Таянч иборалари: зотлараро чатиштириш, дум шакли, Соф зотли ва дурагай қоракўл, тола узунлиги, гулларнинг эни ва узунлиги, тола қопламининг ипаксимонлиги, ялтироқлиги, дағал ипаксимон, шишасимон ялтироқ, дум шакли, ёқабоп тери, тузғоқ гуллар, муҳаяр расмлар, силлиқ тола.

Қоракўл зотли қўйлар терида мавжуд қаламгуллари, жун қоплами ипаксимонлиги ва ялтироқлиги, сифатининг юқорилиги билан мавжуд қўй зотларидан устун туради. Қоракўл зоти чорвадорларнинг бир неча асрлик меҳнати билан яратилди, маҳсулдорлик кўрсаткичлари такомиллашди, зот генофонди янгидан-янги ранглар, рангбарангликлар билан бойитилди. Ана шу зотнинг қоракўл номи билан аталувчи

махсулоти ўз чиройи ва нақшинкорлиги билан оламга машхур, чунки шу даражада сифатли ва жимжимадор барра тери берувчи бошқа қўй зоти табиатда йўқ.

Қоракўл сифатини янада яхшилаш мақсадида мазкур зотни бошқа қўй зотлари билан чатиштириш ишлари албатта омадсизликка олиб келиши тайин, чунки қоракўл зотининг ўзи яхшиловчи зот ҳисобланади ва ундан сокол, решитилов, чушка каби қўй зотларининг барра маҳсулдорлигини яхшилашга қаратилган мақсадли чатиштириш ишларида муваффақиятли фойдаланилгани тарихдан маълум.

Аммо баъзан қоракўл қўйларининг бошқа қўй зотлари билан эркин ҳолда тасодифан чатишиши натижасида камсонли дурагай қоракўл қўзилари ва терилари олиниши мумкин.

Кўпинча қоракўл қўйлари билан жайдари ва ҳисор зотли қўйлар ёнма-ён боқилади ва асралади, шу сабабли ҳам ана шу зотларнинг ўзаро тасодифан чатишишидан дурагай қоракўл олиниши мумкин. Дурагай қоракўл Соф зотли теридан анча арзон баҳоланади.

Қоракўл хомашёси ассортиментида дурагай қоракўл салмоғининг ўта ошиб кетиши қоракўлчилик хўжалигининг раҳбар ва мутахассисларини ташвишга солиши керак, чунки бу тур терилар харид баҳоси Соф зотли қоракўлга нисбатан 3-4 баробарга арзон бўлиб, кўпчилик ҳолатларда уни сотишдан олинadиган даромад маҳсулот таннархини қоплаш даражасига ҳам етмайди.

Дурагай қоракўл терилар тўғрисида биринчи марта 1932 йилда амалга киритилган ОСТ-3916 сонли андозасида қуйидагилар ёзилганди:

Хомашё дурагай қоракўл деб ҳар хил қўй зотларини қоракўл қўйлари билан чатиштиришдан олиниб 12 кунлик ёшигача сўйилган қўзилар терисига айтилади. Бу терининг юзаси қоракўлсимон гуллар билан қопланган». Аммо бу жумлаларда дурагай қоракўлга хос белгилар тўлиқ очиб берилмаганлигини таъкидлаш лозим.

Бу андозада тузлаб қуритилган дурагай қоракўл терилари сатҳ ўлчами бўйича меъёрли (андозавий майдони 700 см. кв дан зиёд) ва нозикча (майдони 350-700 см. кв) ларга бўлиниши, ошланган терилар учун сатҳ ўлчами яна 15% га кўпайтирилиши, тола қопламанинг ранги бўйича:

1) қора 2) кўк ва оч кўк 3) тўқ қамбар ва қамбар 4) бир туслик бошқа ранг 5) ола рангли териларга бўлиниши, ҳар бир ранг чегараларида биринчи, иккинчи ва учинчи навларга ажратилиши кўрсатилганди.

ОСТ 3916 андозаси ўрнига тасдиқланган янги ОСТ/НКВТ 6463-115 қора ранг дурагай қоракўлга ва ОСТ/НКВТ 6464-116 рангдор дурагай қоракўлга амал қилди.

Бу андозаларда биринчи марта қоракўлнинг дурагайлик белгиларини таърифлашга уриниш бўлди: «Дурагай қоракўлга хос белгиларга киради:

а) кенг (понасимон), калта думининг терисида ўсувчи толалар силлик, тўғри ўсган ёки сал жингалакланган.

б) бўйин четлари бўш жингалакланган толалар билан қопланган.

в) тола қоплами дағаллашган ва шишасимон ялтироқ.

г) оёқлари сакраш бўғинигача гуллар ёки каштасимон тола қоплами билан қопланган».

Тола қопламининг рангига кўра дурагай қоракўл а) қора б) оч кўк ва кўк в) тўқ кўк г) оч қамбар д) тўқ қамбар ж) бошқа ранг бир туслик з) ола рангларга ажратиларди.

Тола қопламининг сифати, гулларнинг хил ва сифатига қараб дурагай қоракўл биринчи, иккинчи, учинчи, нозикча, ёқабоп биринчи ва ёқабоп иккинчи навларга ажратиларди.

Нозикча навига тола қоплами сийрак, шишасимон, ялтироқ, бўш жингалакланган шакл, расми ноаниқ ловиясимон, нўхатсимон ва ҳалқасимон гуллар терилар киритиларди.

Ёқабоп I- тола қоплами дағал, бўш ялтироқ, ўсиқ ловиясимон гул билан қопланган. Тери мағзи қалин, дағал.

Ёқабоп II – тола қоплами дағал, хира ялтироқ. Ўсиқ ҳалқасимон гулли. Тери мағзи қалин ва дағал.

1938 йилнинг 1 мартидан қора ранг дурагай қоракўл учун ОСТ/НКЗ аг 378-сонли, рангдор қоракўл учун ОСТ/НКЗаг 379 сонли янги андозалар амал қила бошлади. Бу андозаларда дурагай қоракўл белгилари анча мукаммал таърифланганди, яъни:

а) тола қоплами дағаллашган, кам ипаксимон ва шишасимон ялтироқ, қоракўл гуллари етишмаган ёки бўш шаклланган;

б) боши силлиқ толали, тери четлари жингалакланмаган толалар билан қопланган;

в) думи кўпинча асосида кенг, учида қисқарган, билинар-билинемас ўсимтали ёки ўсимтасиз, бўш жингалакланган гуллар ёки силлиқ толалар билан қопланган;

г) орқа оёқлари кам жингалакланган бўш гуллар билан ёки қалин силлиқ ёки сал кўтарилган толалар билан қопланган.

Дурагай қоракўл тола қоплами ранги бўйича: 1) қора 2) қора -ола 3) кўк ва оч кўк 4) тўқ кўк 5) бир тусли рангдор 6)ола гуруҳларга ажратиларди. Сифати бўйича: биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи навлар ва нозикчага ажратиларди.

1964 йилдан эътиборан дурагай қоракўлга амал қилувчи ГОСТ 10327-63-сонли янги андоза жорий қилинди.

Бу барча рангдаги дурагай қоракўлга амал қилувчи ягона андоза бўлди.

Андозанинг биринчи бандида «думбали, барра тери-сут йўналишидаги ва бошқа дағал жунли кўй зотларини қоракўл кўчқорлари билан чатиштиришдан олинган дурагай кўзилар терисига амал қилиши» кўрсатилган бўлса, 2-бандида қоракўлнинг дурагайлик белгилари таърифи илгарига нисбатан ҳам батафсил ва аниқ, мукаммал ҳолига келтирилди:

Дурагай қоракўлнинг тола қоплами дағал ёки кам ипаксимон, шишасимон, бўш шишасимон ва хира ялтироқ, юзаси ҳар хил қоракўл гуллари билан қопланган. Қўшимча белгилари: а) боши, бўйни, оёқлари бўшанг муҳаяр расмлар ёки силлиқ толалар билан қопланган;

б)орқа оёқларининг сакраш бўғинидан юқори қисми кам жингалакланган бўш гуллар, силлиқ ёки сал кўтарилган толалар билан қопланган;

в) думи асосида кенг, қисқарган билинар-билинемас ўсимтали ёки умуман ўсимтасиз, ёки понасимон калта, чўзилган ўсимтали, юзаси бўш жингалакланган гуллар ёки силлиқ толалар билан қопланган;

г) бўйнида ўсувчи толалар узунлиги 30 мм дан, кўк ва оч кўк териларда 40 мм дан зиёд эмас;

Бу андозада биринчи марта дурагай қоракўл учун толалар узунлигининг андозавий меъёрлари аниқ белгиланди. Тола қопламининг рангига қараб дурагай қоракўлнинг қора, кўк, бир туслик рангдор ва ола ранг гуруҳларига ажратилиши кўзда тутилди.

Сифати бўйича дурагай қоракўл биринчи, иккинчи ва учинчи навларга ажратиларди.

Ҳозирги кунда дурагай қоракўл ЎЗРСТ 641-95 сонли андоза талаблари асосида хилланиб келинмоқда.

Қоракўлнинг дурагайлик белгилари, ранг гуруҳлари ва сатх ўлчамлари

Дурагай қоракўл қуйидаги белгилари бўйича аниқланади:

- тола қоплами дағал, камипаксимон, шишасимон ёки хира ялтироқ;
- терининг асосий майдони ҳар хил тур ва шаклдаги қоракўл гуллари, четлари яссилашган гуллар, баъзан силлиқ ёки сал кўтарилган толалар билан қопланган;
- боши, оёқлари ва думи мухаяр нақшлар ёки силлиқ толалар билан қопланган;
- думи асосида кенг ва калтарган, билинар–билинемас ўсимтали ёки умуман ўсимтасиз ёки понасимон калта ёки сал узайган;

- қора, сур, камбар, гулигаз, «халили», «жиякланган», «қировланган» қора, бир туслик бошқа рангли, тўқ ва ўрта кўк ҳамда ола ранг дурагай қоракўл териларининг бўйнида ўсувчи толаларнинг тўғрилланган ҳолдаги узунлиги 30 мм дан, оч кўк ва оқ рангли дурагай қоракўл терида 40 мм дан зиёд бўлмаслиги шарт.

Дурагай қоракўл терилари тузлаб ёки тузламай қуририлган, ошлаш ёки фермент-кимёвий усулда ишлов берилган бўлиши ва улар қуйидаги андозавий талабларга жавоб бериши шарт:

- бўғизланган қўзи томоғининг ўртасидан орқа чиқарув тешигигача тўғри чизик шаклида тилинган, боши, думи ва оёқлари териси тўлиғича сақланган ҳолда йиртмасдан, тешмасдан, тола илдизларига зарар етказмасдан шилиб олинган;
- терининг гўштпарда томони гўшт, ёғ, пай қолдиқларидан, қулоқ супраси тоғай, думи умуртқа суягидан тозаланган;
- тузлаб ёки тузламасдан қуририлган териларнинг, айниқса бош, оёқ ва думининг гўштпарда томони шакл бериб ғижимларсиз қуририлган, тола қоплами чорона қолдиқларидан, кум, тупроқ каби ёт ифлосликлардан тозаланган;
- ошланган териларнинг тола қоплами ачитқи кепаци ва чангидан тозаланган, мағз томони текис оч сарғиш рангли, фермент-кимёвий усулда ишлов берилган териларнинг тола қоплами тоза, мағз томони қайишқоқ текис, оч кўкиш рангда бўлиши керак.

Дурагай қоракўл қуйидаги ранг гуруҳларига ажратилади:

- қора–тери юзаси текис қора рангдаги толалар билан қопланган;
- кўк (шерози)– тери юзаси равон аралашган қора ва оқ толалар билан қопланган. Шерози терилар тус ва рангбарангликлар бўйича хилланмайди;
- сур–тола узунлиги бўйича ранг зарралари (пигмент доначалари) нотекис, яъни минтақа ҳосил қилиб жойлашган, бошқача қилиб айтганда толаларнинг остки

қисми тўқ ёки қора рангда, учлари эса ҳар хил тусдаги оч рангда. Амалда сур рангли дурагай қорақўл терилари рангбарангликлар бўйича гуруҳларга ажратилмайди;

-гулигаз–тери юзаси бўйлаб қамбар (жигар рангли) ва оқ толаларнинг равон аралашиб ўсишидан ҳосил бўлади ва улар туслари бўйича гуруҳларга ажратилмайди;

-қамбар – териси юзаси узунлиги бўйлаб текис жигар рангга бўялган толалар билан қопланган, шунингдек бу гуруҳга «халили» ва «жиякланган» дурагай қорақўл терилари ҳам киритилади;

- «қировланган» қора- қора рангли тери юзасида сийрак тарқалган оқ толаларнинг ўсиб чиқишидан ҳосил бўлади;

- бир тусли бошқа ранг – қора, кўк ва қамбар ранглардан фарқ қилувчи рангдаги бир туслик терилар;

- зармалла – тола асоси қамбар рангли учлари оқарган толали терилар;

-ола ранг- асосий майдонидаги ёт рангли доғларнинг умумий сатҳи 12см^2 дан ошиқ бўлган барча рангдаги дурагай терилар киритилади. Бунда бош, дум ва оёқлардаги доғлар қанчалик катта бўлишига қарамасдан инobatга олинмайди.

Маълумки, қорақўл терилари сатҳи бўйича бир-биридан фарқ қилади, яъни бир тери катта бўлса, иккинчилари кичикроқ, учинчилари эса жуда кичик бўлади. Қорақўлнинг сифати кўп жиҳатдан унинг юза ўлчамига мос тарзда ўзгаради.

ЎЗРСТ 641-95 андозасининг талаби бўйича ишлов берилиш усули ва сатҳ ўлчамига қараб дурагай қорақўл терилари ҳам Соф зотли қора қорақўл терилари каби ўлчам гуруҳларига ажратилади.

Андозавий юзаси 500см^2 дан кам тузлаб ёки тузламасдан қуритилган, 450см^2 дан кам ошланган ёки фермент-кимёвий усулда ишлов берилган қорақўл терилари яроқсиз ҳисобланиб, сон ўрнида қабулланади.

Дурагай қорақўлни нав ва иллат гуруҳларига ажратиш.

Юзасидаги гулларининг хил ва шакллари, сифатига ҳамда тола қопламанинг ипаксимонлик ва ялтироқлик даражасига қараб катта ва ўрта улчамли дурагай қорақўл терилари қуйидаги талаблар асосида 3 навга ажратилади:

Биринчи нав – тола қоплами қалин, сал дағал ипаксимон ва сал шишасимон ялтироқликда. Сағри ва елка қиррасида катта ва ўрта ўлчамли, ҳар хил узунликдаги қайишқоқ яссиланган қалами, ёлсимон ва ловиясимон гуллар, ёнбошларида яна ҳам яссиланган қалами, бўш жингалакланган ловиясимон, калта ёлсимон гулларга айланган.

Иккинчи нав – тола қоплами қалин, бирмунча дағал ипаксимон, кучсиз шишасимон ялтироқликда. Сағри ва елка қиррасида бўшашган ўрта узунликдаги ёки калта яссиланган қалами, ёлсимон ва ловиясимон гуллар, ёнбошларида бўш калта қалами, ёлсимон ва ловиясимон гулларга камгина яримхалқасимон гуллар аралашган. Кўк, гулигаз ва оқ рангли териларнинг бутун юзаси йирик ва ўрта ўлчамли қайишқоқ ярим халқасимон гуллар билан қопланган бўлиши ҳам мумкин.

Учинчи нав – тола қоплами қалин ёки сийраклашган, дағал ипаксимон, хира ёки шишасимон ялтироқ. Тери юзаси бўйлаб ўрта ва майда ўлчамли бўш ловиясимон, ёлсимон, халқасимон, пармасимон, нўхатсимон гуллар ва лослар

тарқалган ёки сағри ва елка қиррасида бўш ифодаланган муҳаяр расмлар ёнбошларида лосларга айланган.

Эслатма: Силлиқ толали терилар дурагай қорақўлга киритилмайди.

Иллатсиз қорақўл улардан тикиладиган эҳтиёж молларининг бекаму кўст, юқори сифатли бўлишини таъминлайди. Дурагай қорақўл иллатларининг андозавий ўлчамлари Соф зотли қора ранг қорақўлники билан бир хил.

Дурагай қорақўлни хиллашда қуйидагилардан эҳтиёт бўлиш лозим:

а) дурагай қорақўлнинг қорақўл хомашёси таркибидан чиқиб кетиши, яъни қўй тери гуруҳига ўтиши;

б) дурагай қорақўлнинг ёқабоп терига ўтиши;

в) иллатлари бўйича яроқсизга чиқиши;

г) турли ранг териларнинг аралашиб кетиши.

Ёқабоп териларни хиллаш тарихи.

Ёқабоп терилар тўғрисидаги тарихий маълумотлар анча кам, чунки улар товар хусусиятлари бўйича қорақўл териларидан анча паст туради, шу сабабли уларнинг харид баҳолари ҳам анча арзондир. 1998 йилда 1 дона энг яхши навли қора ранг қорақўл 3000 сўм, шерози қорақўл 3200 сўм, сур рангли қорақўл 3400 сўмга сотилган бўлса, 1 дона ёқабоп тери 250 сўмга ёки 11-12 баробар арзонга сотилган. Ёқабоп териларни сотишдан олинадиган даромад миқдори ишлаб чиқариш харажатлари (таннархи)нинг 1/5 қисмини ҳам ташкил қилмайди, шу сабабли ҳам ёқабоп терилар тасодифан олинади.

Ёқабоп терилар қуйидаги ҳолларда олинади:

- ҳар хил касалликларга чалинган қўзиларни мажбуран сўйиш;

- ҳар хил йиртқич ҳайвонлар ҳужумига учраб, чиқим бўлган қўзиларни мажбуран сўйиш;

- «ширбоз» қилиш мақсадида сут эмган соғлом, дуркун қўзиларни сўйиш.

Ёқабоп тери тўғрисидаги дастлабки маълумотларни М.Ф. Иванов (1964) келтирган. Олимнинг кўрсатишича, 1913, 1928 йилларда қорақўл хомашёсини хиллаш пайтида ёқабоп терилар ажратилмаган. 1931 йилда қора ва кўк ранг қорақўл навлари қаторида ёқабоп нави ҳам қайд этилган, аммо бу навнинг таърифи келтирилмаган.

Ёқабоп терилари қайд этилган дастлабки андоза ОСТ/кзСНК 8634/290 бўлиб, 1936 йилдан амалга киритилди. Унга кўра ёқабоп терилар қора, бир хил ранглик ва ола ранг гуруҳларига ажратилиб, ола териларга асосий майдонида 15 см. кв дан каттароқ доғлари бўлган терилар киритилиши назарда тутилганди.

Сифатига қараб ёқабоп терилар I, II ва III навларга ажратилган.

1938 йилнинг 1 мартидан хомашё ёқабопга амал қилувчи янги, ОСТ/НКЗ аг 378 андозаси ишга туширилди. Бу андозада ёқабопга: «тола қоплами ўсиқ, гуллари бўш, бўйин четларидаги толаларнинг узунлиги 3см дан 5 см гача бўлади» деб таъриф берилганди.

Ёқабоп терилар қуйидаги белгилари бўйича Соф зотли ва дурагай гуруҳларга ажратиларди:

Софзотли ёқабоп – 1. Асосий майдонининг тола қоплами ипаксимон, шишасимон бўлмаган ялтироқликда. Бутун юзаси ҳар хил шаклли қорақўл гуллари билан қопланган.

2. Думи асосида кенг қайрилган ўсимтали гуллар билан қопланган. Орқа оёқлари гуллар ёки нақш ҳосил қилувчи толалар билан қопланган.

Дурагай ёқабоп – 1. Соф зотлик белгилари яққол ифодааланмаган барча терилар.

2. Думи асосида кенг, ўсимтасиз ёки тумтоқ ўсимтали.

3. Оёқлари ўсиқ толалар билан, сакраш бўғинлари пасти силлиқ толалар билан қопланган.

Ранги бўйича ёқабоп терилар қора, биртекис рангли ва ола рангларга, сифати бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи навларга, иллатлилиги бўйича майда, ўрта ва катта иллат гуруҳларига ажратилиши кўзда тутилганди.

Қуйида ёқабоп тери навларининг ўша андоза бўйича таърифланар эди:

Биринчи нав – тола қоплами ипаксимон ёки етишмаган ипаксимон, ялтироқ. Сағрисида бўш ўрта узунликдаги ва калта қаламигуллар елка қирраси ва ёнбошларида ловиясимон гулларга айланган; сағри ва елка қиррасидаги йирик ва ўрта ловиясимон гуллар ёнбошларида ҳалқасимон гулларга айланган.

Иккинчи нав – тола қоплами ипаксимон ёки бўшашган ипаксимон, меъёрли, шишасимон ёки етишмаган ялтироқ. Сағри ва елка қиррасида бўш йирик ва ўрта ўлчамдаги ловиясимон гуллар ёнбошларида ҳалқасимон гулларга айланган ёки терининг бутун юзаси йирик ва ўрта ўлчам ҳалқасимон гуллар билан қопланган.

Учинчи нав – тола қоплами етишмаган ипаксимон ва ялтироқ. Тери юзаси майда ҳалқасимон, нўхатсимон, пармасимон, бошқа хил тузғоқ гуллар билан қопланган.

1996 йилдан эътиборан ёқабоп териларига янги ЎзРСТ 641-95 сонли андоза амал қилиб келмоқда.

Ёқабоп териларини белги ва ранг гуруҳларига ажратиш.

Сатҳининг йириклиги, тери тўқимасининг қалинлиги, тола қопламининг ўсиқлиги, гуллари ва тола қоплами сифатининг бирмунча пасайганлиги ёқабоп учун хос белгилар ҳисобланади.

Ёқабоп терилари қанақа усулда ишлов берилганлигига қарамасдан сатҳ ўлчами бўйича гуруҳларга ажратилмайди.

Ёқабоп терилари Соф зотлилиги бўйича ҳам гуруҳларга ажратилмайди.

Ёқабопнинг асосий белгиси терининг бўйин қисмида ўсувчи толаларнинг тўғриланган ҳолдаги узунлиги ҳисобланади ва бу кўрсаткич барча ранг ёқабоп териларда 30-50 мм ни, оч шерози ва оқ ранг ёқабоп териларда 40-50 мм ни ташкил қилади.

Бўйнидаги толалар узунлиги 50мм дан ошиқ бўлган терилар говбарра (трясок) терилар ҳисобланиб қорақўл хомашёси таркибига эмас, балки қўй териси гуруҳига киритилади.

Тола қопламининг рангига қараб қора, бир туслик рангдор ва ола рангларга бўлинади ва қуйида уларнинг таърифини келтирамиз:

Қора ранг – терининг асосий майдони ҳар хил тўқликдаги қора толалар билан қопланган. Қўнғирлашган қора рангдаги (зайтуни) ҳамда асосий майдонида умумий юзаси 15см² дан кам бўлган бошқа рангдаги доғлари бўлган ёқабоп терилар ҳам қора рангга киритилади. Бунда терининг боши, оёқлари ва думидаги доғлар катта-кичиклигидан қатъий-назар инобатга олинмайди.

Бир туслик терилар – бу гуруҳга шерози, сур, гулигаз, қамбар, «халили», «жиякланган», «қировланган» қора, оқ, зармалла ранг терилар киритилади. Иккинчи даражали (боши, оёқлари ва думи) қисмларидаги ола доғлар инobatта олинмайди.

Ола ранг – асосий (стандарт) майдонидаги ола доғларнинг умумий юзаси 15см² дан ошиқ бўлган ёқабop терилар киритилади.

Ёқабop териларнинг нав ва иллат гуруҳларига ажратилиши. Тола қопламининг сифатига (ипаксимонлиги ва ялтироқлигининг сақланиш даражаси), гулларининг хил, шакллари ва сифат кўрсаткичларининг (ўлчамлари, мустаҳкамлиги, расмининг аниқлиги) сақланиш даражасига қараб ёқабop терилар қуйидаги талаблар асосида уч навга ажратилади:

I нав -тола қоплами ипаксимон ва ялтироқ. Сағри ва орқа қирраси бўйлаб ўрта узунликдаги ва калта бўшашган қалами, ёлсимон ва ловиясимон гуллар ёнбошларида калта қалами, ёл гулларга, ловия гулларга айланган.

II нав –тола қоплами кам ипаксимон ва бўш ялтироқ. Тери юзаси бўйлаб бўшашган қалами, ёлсимон, ловиясимон ва ҳалқасимон гуллар тарқалган, гуллари асосан ўрта ўлчамда. Баъзан фақат йирик ўлчамдаги ярим ҳалқасимон гуллар тарқалган.

III нав – тола қоплами дағал ипаксимон, хира ялтироқ. Тери юзаси ўрта ва майда ўлчамдаги бўш ловиясимон, ҳалқасимон, ёлсимон, пармасимон, нўхатсимон ва шаклсиз гуллар билан қопланган.

Эслатма: Ёқабop териларни хиллашда терининг мағз қалинлиги инobatта олинмайди.

Юзасида мавжуд иллатларнинг тури ва ўлчамига қараб ёқабop териларни 1996 йилгача ва 1996 йилдан эътиборан баҳолаш мезонларини келтирамиз:

Ёқабop тери иллатларининг андозавий меъёрлари

Иллатларнинг номи	1996 йилгача			1996 йилдан эътиборан	
	Иллат гуруҳлари			Иллат гуруҳлари	
	майда	ўрта	катта	меъёрли	иллатли
1.Йиртиқлар, тиликлар, кесиклар чоклар умумий узунлиги,см ларда	15,0-25	25,1-50,0	50,1-100,0	15,0 гача	15,1-50,0 гача
2. Тешиклар, тери четидаги кемтиклар, толаси қирилган жойлар умумий майдони, см. кв да	20,0-64	64,1-144,0	144,1-255,0	20,0 гача	20,1-250,0 гача
3.Айрим қисмлари етишмаслиги	Боши ёки дум	Боши бўйни билан	-	Йўл қўйилмайди	Боши, бўйни,

					оёқлари
4.Нотўғри бирламчи ишлов бериш	-	-	Юмалоқлаб куритиш	Йўл қўйилмайди	Юмалоқлаб куритиш
5.Куя тушган, терихўр хаша-ротлар зарарлаган, ювилмайдиган бўёқ чапланган, занг доғлари, териси идраб чириган (агар улар 3 жойда бўлса) умумий майдони, см. Кв да				Йўл қўйилмайди	200,0 гача

Бу жадвал ЎзРСТ 641-95 сонли янги андоза бўйича ёқабоп тери иллатларини баҳолаш тартибининг анча соддалашганлигини кўрсатмоқда, чунки илгариги уч иллат гуруҳи ўрнига бир иллат гуруҳи шакллантирилган. Янги андозада биринчи ва иккинчи бандларга мансуб иллатларни баҳолашда бош, оёқлар ва думдаги иллатлар қанақа ўлчамда бўлишидан қатъи-назар инобатга олинмаслиги белгилаб қўйилган. Масалан, четларида 14см ва думида 20 см, жами 34 см узунликдаги йиртиғи бўлган ёқабоп тери меъёрли хисобланади, чунки думдаги йиртиқ хисобга олинмайди.

Хиллаш жараёнида ёқабопни говбарра (трясок) териға ўтиб кетишдан, иллари бўйича яроқсизға ўтиб кетишидан эҳтиёт қилиш лозим.

Мавзу: Қоракўл хомашёсини сотишға тайёрлаш

Режа:

- 1.Қоракўл хомашёсини хиллашға тайёрлаш
- 2.Териларни куритиш ва тозалаш
- 3.Қоракўл хомашёсини хиллаш ва унинг натижаларини расмийлаштириш

Қоракўлчиликка ихтисослашган хўжаликларнинг саноат марказларидан анча узоқда жойлашганлигига, ишлаб чиқаришнинг майда таркибий бўлакчалари ҳисобланган совлиқ сурувларининг анча тарқоқлиги етиштирилаётган қоракўлчилик маҳсулотларига сифатли бирламчи ишлов беришни анча қийинлаштиради. Шу муносабат билан С.Ю.Юсупов ва Р.Х.Рўзимурадовларнинг(1995) ёзганларини келтириш ўринли: «Чорвачиликнинг бошқа тармоқларига нисбатан қоракўлчиликнинг анча тарқоқ, маҳсулотларга ишлов берувчи саноат корхоналаридан анча узоқда жойлашганлиги, республиканинг машинасозлик корхоналари ана шу соҳа эҳтиёжи учун ҳаводек

зарур бўлган кичик ишлов бериш заводлари, цехлари, линияларини ишлаб чиқаришни ҳамон йўлга қўймаганлиги, кимё саноатимиз эса қорақўлчилик маҳсулотларига ишлов беришда лозим бўладиган кимёвий моддалар, ҳар хил бўёқларни етиштириб бермаётганлиги боисидан жойларда маҳсулотларга саноат ишлов бериш имкони йўқ».

Қорақўл териларини хиллашга тайёрлаш қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади:

-консерваланган териларнинг мағзи ва тола қопламини ҳар хил ифлосликлардан тозалаш;

-тозалаш жараёнида тўзғиб, шакли бузилган қорақўл гулларининг қайта тикланиши учун қорақўлга дам бериш.

Ўзбекистон шароитида деярли барча шилинган қорақўл терилари тузлаб қуритиш йўли билан консерваланади. Бунда ажралиб чиқиш эвазига теридаги сув миқдори кескин камаяди, тери мағзи ичидаги осмотик босимнинг кескин ошиши ҳисобига мавжуд зараркунанда бактерияларнинг кўпайишига тўсиқ қўйилади. Туздан чиққан териларни қуритиш эса бу микроорганизмлар ҳаёт фаолиятини деярли тўхтатиб қуяди, чунки янги шилинган териларда 70 фоиз сув бўлса, тузлаб қуритилган териларда 12-16 фоизгина намлик қолади, холос.

Қорақўл хомашёсини хиллаш, сифатини одилонга баҳолаш учун териларнинг тола қоплами хусусиятларини, гулларининг хил ва шакллари, мустаҳкамлиги ва шу каби бошқа хусусиятларини чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш лозим бўлади. Хилланувчи териларнинг ёт ифлосликлардан (тола сифатига ёпишиб қолган чорона қолдиқларидан, қон зарралари, тупроқ ва қумдан тозаланиши) ҳоли қилингандагина тола қопламининг асл сифати кўзга ташланиши мумкин.

М.Д. Закиров ва К. Каримовларнинг(1987) кўрсатишларича, тузлаб қуритиш усулининг камчиликларига толаларнинг бир-бирига ёпишиб қолишини, гуллар шаклининг салбий томонга ўзгаришини, толалар ялтироқлигининг хиралашишини, табиий ранг кўринишининг ўзгаришини киритиш лозим.

Қорақўл хомашёсини хиллаш сифати ва аниқлиги хилловчи мутахассиснинг шахсий иқтидори, малакаси ва кўникмаси билан белгиланади, чунки қорақўл териларнинг инобатга олинadиган товар хусусиятлари ва кўрсаткичларининг асосий қисми ўлчов йўли билан эмас, балки органолептик усулда, қўл ва кўз билан чамалаб аниқланади. Бу хусусиятларнинг айримларини ўлчов асбоблари ёрдамида ўрганишга уринишлар ҳам бўлганди, аммо у муваффақият келтирган эмас.

Қорақўл терилар тола қопламининг сифат кўрсаткичлари (ипаксимонлиги ва ялтироқлиги, ранги ва рангбаранглиги, қалинлиги, ўсиқлиги ва ҳоказолар), тери мағзининг қалинлиги органолептик усулда аниқланса, терининг сатҳ ўлчами ва толалар узунлиги мм лик чизғич ёрдамида ўлчаб аниқланади.

Қорақўлнинг умумий сифатини, яъни тери нави ва гуруҳларини, иллатлилигини аниқлашда териларнинг, айниқса тола қопламининг ёт ифлосликлардан тозаланган, гуллари асл шаклига қайтган бўлиши, яъни қорақўл тери ниқобининг олиб ташланиши талаб этилади. Бунинг учун тери юзасида ўсувчи толалар сиртини қоплаб турган туз, чанг, лой, чорона, йўлдош девори пардаси зарраларидан тозалаш керак.

Маълумки, сифатли қорақўл гуллари терининг муайян қисмида ўсувчи бир хил узунлик ва йўғонликдаги толаларнинг маълум қонуниятлар асосида бир хил ўлчам ва шаклда эгилиб, жингалакланиши эвазига ҳосил бўлади. Шакли аниқ, узун, қайишқоқ гулли терилар одатда қимматли ҳисобланади. Қорақўл гулларининг шакли ва асл қомати ишлов бериш жараёнида маълум ўзгаришларга учрайди. Энг катта ўзгаришлар айниқса тузлаш жараёнида юз беради. Бунда тери қатламларининг номутаносиб тарзда ўзгариши оқибатида тола илдизларининг жойлашиш ҳолати ўзгариши, пировард натижада гул таркибини ташкил қилувчи толаларнинг жингалакланиш даражасининг камайишига, ўсувчи толаларнинг бири-бирига ёпишиб қолиши туфайли гул шаклининг ўзгаришига, узун гулларнинг бир неча калта гулларга бўлиниб кетишига олиб келади.

Ана шу салбий ҳолатлар таъсирини камайтириш мақсадида қорақўл терилари бир неча босқичли тозалаш жараёнидан ўтказилади.

Териларни куритиш ва тозалаш. Хўжалик шароитида туздан чиққан терилар очик ҳавода курилади.

Тозалаш биринчи босқичи дағал тозалашдир. Бунда қорақўл гулларига, толаларига ёпишган ифлосликлар ўтмас қиррали темир ёки ёғоч пичоқлар билан қириб ёки қўпориб олинади, гуллар оралиғи тозаланади, ифлосликлари тушиб кетиши учун тери қоқилади, бир сўз билан айтганда барча тозалаш ишлари қўлда бажарилади. Бу ишларни бажаришда етарли кўникма ва эҳтиёткорлик лозим бўлади, чунки озгина эътиборсизлик терининг тешилишига, тола қопламанинг қирилиб, терининг синишига олиб келади.

Тозалашнинг иккинчи босқичи чўткали машиналарида тозалаш, мабодо улар бўлмаса қўл чўткаси ёрдамида бажарилади. Бундан мақсад дағал тозалаш пайтида қўпориб чиқарилган ёки парчаланган ифлосликлардан қорақўлни тозалашдир. Бу ишни бажаришда айланувчи барабанларига чўткалар ўрнатилган тозалаш машиналаридан фойдаланилади. Турғун ҳолда (стационар) ишловчи тозалаш машиналарининг асосий ишчи органи чўткалар ўрнатилган айланувчи барабан ҳисобланади. Тозалаш жараёнида тери юзасидан ажралувчи чанг-тўзон, ифлосликлар ишчининг нафас йўллари, кўз ва бошқа органларига тушмаслиги учун махсус ўрнатилган вентиляторлар ва қувурлар ёрдамида ташқарига чиқарилади. Бундан ташқари, баъзи хўжаликларда маҳаллий мутахассислар ихтиро қилган қўлбола тозалаш машиналаридан ҳам фойдаланилади. Бу машина механик жун қирқиш аппарати базасида яратилган бўлиб, унинг асосий ишчи органи айланувчи чўткали барабандир. Бу мослама қўлда ушлаб турилган ҳолда терининг тола қопламини тозалайди. Бу мосламанинг қулайлиги қўлда кўтариб терининг барча қисмларини тозалаш имкони мавжудлигида бўлса, камчилиги эса ишчининг теридан ажралувчи чанг-ифлосликлардан етарлича ҳимоя қилинмаганлигида.

Тозаланган терилар бирма-бир кўздан кечирилиб, қилинган иш сифати текширилади, тўлиқ тозаланмаган терилар масъул ишчига такрор тозалаш учун қайтариб берилади.

Чўткали машинада тозалаш пайтида терида йиртиқлар, синиқлар пайдо бўлиши, бош, оёқ, думлар юлиниб кетиши мумкин. Бунга айланувчи барабан

билан оёқда бошқариладиган кўтарилиб- туширилувчи ҳаракатсиз қисми ўртасидаги оралик масофанинг ўта торайиб кетиши сабаб бўлади.

Терининг қовжираб қуритилиши ҳам унинг эгилувчанлигига салбий таъсир қилиб, тез синувчан бўлишига олиб келади.

Тозаланган қоракўлга дам бериш тозалаш жараёнида қоракўл териларнинг тола қоплами тўзғийди, гуллар шакли ўзгаради, расм ва нақшлар аниқлиги йўқолади, гул оралиқлари тораяди, бир сўз билан айтганда қоракўлнинг кўриниши ўз шаклини йўқотади. Бу ўзгаришлар доимий эмас, вақт ўтиши билан гуллар ўз қоматини, шаклини тиклайди, қоракўл асл ҳолатига қайтади, аммо бунинг учун керакли шароитлар яратилиши керак. Шу боис ҳам тозаланган қоракўл териларига энг ками билан 72 соат давомида дам берилади. Бунда терилар жуфт ҳолда «гулини-гулига» қилиб баландлиги 0,7-1,0 м бўлган уюмларга тахланади ва устига бирор оғирроқ юк қўйган ҳолда бостириб қўйилади. Ана шу ҳолатда ва муддат ичида уюмдаги терилар тола қоплами ўз ҳолатини, гуллари эса ўз қоматини тиклайди, тери юзаси текислашади.

Товаршуноснинг иш жойига талаблар. Қоракўл хомашёсини бирма-бир кўздан кечириб, сифатини одилона баҳолаш учун лозим бўладиган барча шароитлар мухайё қилинган бўлиши лозим.

Қоракўлни одилона хиллаш учун энг аввало товаршуноснинг иш жойини тахлаш лозим. Хиллаш жойи ёруғ, озода ва қуруқ, хиллаш пайтида қоракўл хомашёсининг турлари, ранглари, ўлчамлари, навлари ва иллатлилиқ гуруҳлари бўйича алоҳида-алоҳида тахлаш учун етарлича майдон юзасига эга бўлиши талаб этилади. Илғор қоракўлчилик хўжаликларида қуритиш ва тозалаш пайтининг ўзидаёқ териларни турлари, ранглари бўйича ажратиб алоҳида уюмларга тахлаш одат тусига кирган. Шунда хомашёни хиллаш осонлашади, меҳнат унумдорлиги ошади. Тола қоплами ва гулларига қуёш нурларининг тик тушиши қоракўл терилар сифатини одилона баҳолашга ҳалакит беради. Одатда хиллаш жойи учун катта кўзли деразалар олди, ланг очилган эшиклар тўғриси ёки қуёш нурлари тушмайдиган айвонлар ости танланади.

Хиллаш жойига албатта 1,0-1,2 м баландликдаги хиллаш столи қўйилган бўлиши талаб этилади. Оддий столлардан хиллаш столининг фарқи унинг олдинги 2 оёғининг орқа 2 оёғидан 15-20 см калталигида бўлиб, стол усти тахталари қиялик ҳосил қилади. Бу стол устига қўйилган қоракўл терилари юзасига тушаётган ёруғлик нурларини 25-30⁰ ли бурчак остида синдириб қайтаради ва тола қопламининг ялтироқлиги ва гулларининг қомати аниқ кўзга ташланади. Хиллаш столига камида 50 см узунликдаги мм ли зангламайдиган юпқа пўлат чизғич, ингичка учли калта, ўткир пичоқ қўйилган, хилловчи ва унинг ёрдамчиси кийиши учун ишчи халатлари осилган бўлиши керак. Товаршунос чизғич ёрдамида хомашё терининг андозавий майдонини, бўйнида ўсувчи толаларнинг тўғрилانган ҳолдаги узунлигини аниқлайди, пичоқча ёрдамида дум ўсимтасида тасодифан қолиб кетган умуртқа суякларини, қулоқларида қолиб кетган тоғайларни олиб ташлайди.

Бундан ташқари хиллаш жойига қоракўл хомашёсига амал қилувчи меъёрий ҳужжат ҳисобланувчи Давлат тайёрлов андозасининг асл нусхаси қўйилган бўлиши шарт.

Қорақўл хомашёсини хиллаш ва унинг натижаларини расмийлаштириш.
Қорақўл хомашёси консерваланиб, тозаланиб, дам берилгач, албатта асосий товар хусусиятлари бўйича хилланиши шарт.

Хиллашдан қуйидаги мақсадлар кўзланади:

- қорақўл хомашёсини турлари бўйича (тақир, қорақўлча, қорақўл-қорақўлча, Соф зотли ва дурагай қорақўл ва ёқабоп) алоҳида гуруҳларга ажратиш;
- товар хусусиятлари қорақўл хомашёсига хос бўлмаган териларни (думбали кўй зотларининг кўзиларидан олинадиган «чўл мерлушкаси», катта ёшли кўзилардан олинадиган «гов барра» (трясок)) мазкур гуруҳ таркибидан чиқариш;
- қорақўл хомашёси турлари ичида териларни ранг, улчам, нав ва иллат гуруҳларига ажратиш йўли билан ўхшаш сифатли гуруҳларга тўплаш;
- ҳар бир хўжалик субъектида тайёрланган қорақўл хомашёсининг тур, ранг, ўлчам, нав ва иллатлилиги бўйича миқдорини, салмоғини аниқлаш;
- хиллаш натижаларига асосланган ҳолда сотишга тайёрланган қорақўл териларининг одилona қийматини белгилаш.

Қорақўл хомашёсини хиллаш одатда 4 босқичда ўтказилади:

- биринчи босқич – териларни турлари бўйича ажратиш;
- иккинчи босқич – ҳар бир тур (қорақўлча, қорақўл-қорақўлча, Соф зотли ва дурагай қорақўл, «ёқабоп») ичида ранг гуруҳларига (қора, кўк, сур, қамбар, зармалла, гулигаз, бир туслик рангдор ва ола) ажратиш;
- учинчи босқич – ҳар бир ранг гуруҳи ичида қорақўлча гуруҳи, Соф зотли ва дурагай қорақўл гуруҳи териларининг ҳар бирини андозавий ўлчам гуруҳларига (катта, ўрта, майда ва ўлчами бўйича яроқсиз) ажратиш;
- тўртинчи босқич – ҳар бир тур, ранг ва ўлчам гуруҳлари ичида териларни навларга ва ҳар бир нав ичида иллатлилиги бўйича меъёрли, иллатли ва яроқсиз гуруҳларга ажратиш.

Хилланиши мўлжалланган қорақўл терилари уюми камсонли бўлганида ана шу босқичларга бўлиш учун эҳтиёж қолмаслиги ҳам мумкин.

Қорақўл хомашёсини хиллаш амалда қуйидагича бажарилади:

хиллаш столи устига тозалаб дам берилган бир хил ранг ва турдаги 50-60 дона миқдоридаги терилар уюми хиллаш учун қўйилади ва товаршунос уларни бирма - бир кўздан кечириб энг аввало қорақўлнинг ўлчамини см лик линейка ёрдамида аниқлайди, яъни терининг бўйин асосидан то дум асосигача бўлган андозавий узунлигини олдинги қўлтиқ ортидаги андозавий кенглигига кўпайтириб андозавий сатҳини ҳисоблаб чиқаради, ундан кейин тери юзасидаги тола қоламнининг ипаксимонлигини қўл билан сийпаб, ялтироқлиги ва тифизлигини, гулларнинг хил ва шакллари бўйича салмоқларини, жойлашиш тартибини, шаклдорлигини, расм аниқлигини, гул оралиқлари кенглиги ва бошқа шу каби кўрсаткичларни кўз билан чамалаб, гуллар қайишқоқлиги ва мустаҳкамлигини қўл билан босиб ёки бузиб кўриб аниқлайди, тери мағзининг қалинлиги иккала қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоқлари орасига қисиб аниқланади.

Умуман олганда қорақўлнинг сифати, навлилиги терининг асосий уч қисми бўйича, яъни сағри, елка кирраси ва бели ҳамда ёнбошларига қараб аниқланади,

зеро бош, бўйин, қорин, дум ва оёқлари териси сифати қорақўл навлилигига деярли таъсир кўрсата олмаслиги амалдаги тайёрлов андозаларида қайд этилган.

Хиллаш пайтида Соф зотли қора ранг қорақўлнинг катта ва ўрта ўлчамлари 11 та меъёрли ва 11 та нуқсонли ва 1 та нуқсони бўйича яроқсиз гуруҳга, майда ва ўлчами бўйича яроқсиз терилар 2 та меъёрли ва иллатли ва 1та иллоти бўйича яроқсиз гуруҳга, жами 28 та гуруҳларга ажратилса, кўк, сур, гулигаз, қамбар, зармалла, оқ бир туслик рангдор ва ола рангли қорақўлнинг ҳар бири 18 тадан гуруҳларга, қорақўлча терилари 17 тадан гуруҳларга, дурагай қорақўл терилари ками билан 17 гуруҳга, ёқабоп терилари 7 гуруҳга ажратилади. Қорақўл хомашёсига кирувчи териларни тур, ранг, ўлчам, нав ва нуқсонлари бўйича хиллаш кўп сонли гуруҳлар пайдо бўлишига олиб келади ва бу кўп сонли гуруҳ терилари учун жой топиш ва уни эслаб қолиш ҳамма мутахассиснинг ҳам қўлидан келавермайди. Шу сабабли қорақўлни хиллаш амалиётида биринчи галда Соф зотли қора ранг қорақўл, ундан сўнг галма-галига Соф зотли кўк ранг, сур ранг, гулигаз, қамбар, зармалла, бир туслик рангдор, оқ ва ола ранг қорақўл терилари хилланади. Соф зотли қорақўл терилари хилланиб бўлгач, қорақўлча гуруҳи терилари, ундан кейин дурагай қорақўл ва ёқабоп терилар хилланади. Камсонли бўлганидан қорақўлча, дурагай қорақўл ва ёқабоп терилар кўпинча биргаликда хилланиб, тери гуруҳлари товаршуноснинг ўзи учун қўлай тартибда жойлаштирилади.

Товаршунос қорақўл хомашёсини хиллаш жараёнида амалдаги тайёрлов андозаси талабаларидан четга чиқишга ҳаққи йўқ. Тери хилланганида энг аввало андозавий ўлчами, сўнгра қорақўлнинг гулли ва гўштпарда томони кўздан кечирилиб иллатлилиқ даражаси, кейин терининг нави аниқланади. Шу ўринда кўпчилиқ териларда у мансуб бўлган навнинг барча белгилари яққол ифодаланган бўлса, бошқа бир териларда бу белгилар тўлиғича ифодаланмасдан бошқа навга хос белгилари ҳам бўлишини таъкидлаш лозим. Бунақа териларни оралиқ ёки ўтувчи навлар деб ҳам аташади. Масалан, қора ранг қорақўлнинг Москва жакети навида Жакет II белгилари, Кирпук навида қобирғасимон юпка I нави белгилари кўзга ташланиши мумкин. Бунақа пайтлари мазкур қорақўлда қайси нав белгилари кўпроқ ифодаланган бўлса тери ўша навга киритилгани маъқул. Ўлчами, нави ва иллатлилиқ гуруҳи аниқланган терилар тегишли нав уюмига «гулини-гулига» қаратган ҳолда жуфтлаб тахланади.

Хилланиш жараёнида хиллаш столига қўйилган терилар сони камайиб боради, шу сабабли ёрдамчи ишчи вақт-вақти билан столни янги тери боғламлари билан тўлдириб туриши керак.

Бозор иқтисоди шароитида ишлаб чиқаришнинг ҳар бир бўғини тўлиқ хўжалиқ хисобида ишлаши муқаррар ва етиштирилган маҳсулот сифати ва уни сотишдан олинадиган умумий даромад, соф фойда ҳал қилувчи аҳамият касб этиши тайин. Шу нуқтаи - назардан ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган қорақўлчилик ширкат хўжалиқларининг асосини ташкил этувчи сурувлар, бўлим ва фермаларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини, шу жумладан, қорақўл териларини ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан аниқ ҳисобга олиб бориш ва бу борада «ўзи буларчилиқка», «кўз бўямачилиқка» йўл қўймасдан адолатли иш юритиш нафақат бугунги, балки эртанги куннинг ҳам талаби бўлиб қолаверади.

Совлиқ сурувлари бўлим ва фермаларнинг қоракўл партиясидаги терилари бирма-бир кўздан кечирилиб, хиллангач, унинг натижаларини ҳужжатлаштириш талаб этилади. Бу учун ҳар бир ўлчам, нав, иллат гуруҳига мансуб уюмлардаги терилар миқдори саналиб қўзғатилиши, бунда даставвал қора рангли йирик ўлчамдаги муайян навли меъёрли терилар, ундан кейин шу навдаги иллатли терилар ҳисобга олинади. Йирик ўлчамли териларнинг барча биринчи, иккинчи ва учинчи навларидаги қоракўл саналиб бўлгач, худди шу тартибда ўрта ўлчамли қоракўлнинг барча навларига мансуб меъёрли, иллатли ва иллоти бўйича яроқсиз терилар саналиб миқдори аниқланади, энг охирида майда ўлчамдаги меъёрли, иллатли ва иллоти бўйича яроқсиз терилар сони ҳисобга олинади.

Соф зотли қора қоракўл терилар хилланиб саналганидан кейин худди шу тартибда Соф зотли кўк ва сур рангли, гулигаз, қамбар, оқ, зармалла, бир туслик рангдор, ола ранг қоракўл терилари галма-галига нав ва гуруҳларга хилланиб саналади.

Ундан кейин қоракўлча гуруҳи терилари, дурагай қоракўл ва ёқабоп ҳам худди шу тартиб ва қоида асосида хилланиб нав ва иллат гуруҳлари бўйича сони аниқланади. Энг охирида ҳар хил навли тақир териларнинг сони аниқланади.

Ишлаб чиқаришнинг муайян бўғинларида тайёрланган қоракўл терилар хилланиб саналгач ва саноқ натижалари ишчи журнаliga қайд этилгач, уларни дасталаб боғлаш мумкин бўлади ва товаршунослар бу жараёни «қоракўлни кўтариш» деб аташади.

Одатда қоракўлчилик хўжалигининг ҳар бир бўлим ёки фермасида етиштирилган қоракўл алоҳида хилланиб шу асосда тузилган сифат қайдномаси (спецификация) билан қоракўл хомашёсининг партияси тузилади. Сифат қайдномасининг намунавий шаклини келтирамиз.

№ -сонли сифат қайдномаси

Вилоят _____
 Туман _____
 Хўжалик _____
 Бўлим, ферма _____
 Жами тери сони _____

Сана

Хомашё тури, ранги, сатҳ ўлчами, нави ва иллатлилиги гуруҳи	Тери сони	Тавсия этилаётган баҳоси	
		1 донаники	Жами

Сифат қайдномасида энг аввало Соф зотли қора, кўк, сур, зармалла, гулигаз ва оқ, қамбар, бир туслик рангдор ва ола ранг қоракўл терилари уларнинг ҳам ичида даставвал қора рангли, кейин кўк, сур ва бошқа хил рангдор қоракўл навлари ва иллатлилиги бўйича ёзиб чиқилади.

Ҳар бир ранг ичида аввало барча навдаги катта ўлчамли териларнинг меъёрли ва иллатли гуруҳлар бўйича сони, кейин барча навдаги ўрта ўлчамли териларнинг меъёрли, иллатли ва 13% ли яроқсиз гуруҳлар бўйича сони, майда ўлчамли

териларнинг меъёрли, иллатли ва 13% ли яроксиз гуруҳлардаги тери сони ёзилиб, охирида мазкур рангдаги жами тери сони чиқарилади.

Азал-азалдан тайёрлов андозаларида мустақил ранг ёки нав мақомига эга бўлган, аммо харид баҳолари бир хил бўлган қорақўл терилари бир бандга бирлаштирилган ҳолда биргаликда ёзиб келинган. Биз бу ерда Соф зотли қора ранг қорақўлнинг Жакет I ва Кирпук, Яссигулли юпка I ва Яссигулли қалин I, барча иккинчи ва учинчи навларни, Соф зотли кўк, сур, рангдор қорақўлнинг иккинчи, қорақўл-қорақўлча ва қорақўлчанинг навларини назарда тутмоқдамиз.

Соф зотли қорақўлнинг ранглар, ўлчамлар, навлар бўйича сони ёзилиб бўлинган, Соф зотли ва дурагай қорақўлча териларнинг ранг, ўлчам, навлари ва иллат гуруҳлари бўйича сони, ундан кейин барча рангли дурагай қорақўлнинг ўлчами, навлари ва иллатлилиги бўйича сони, барча рангли ёқабоп териларнинг навлар ва иллатлилиги бўйича сони ва тақир териларнинг навлар бўйича сони қайдномага туширилади. Сифат қайдномасининг охирида мазкур партиядаги барча терилар сони ва уларнинг тахминий қиймати чиқарилади.

Қорақўл хомашёсини дасталаб боғлаш ва сақлаш. Хилланган қорақўл терилари узоқ муддатли сақлаш жараёнида кўп жой олмаслиги, сочилиб иллатланмаслиги, транспорт воситаларига юклаш ва туширишнинг қулай бўлиши, санашнинг осон бўлиши учун дасталаниб боғланади.

Қорақўл хомашёсини дасталаш, боғлаш, ёзувлар ёзиш ва узоқ муддатли сақлаш тартиби ҳам ўз тарихига эга ва у маълум андозавий талабларга жавоб бериши шарт.

1932 йилнинг 1-февралидан баҳорда тайёрланадиган мўйна ва мўйнабоп хомашёга амал қилувчи ОСТ 3942 сонли тайёрлов андозаси амалга киритилганди. Унда тури, ўлчами, сифати ўхшаш ва бир хил усулда консерваланган барча рангдаги қорақўл ва қорақўлча терилар дасталарга боғланиши шарт қилиб қўйилганди.

Дасталарга боғланиш учун мўлжалланган терилар консервалаб, қурилган, ҳар хил ифлосликлардан тозаланган ва амалдаги тайёрлов андозаларига мос тарзда хилланган бўлиши керак. Дасталарга боғлаш олдидан терилар «гулини-гулига» қилиб тахлаб чиқилади, ҳар бир даста бир хил усулда консерваланган, бир хил тур, ўлчам, нав, ранг ва иллатлиликларидаги (меъёрли, иллатли ва 13 % ли яроксиз) терилардан иборат бўлиши керак.

Ҳар бир дастадаги тери сони ва уларни боғлаш тартиби 1932 йилдан сўнг сал бўлсада қуйидагича ўзгарди:

Қорақўл хомашёсини дасталаш тартиби

Амалдаги андозалар	Хомашё турлари ва дастадаги тери сони, дон				
	Соф зотли қорақўл	Дурагай қорақўл	Қорақўлча	Ёқабоп	Тақир
1. ОСТ 3942(1932йил)	4	4	10	-	10
Боғлаш нуқталари	Бўйни ва 3 оёғи				Бўйни ва оёғи
2.ОСТ/НКВТ 6475/127(1934йил)	4-6	10	10	-	10
Боғлаш нуқталари	Боши ва 2 оёғи			-	

3.ОСТ/кзСНК 8646/302(1936йил)	10	10	20	6	20
Боғлаш нуқталари	Боши ва Орқа 2 оёғи				Боғлаш шарт эма
4.ГОСТ 13223-67 (1968)	20	20	40	10	40
Боғлаш нуқталари	Боши ва бир орқа оёғи				

Эслатма: 1. Бир хил сифатли терилар сони талаб даражасидан кам бўлган ҳолатларда дасталардаги тери сонининг камроқ бўлишига рухсат этилади.

2. Тақир терилар дасталанмаслиги ҳам мумкин.

Мабодо қоракўл хомашёси узокроқ масофага жўнатиладиган бўлса, у ҳолда қоракўл дасталари тойланиши лозим бўлади. Тойлар сирти чидамли матоҳ билан қопланган, ОСТ 3942 андозаси бўйича той ичидаги қоракўл тери сони 148-220 донани, қоракўлча терилар сони эса 240-350 донани, ОСТ/кз СНК -8646/302 андозаси бўйича тойнинг тўлиқ вазни (брутто) 80 кг дан, ГОСТ 13223-67 андозаси бўйича эса 50 кг дан ошмаслиги талаб этиларди. Той ичида терилар дастаси жуфт-жуфт қилиб, бошларини қарама-қарши томонларга қаратиб жойлаштирилади ва уларнинг четларига нафталин сепиб қўйилади. Ҳар бир той ичига мазкур хомашё, тери соҳибининг номи, тойнинг тартиб рақами, тойланган сана, терининг тур, ранг, улчами, нав ва иллатлилиқ бўйича сони, хилловчи ва тойловчи шахснинг исм-шарифи, имзолари қўйилган той варақаси жойланади. Той устидан узунаси ва кўндалангига кесиштириб тортилган ингичка арқон билан боғланади.

Қоракўл тойларининг охиргиси ичига мазкур партиянинг умумий сифат қайдномасидан бир нусха жойлаб қўйилади.

Тойга ёзувлар ёзиш –ҳар бир тойнинг бет юзасига ювилмайдиган буёқ билан қуйидагилар ёзилади:

- а) сифат қайдномаси (спецификация) нинг тартиб рақами;
- б) тойнинг тартиб рақами;
- в) қоракўл партияси жўнатилган темир йўл, сув йўли станцияси ёки тайёрагоҳнинг номи;
- г) қоракўл партияси жўнатилган юридик шахснинг номи ва манзилгоҳи;
- д) қоракўл партиясини жўнатган темир йўл, сув йўли станцияси ёки тайёрагоҳнинг номи;
- е) қоракўл партиясини жўнатган юридик шахснинг номи;
- ж) қоракўл партиясининг тўлиқ вазни (брутто).

Республикамизнинг қоракўл бозори тўлиқ куч билан фаолият кўрсата олмаётган шароитда хўжаликларда етиштирилиб, бирламчи ишловдан чиқарилиб, хилланиб дасталарга боғланган қоракўл териларини то сотилгунига қадар товар сифатларини пасайтирмасдан сақлаш лозим бўлади. Амалдаги талабларга амал қилмасдан нотўғри сақлаш териларда ҳар хил иллатлар пайдо бўлишига, терихўр зараркунанда ҳашаротлар ва куя личинкалари кўпайишига олиб келади. Тузлаб қурилган териларнинг сернам ва дим биноларда сақланиши тери мағзининг намиқиб ивишига ва чиритувчи бактериялар таъсирида идраб бузилишига олиб келади, териларнинг ўта қуруқ биноларда сақланиши эса қоракўлнинг қовжираб қуриб қолишига ҳамда тез синувчан бўлишига олиб келади.

Ана шу салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун териларни талабларга жавоб берадиган шароитларда сақлаш лозим бўлади. Тери сақлашга мўлжалланган бинолар ичи кенг бўлиши лозим, чунки шундагина қоракўл хомашёсини тури, ранги, ўлчами, нави бўйича алоҳида-алоҳида уюмлар ташкил қилиб жойлаштириш имкони бўлади. Қоракўл териларини ортиш ва тушириш учун транспорт воситалари иложи бўлса бинонинг ичига кира олиши, иложи бўлмаса бино эшиклари олдиғача кела олиши керак. Бино ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва техника хавфсизлиги қоидаларига, ветеринария-санитария талабларига жавоб бериши лозим. Омборхона биноси куруқ, шамол эсиб турадиган бўлиши, бино деворлари ёриқларсиз, силлиқ кум ёки лой сувоқдан чиқарилган, томи шифер ёки тунука билан ёпилган, юкумсизлантирилган ва оқланган бўлиши талаб этилади. Бинонинг ери бетонланган, асфальтланган ёки ёғоч полли бўлиши лозим.

Боғланган қоракўл дасталарини сақлаш учун ердан баландлиги 15-20 см, узунлиги 3,5-5м, кенглиги 1,5-2,0м бўлган ёғоч пиллапоярлар қурилади. Омборхоналарда термометрлар ва ҳаво намлигини ўлчовчи психрометрлар фаолият кўрсатиши лозим. Тул мавсуми олдидан бино ичидаги терихўр кўнғизларни, куя капалаги ва унинг личинкаларини йўқ қилиш мақсадида юкумсизлантириш ишлари ўтказилиши керак.

М.Д. Закиров ва К.Каримовларнинг (1987) кўрсатишларича, тери сақланадиган омборхона ичидаги ҳавонинг харорати 25⁰С дан, нисбий намлиги эса 50-55% дан ошмаслиги керак. Ёз кунлари эрталаб эшиклар ланг очилиб бино шамоллатилади, вақти-вақти билан ерга сув сепиб турилади, ҳаво намлиги ошиб кетган тақдирда эшик ва дераза туйнуклари очилиб бино ичи қурилади.

Ҳар 3-5 кунда бир марта қоракўл териларнинг ҳолати кўздан кечирилиши лозим. Бу учун ҳар жой -ҳар жойдан тери дасталари олиниб, боғловчи иплар ечилгач, ундаги қоракўлнинг намиққанлик даражаси, терихўр кўнғизлар ва уларнинг личинкалари, куя капалаклари ва уларнинг личинкалари бор-йўқлиги аниқланади. Мабодо тери ортиқча намиққан бўлса у ҳолда бино ичи шамоллатилади ёки қоракўл терилари ташқарига, айвон остига чиқарилиб қурилади ва яна дасталаб боғланади. Терихўр зараркунандалар жароҳатлаган майдонлар (терининг гўштпарда томонидан илма-тешик бўлиши), куя капалагининг бино ичида учиб ёки тери тола қопламида юргани, қоракўл юзасида куя личинкаси еб қуйган «кал» майдонлар борлиги аниқланса, дарҳол терилар очиқ ҳавога чиқарилиб тик қуёш нурлари остида 3 соат ва ундан ҳам кўпроқ вақт давомида ёйилган ҳолда қолдирилади. Кейин терилар бирма-бир қўлда ушлаб силкитиб қоқилади, чўтка ёрдамида ҳашаротлардан тозаланади. Сўнгра уларга нафталин ёки бошқа самаралироқ юкумсизлантирувчи моддалар сепилиб, қайта дасталанади. Териларнинг шу тариқа зарарланиш хавфи туғилганида эшик ва туйнукларни бекитиб, бино ичига юкумсизлантирувчи шашкани тутатиб ёки олтингугурт порошогини куйдириб тутатиб 2-3 кунга қолдирилса ҳам барча зараркунандалар қирилиб кетади.

Қоракўлни ошлаш ва ошланган териларни хиллаш

Режа:

- 1.Қоракўлни ошлаш технологияси
- 2.Қоракўлни ошлашнинг аҳамияти
- 3.Қоракўл териларини ошлашга тайёрлаш
- 4.Қоракўлни ошлаш ва уни назорат қилиш

Таянч иборалари: ошлаш жараёни, ишлаб чиқариш партияси, суюқлик коэффиценти, кислота миқдори, ачитки зичлиги, бракераж, ивитиш, ювиш, антисептик, ҳаво ҳарорати, ошлашнинг технологик харитаси, арпа ёрмаси, ҳаво пуфакчалари, тозалаш, дам бериш, тери тўқимасининг тур (ретикуляр) қавати, эрувчан оксиллар, эгилувчанлик.

Қоракўл етиштириш билан шуғулланувчи хўжаликлар саноат марказларидан анча узоқда, тарқоқ ҳолда жойлашганлиги, жойларда териларга саноат ишлов бериш имконияти йўқлигидан қоракўлни маълум муддатга бузмасдан сақлаш мақсадида улар тузлаб ёки тузламасдан қуритилади. Янги шилинган терилар тузланганида туз эритмаси тери тўқимаси ичига сингиб киради ва теридаги суюқликнинг анча қисми юзага сирқиб чиқиши туфайли у ердаги осмотик босим шу қадар кўтарилиб кетадики, натижада зарарли микроорганизмларнинг кўпайиши учун керакли шароитлар деярли тугатилади. Туздан чиққан териларда қолган намлик қуритилиш жараёнида янада ҳам кескин камаяди ва зарарли микроорганизмлар ҳаёт фаолияти деярли тўхтади.

Янги шилинган қоракўл терилари тузламасдан ҳам қуритилиши мумкин. Тузламасдан қуритилган терилар нам муҳитга анча чидамли бўлишига қарамасдан ўз эгилувчанлик хусусиятини йўқотганлигидан тез синувчан ва йиртилувчан бўлиб қолади.

Янги шилинган қоракўл териларига бирламчи ишлов беришнинг бу иккала усули ҳам вақтинчалик тадбир бўлиб, бу ҳилда ишлов берилган терилардан амалда эҳтиёж учун фойдаланиш мумкин эмас.

Қоракўл териларини ошлашда дон ёрмаси ачиткиларидан (арпа ва сўли ёрмаси) фойдаланилади. Ошлаш усули азалдан маълум бўлиб, илгари вақтлари барча турдаги мўйна ва мўйнабоп хомашё териларига ошлаш йўли билан ишлов берилган.

М.Д. Зокировнинг (1987) эслатишича, Советлар ҳокимиятининг дастлабки йилларида қоракўл терилари Бухоро қоракўл заводида ёғоч ромларга тортилган йилқи терисидан қилинган чанларда (ҳовуз) ошланган. Бу чанларда бир вақтнинг ўзида 150-200 тери ошланган. 12-14 кун давом этадиган ошланиш жараёнларининг бориши органолептик усуллар билан назорат қилинган. Териларнинг ошланганлик даражаси бош ва кўрсаткич бармоқлар билан 4 букланган терини қисиб, кейин кўйиб юборилганида тери мағзида «+» ёки «Х» кўринишидаги оқ чизикчалар пайдо бўлишига қараб аниқланган.

Ўтган асрнинг 30-йилларида Бухоро қоракўл заводи ишга туширилди. «1956 йилда – деб ёзади М.Д.Зокиров (1987) - қоракўлга ишлов бериш жараёнларига кўп

янгиликлар киритилди. Териларни ивитиш, ошлаш, тозалаш каби жараёнлар механизациялаштирилди, ошлаш эса ёғоч баркасларда ўтказила бошланди».


Ю.Н.Аронинанинг (1970) кўрсатишича, ошланган териларда чўзилувчанлик, қайишқоқлик ва бошқа шу каби хусусиятлар яхши ифодаланган. Ҳозирги кунда фақат қоракўл хомашёсигина ошланади, холос. Бухоро қоракўлга ишлов бериш заводи мутахассисларининг фикрича ийланган ёки бўялган қоракўл терилари орасида ошлаш жараёнидан ўтганлари сифатининг анча юқорилиги билан ажралиб тураркан, яъни улардан тикилган буюмлар нисбатан узокроқ муддат фойдаланиш имконини берар экан.

Ошлашда фойдаланиладиган дон ёрмасининг таркиби крахмал, ферментлар, қандли моддалар ва клетчаткага бой бўлади.

Крахмал иссиқ сувда шишади ва елимсимон моддага айланади. Ошлашда кимёвий жараёнларни тезлаштирувчи оксил таркибли моддалар-ферментлар катта аҳамият касб этади. Ферментлар биологик катализатор ҳисобланади, чунки улар кимёвий жараёнларни тезлаштиришга қарамасдан ўзлари якуний ҳосила таркибига кирмайди. Ферментлар ҳайвон ва ўсимликлар организмида ишлаб чиқарилиб, улар асосан ҳужайраларда жойлашган бўлади. Ферментли жараёнларга дон ёрмасининг бижғиши (ачиши) ҳам киради. Ферментларнинг ҳар бири бир турдаги моддага, яъни бирлари оксилга таъсир қилса, иккинчилари ёғга, учинчилари қандга ва ҳоказо таъсир қилади. Ферментлар таъсирининг самарадорлиги муҳит харорати ва реакциясига ва бошқа шу каби омиллар таъсирига боғлиқдир.

Ферментлар таъсирида дон ёрмасидаги крахмал қанд мальтозасига, у эса ўз навбатида моносахаридлар (фруктоза, глюкоза) даражасигача парчланади. Бу моносахаридлар эса органик (сут, ёғ, сирка ва чумоли) кислоталар ва газсимон маҳсулотларга айланади. Қанддан кислоталар ҳосил бўлишига ачитқида микроорганизмлар миқдорининг ошиб бориши сабаб бўлади. Ачитқида сут-ачитқи бактериялари таъсирида ҳосил бўлувчи сут кислотаси миқдорининг кўп бўлиши ошланиш самарасини кескин оширади.

Шундай қилиб ошлашда ишлатиладиган арпа ва сўли ёрмасининг ачиш жараёни қуйидаги кўринишда юз беради:



Газсимон маҳсулотлар таркибига водород, кислород, карбонат ангидриди ва водород сульфиди киради.

Оддий пикеллашдан фарқли ўлароқ ошлашда ачитқи таркибидаги кислота миқдори аста-секинлик билан ошиши сабабли ошлаш жараёни оҳисталик билан боради, бу эса тери тўқимасининг мулойимроқ бўлишини таъминлайди.

Ю.Н. Аронинанинг (1970) ёзишича «Терининг ички тузилишини ўрганиш ошлаш жараёнида коллаген толимларининг ўзларидан 20 баробар ингичкароқ толачаларга титилиб кетганини кўрсатди».

М.Д. Зокиров ва К.Каримовларнинг (1987) кўрсатишларича, ошланиш жараёнида терининг коллаген толалари титилиб қайишқоқликка эга бўлади.

Дарҳақиқат, ошланган қоракўл терилари қайишқоқлик ва эгилувчанлик эвазига синмайди, йиртилмайди, сернам муҳитга чидамли, тола илдизлари ҳолатининг тартибга келиши эвазига қоракўл гулларининг шакли ихчамлашади, аниқлашади, тола қопламининг ифлосликлардан ювилиб тозаланиши туфайли ялтироқлиги ва ипаксимонлиги сезиларли даражада яхшиланади, шу сабабли ошланган териларни хиллаш анча енгил кечади.

Ошланиш жараёнига таъсир қилувчи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ачитқи эритмасининг ҳарорати. Бу омил ачитқида мавжуд сут-ачитқи микроорганизмларнинг тез кўпайишини ва ферментлар фаоллигини таъминлаш учун қулай бўлиши лозим. Ошлаш учун энг қулай ҳарорат $37-40^{\circ}\text{C}$ бўлиб, унинг кўтарилиши ёки тушиб кетиши ачитқида сут кислотаси миқдорининг ошиб боришига ҳалақит беради.

- ачитқи муҳити реакцияси ошлашга катта таъсир кўрсатади ва у албатта кислотали бўлиши керак. Ачитқи эритмасидаги кислота миқдорининг камлиги терининг меъёрида ошланмаслигига олиб келади. Шу сабабли ҳам ачитқи таркибидаги кислота миқдори 1,5-2 г/л га етгандан кейингина ошлашни бошлаш тавсия этилади.

- ошлаш жараёнининг давомийлиги – муҳим аҳамият касб этади, чунки ошлашнинг ўта чузилиб кетиши қоракўл мағзи билан унда ўсувчи толалар ўртасидаги боғланишни бўшаштиради, бу эса тола тўкилишига олиб келади.

- ачитқидаги туз миқдори таркиби органик кислоталарга бой ачитқи суюқлигининг тери тўқимасига меъёридан зиёд кириши сабабли тери мағзининг тўйиниб шишиб кетишига (нажор) ҳамда тола илдизининг тери билан алоқаси бўшашига ва тола тўкилишига олиб келади. Бунинг олдини олиш учун суюқликда туз эритилиш йўли билан ачитқи зичлиги оширилиши лозим.

- суюқлик коэффиценти–ошлашга мўлжалланган қоракўл хомашёсининг бир вазн бирлигига тўғри келиши лозим бўлган сув миқдори бўлиб, у амалда 1:7, 1:10 нисбатни ташкил қилмоғи лозим. Суюқлик коэффицентиининг ўта паст бўлиши, яъни сув миқдорининг меъёридан кам бўлиши ошланувчи терилар орасига суюқликнинг жадал кириб боришини, ошланувчи териларни кўзғаб туришни қийинлаштиради, ўта юқори бўлиши эса ошланишнинг чўзилиб, туз, сув ва дон ёрмаси сарфининг ошиб кетишига олиб келади.

Яхши ошланган тери узоқ вақт давомида ўзининг ижобий хусусиятларини сақлаган ҳолда сақланиши мумкин, нисбатан енгиллиги, чиришга ва ҳар хил механик ҳаракатлар (зарба, буклаш, эгиш ва ҳоказо) га чидамлилиги туфайли ташиш учун қулай. Энг асосийси, тузлаб қуриштиш жараёнида издан чиққан товар хусусиятларининг тикланиши эвазига ошланган қоракўлни тўғри хиллаш енгиллашади.

Қоракўл териларини ошлашга тайёрлаш.

Қоракўлга ишлов берувчи йирик корхоналарда ошлаш жараёни «Ошлаш йўли билан қоракўл териларни консервалашнинг технологик харитаси» бўйича амалга оширилади.

Қорақўл териларини ошлашга тайёрлаш қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади:

а) ишлаб чиқариш партиясини тузиш ва вазнини аниқлаш. Бунинг учун қуйидаги кўрсаткичлар бўйича ўхшаш сифатли терилардан ошланувчи партия ташкил этилади:

- турлари бўйича - қорақўл, қорақўлча, тақир ва ёқабоп терилар;
- зотлилиги бўйича – Соф зотли ва дурагай терилар;
- тола қопламанинг ранги бўйича: қора, кўк, сур, рангдор ва ола;
- тери тўқимасининг қалинлиги бўйича – қалин мағзли ва юпқа мағзли терилар;
- навлар бўйича;
- иллатлилиги бўйича – меъёрли ва иллатли терилар.

Иллатлилиги бўйича яроқсиз, куйик жунли, толаси тўкила бошлаган терилар ошланмайди.

Ишлаб чиқариш партиясига киритилган териларнинг вазни хомашё тери омборида ўлчаб аниқланади. Ҳар бир ишлаб чиқариш партиясига хомашё омборхонаси ишлаб чиқариш паспорти тўлғазади.

Ишлаб чиқариш партиясини ўлчами мавжуд ускуналар ҳажми ва ошлаш қувватига, хомашё териларнинг вазнига ва суюқлик коэффициентига қараб белгиланади. Ана шуларни ва керакли ишчи эритмалар ҳажмини, кимёвий моддалар ва бошқа ашёлар сарфини ҳисоблаш учун хомашё териларнинг ўртача шартли вазни қуйидаги чегараларда олинади:

Хомашё терилар ўртача вазни

Хомашё номи	Тери тўқимаси қалинлиги	Тузлаб қурилган тери вазни, гр да
1.Соф зотли ва дурагай қорақўл	Қалин мағзли	400
2.Соф зотли ва дурагай қорақўл	Юпқа мағзли	320
3. Қорақўлча	Юпқа мағзли	160
4.Тақир	Юпқа мағзли	100

б) терини ивитиш - бундан мақсад тузлаб қуриштиш жараёнида нами ажралиб қуриб қолган тери тўқимасини намлаб янги шилинган ҳолати даражасига қайтаришдир. Бундан ташқари, ивитиш ва ювиш жараёнида терининг гўштпарда томонида қолган консерваловчи модда ва эрувчан оксиллардан, тола қопламида қолган лой, кум ва туз зарраларидан тозаланишга тайёрланади.

Бунда аввало баркасга терилар солинади, сўнгра сув солинади. Бунда суюқлик коэффициенти 1:7. сув ҳарорати ками билан 18⁰С бўлиб, 5-7 соат давом этади. 1-2 соатдан кейин ивитилган тери аралаштирилади, тола тўкилишининг олдини олиш учун сувга 1г/л ҳисобидан хлорли рух кукуни эритилади, сўнгра баркас парраклари 15 дақиқа давомида, кейин ҳар соатига 5 дақиқадан айлантириб терилар қўзғатилади.

в) терини ювиш – териларни ювиш ивитиш баркасининг ўзида бажарилади. Бунинг учун баркасдаги суюқлик коэффициенти 1:7, 18⁰С дан паст бўлмаган ҳароратли сув солинади. Териларнинг тоза ювилишига ёрдам берувчи ОП-10 кукуни 1г/л миқдорида баркасда эритилади, сўнгра ювилиши лозим бўлган терилар 1,5-2 соат давомида минутага 18-20 марта айланувчи парраклар ёрдамида

аралаштирилиб ювилади. Ювишнинг энг охирида баркасдаги терилар оқар сувда ювилади.

Қоракўлга ишлов берувчи йирик корхоналарнинг ошлаш цехига ўрнатилган баркасларнинг тузилишидаги айрим ўзига хосликлари туфайли уларни иккига, яъни ювиш ва ошлаш баркасларига бўлиш мумкин. Ювиш баркасларининг остки ички юзаси пастки дарчаларининг бўсағаси билан бир хил баландликда бўлади, чунки дарчалар очилиши билан баркасдаги сув ва қоракўл тўлиғича оқиб чиқиб кетиши керак. Ошлаш баркасларининг остки ички юзаси пастки дарчалари бўсағасидан бирмунча пастроқда жойлашган, чунки ошланган терилар ва ачитқи суюқлиги ташқарига чиқарилганда баркас тагида ишлатилган ачитқининг бир қисми галдаги ошлаш жараёнида хамиртуруш вазифасини ўташ учун қолдирилиши лозим.

Ювиш жараёни доимо масъул ходим назоратида бўлмоғи лозим ва бу жараён тугагач баркаснинг пастки чиқарув дарчаси очилиб, унинг ичидаги ювилган тери сув билан биргаликда металл симлардан ясалган чамбаракли кути (тельфер) га тўкилади. Суви оқиб кетгач, металл кутида қолган терилар кўтарилиб баркаслар олдидаги сал қия юзали супачага ўрнатилган ёғоч панжара устига суви оқиб кетиши учун уюм ҳолида ярим соатга қолдирилади.

г) ювилган териларни бирма-бир кўздан кечириб хиллаш (бракераж). Ошлаш жараёни кўнгилдагидек бориши учун қоракўл терилари тоза ювилган, ачитқи эритмаси тери тўқимасига сингиб кириши учун гўштпарда томони қирғичлаб тозаланган бўлиши лозим, ивитиш ва ювиш жараёнида яширин иллатлари юзага чиққан (толаси тўкилган, тери тўқимаси чириган ва хоказолар) териларни ошламасдан махсус технология бўйича ишлов бериш учун ажратиб олиш талаб этилади. Шу мақсадда ювилган териларнинг барчаси бирма-бир кўздан кечирилиб ошлаш учун яроқлилиқ даражаси аниқланади.

Ошлаш учун яроқлилиқ даражасига қараб ювилган терилар қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

- ошлаш учун яроқли гуруҳга тола қоплами тоза ювилган ва мағз томони қирғичлаб ёғсизлантирилган, нуқсонсиз терилар киритилиб, улар дарҳол ошлашга юборилади;

- қўшимча ишлов берилгандан кейин ошлашга юбориладиган терилар. Бу гуруҳга тола қоплами чала ювилган ва гўштпарда томони яхши ёғсизлантирилмаган иллатсиз терилар киритилади. Тола қопламида ифлосликлари қолган терилар такрор ювилганидан сўнг, гўштпарда томонида ёғ, мушак ва пай қолдиқлари қолган терилар қирғичлаб ёғсизлантирилганидан сўнг ошлашга юборилади;

- хавфли иллатлари туфайли ошлашга яроқсиз терилар. Бу гуруҳга тери тўқимаси идраб чириган, куйган, тола қоплами тўкилиб бошлаган, йиртилган ва синган терилар киради. Мағз қавати куйган, тола қоплами тўкила бошлаган терилар ажратилиб ҳар бир терининг гўштпарда томонига 1кг дан ош тузи сепиб 8-10 кун давомида такрор тузланади, кейин қуритилиб, омборга топширилади.

Тола қоплами энди тўкила бошлаган терилар асосий партия билан эмас, балки лаборатория назорати остида махсус усул билан ишловдан ўтказилади.

Йиртилган ва синган терилар тикиш машинасида тикилганидан сўнг ошлашга юборилади.

Ювилган териларни кўздан кечириш пайтида нуқсон аниқлагич (дефектоскоп)дан фойдаланиш яхши самара беради. Дефектоскопнинг тузилиши ва ишлаш тартиби оддий, баландлиги 45-70 см бўлган сал қия юзали стол тагига электр чироғи, устига эса шиша ромли экран ўрнатилган (экраннинг ўлчамлари энига 45-50 см, узунлиги 50-60 см). Тагидан электр чироғи ёниб турган шиша экран устига қўйилган терининг тола қоплами қалинлиги, толаси тўкилган майдонлар яққол кўзга ташланганлигидан иллатли териларни пайқаб олиш қўлай.

Қорақўлни ошлаш ва уни назорат қилиш.

Қорақўл терилари таркибида крахмали кўп, елимли моддаси (клейковина) нисбатан кам бўлган донлар ёрмаси ёрдамида ошланади. Амалда қорақўл териларини ошлашда сули, айниқса арпа ёрмасидан кенг фойдаланилади.

Юқорида таъкидланганидек, бижғиш, ачиш натижасида ачитки таркибидаги органик кислоталар миқдори маълум чегараларга етганидан кейингина ошлашни бошлаш мумкин. Бу учун албатта, ачитки суюқлиги ҳароратининг $+18^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлишини таъминлай оладиган ташқи муҳит ҳарорати (ками билан $+25+30^{\circ}\text{C}$) бўлиши шарт. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон шароитида териларни ошлаш энг иссиқ май-август ойларида ўтказилади.

Қорақўл териларини ошлаш жараёни ошловчи ачитки тайёрлашдан бошланади. Ошлашни бошлашдан бир сутка олдин ошлаш баркасининг $2/3$ қисми даражасида тоза сув қуйилади, сувга керакли миқдорда йирик заррали арпа уни ва туз аралаштирилади. Ачиткининг тез бижғишида баркас тагида илгариги ошлашдан қолган ачиткининг ҳамда ачитки ҳароратининг аҳамияти бекиёсдир. Ҳозирги кунда ошлаш жараёнини тезлатиш, ошлаш муддатини қисқартириш мақсадида ачитки таркибига 5 г/л гача сирка кислотаси ҳам қўшилмоқда.

Эртаси кун ачиткининг ошлаш учун тайёрлиги аниқланади. Бунда ачиткининг уч кўрсаткичи инобатга олинади:

а) ачитки юзасининг кўпикланиб, ундан ҳаво пуфакчаларининг ажралаётганлиги. Юқорида дон таркибидаги крахмалнинг бижғитувчи микроорганизмлар таъсирида моносахарид ва ҳоказо даражасигача парчаланиши, глюкозанинг эса органик кислоталар ва газсимон маҳсулотларга ажралиб кетажаги ҳақида сўз юритилганди. Демак, бижғиш натижасида ачиткида органик кислоталар ҳосил бўлиши қўшимча газсимон маҳсулотлар ажралиши билан бирга юз беради. Бу кўрсаткич кўз билан кўриб баҳоланади.

б) ачитки эритмасида ҳосил бўлаётган органик кислоталар ҳидининг бино ичига тарқалганлиги. Бу кўрсаткич ҳид билиш органлари ёрдамида аниқланади.

в) ачитки эритмаси таркибида ҳосил бўлган органик кислоталар миқдорини аниқлаш. Бу кўрсаткич ачитки суюқлиги намунасини 0,1 %ли (диценормал) ўювчи ишқор (KOH, NaOH) эритмаси ёрдамида титрлаш йўли билан аниқланади.

Ю.Н.Аронинанинг (1970) кўрсатишича, ачитки таркибидаги кислота миқдори 3-5 г/л га етганидан кейингина териларни ошлаш мумкин.

М.Д. Зокиров ва К. Каримовларнинг (1987) ёзишича, ачитки таркибидаги кислоталар миқдори 1,5 г/л гача етганидан, ачиткидан ҳаво пуфакчалари ажрала бошлагандан сўнггина ошлашни бошлаш мумкин.

«Қорақўл териларини ошлаш йўли билан консервалашнинг технологик харитаси»да кўрсатилишича, териларни ошлашга ташлаш пайтида ачитқидаги сирка кислотаси миқдори 1-1,5 г/л ни ташкил қилиши керак.

Иккинчи куни баркасга қўшимча ун ва туз солинади.

Б.А.Кузнецовнинг (1956) кўрсатишича, биринчи куннинг ўзида сарфланажак уннинг 70 фоизи, қолган қисми эса иккинчи ва учинчи кунлари баркасга солинади.

Ошлаш баркасларда бажарилганлигидан жараённинг боришини доимо назорат қилиб туриш талаб этилади. Ошлаш жараёнининг назорати 2 кўрсаткич бўйича, яъни ачитқида кислота миқдори ва ачитқи зичлиги бўйича олиб борилади.

а) ачитқидаги барча органик кислоталар миқдорини шартли сирка кислотасига айлантирган ҳолда титрлаш йўли билан аниқланади. Бунда ачитқидаги кислота миқдори ошлашнинг бошидан то охиригача дақиқаларигача муттасил тарзда ошиб бориши лозим.

Титрлашга сарфланган ишқор бўйича ачитқидаги кислота миқдорини аниқлаш

Сарфланган ишқор, см.кв	Кислота миқдори, г/л	Сарфланган ишқор см.кв	Кислота миқдори, г/л
0,1	0,06	5,00	3,00
0,15	0,09	5,50	3,30
0,20	0,12	6,00	3,60
0,30	0,18	6,50	3,90
0,35	0,21	7,00	4,20
0,40	0,24	7,50	4,50
0,45	0,27	8,00	4,80
0,50	0,30	8,50	5,10
0,55	0,33	9,00	5,40
0,60	0,36	9,50	5,70
0,65	0,39	10,00	6,00
0,70	0,42	10,50	6,30
0,75	0,45	11,00	6,60
0,80	0,48	11,50	6,90
0,85	0,51	12,00	7,20
0,90	0,54	12,50	7,50
0,95	0,57	13,00	7,80
1,00	0,60	13,50	8,10
1,50	0,90	14,00	8,40
2,00	1,20	14,50	8,70
2,50	1,50	15,00	9,00
3,00	1,80	15,50	9,30
3,50	2,10	16,00	9,60
4,00	2,40	16,50	9,90
4,50	2,70	17,00	10,20

М.Д. Зокиров ва К. Каримовларнинг (1987) кўрсатишларича, ачитқидаги кислота миқдори ошлашни биринчи куни 1-2 г/л ни, тўртинчи куни 4 г/л ни, охирги куни 12 г/л гачани ташкил қилиш керак. Мабодо ачитқидаги кислота миқдори мўлжалдан кам даражага кўпайса ёки умуман кўпаймаса у ҳолда ачитқига қўшимча арпа уни солиш лозим бўлади.

б) ачитқи зичлиги ундаги туз миқдорини билдиради ва бу кўрсаткич суёқлик зичлигини аниқловчи асбоб – ареометр билан ўлчанади. Ачитқи таркибига туз қўшишдан мақсад тери тўқимаси ичидаги юқори осмотик босим билан ачитқи суёқлигининг нисбатан паст осмотик босимлари ўртасидаги фарқ тери тўқимасига ачитқи суёқлигининг жадал киришига олиб келади. Бу эса тери мағзининг ҳилдираб шишиб кетишига, тери билан тола илдизининг боғланиши сусайишига, охир-оқибат тола тўкилишига олиб келиши мумкин. Бу ходисанинг олдини олиш учун ачитқи суёқлигининг осмос босимини ошириш талаб этилади ва шу мақсадда ошловчи эритмага ош тузи эритилади.

Зичлигига қараб ачитқидаги туз миқдорини аниқлаш

Ачитқи зичлиги	Ачитқидаги туз миқдори, г/л	Ачитқи зичлиги	Ачитқидаги туз миқдори, г/л
0,998	0	1,038	55
1,002	5	1,041	60
1,006	10	1,045	65
1,009	15	1,048	70
1,013	20	1,052	75
1,016	25	1,055	80
1,020	30	1,059	85
1,023	35	1,062	90
1,027	40	1,066	95
1,030	45	1,069	100
1,034	50	-	-

Ошлаш жараёнининг боришини назорат қилиш учун ҳар куни баркасдаги ачитқи эритмасидан 150-200 мм миқдорида намуна олиб унинг таркибидаги органик кислоталар миқдори титрлаш йўли билан ва эритма зичлигига қараб туз миқдори аниқланади.

Б.А.Кузнецов (1956), М.Д.Зокиров ва К.Каримовларнинг (1987) кўрсатишларича, ошлаш кўнгилдагидек борганида ачитқидаги кислота ва туз миқдори қуйидагича ўзгариб бориши лозим.

Ошланиш кунлари	Ачитқидаги кислота миқдори		Ачитқидаги туз миқдори	
	Титрлашга сарфланган КОН, мм ³	Кислота миқдори, г/л	Ачитқи зичлиги	Туз миқдори, г/л
Ошлашнинг биринчи куни	1,0-3,0	1-2	1,020	30

Ошлашнинг тўртинчи куни	5,0-6,5	3-4	1,021-1,027	30-40
Ошлаш охирида	17	10,2	1,027-1,034	40-50

Ошлаш давомида ачитқи таркибининг ўзгариши

Ошлаш жараёнида терилар ҳар куни 5 дақиқа давомида 4-5 мартадан баркас парраклари ёрдамида аралаштирилиб турилади. Ошлашнинг еттинчи кундан бошлаб ҳар куни териларнинг ошланганлик даражаси қуйидаги кўрсаткичлар бўйича аниқлаб турилади:

1. Тери тўқимасининг юмшаб чўзилувчан бўлиши.

2. Тери мағзининг гўштпарда томонидан тери ости клетчаткасининг осонгина шилиниб ажралиши.

3. Тери тўқимаси билан тола илдизи ўртасидаги боғловчи алоқанинг бўшашганлиги туфайли тери қўлтиқларида сийрак ўсувчи толаларнинг осонгина суғирилиб кетиши.

4. Тери мағзи юзаси бўйлаб босиб ўтказилган тирноқ изларида оқ чизикча ёки тўрт буклаб қаттиқ қисилган терида «+» ёки «Х» симон оқ чизикчалар пайдо бўлиши. Оқ чизикчалар (сушинка) тахминан 1-2 дақиқагача сақланиб туради ва кейин йўқолиб кетади.

5. Ачитқи эритмасидаги кислота миқдорининг 10,2-11 г/л га етганлиги

М.Д. Закиров ва К. Каримовларнинг (1987) кўрсатишларича, тери тўқимаси билан тола илдизи ўртасидаги боғланишни мустаҳкамлаш, ачитқи таркибида кислота миқдорининг кўпайишини тўхтатиш мақсадида ошлаш тугатилишига 1-2 кун қолганида ачитқига анча миқдорда туз солиниб, унинг миқдори 100 г/л гача етказилади.

Умуман олганда қорақўл териларнинг ошланиш жараёни 8-12 сутка давом этиб, бир дона қорақўлни ошлаш учун ўртача 300 г дан арпа уни ва 240 г дан ош тузи сарфланишини таъкидлаш лозим.

Қорақўлни консервалашнинг ошлаш усули қатор ижобий томонларига қарамадан қатор камчиликлардан ҳам ҳоли эмас:

1. Ошлаш жараёнини назорат қилишнинг қийинлиги, ошлаш баркасида бўлаётган жараёнлардан тўлиғича воқиф бўлишнинг иложи йўқлиги;

2. Ошлаш учун қимматли озиқа маҳсулоти ҳисобланган арпа донининг кўп сарфланиши;

3. Ошлаш жараёнининг муҳит омилларига, хусусан ҳаво ҳароратига кўпроқ боғлиқлиги;

4. Ошлаш жараёнининг нисбатан узоқ муддат (8-10 кун) давом этиши;

5. Ошлаш жараёнида орттирилган қатор ижобий хусусиятларининг доимий эмаслиги, яъни ошланган қорақўл терилари ва улардан тикилган буюмлар ноқулай муҳит шароитларига тушган пайтларда эгилувчанлик, қайишқоқлик каби хислатларини йўқотиб қўяди, буюмлар эса шаклини ўзгартириб қинғир-қийшиқ ҳолатга тушади. Бундан ташқари, ошланган қорақўл териларини терихўр қўнғизлар, куя личинкалари хуружига учраш эҳтимоли юқори.

Кейинги йилларда ошлаш жараёнини такомиллаштириш борасида қатор ишлаб чиқариш тадқиқотлари ўтказилиб сезиларли самараларга эришилди.

Ўтган асрнинг 60-йилларида мўйначилик саноати илмий-тадқиқот институтининг олим ва мутахассислари қорақўл териларини ошлашнинг такомиллаштирилган технологиясини яратишди. Бу технология бўйича қорақўл терилари илгаригидек 8-10 кун давомида эмас, балки 96 соат ичида (4кун) ошланиб бўлади, чунки ачитқининг бижғишидан ҳосил бўлувчи органик кислоталар ёнига тайёр сирка кислотаси ҳам қўшилади.

Бу усулни ошлаш– пикеллаш усули деб ҳам аташади. Бунда арпа ёрмаси 50 г/л гача, ош тузи 70 г/л гача ва сирка кислотаси 5г/л гача сарфланади. Бошқача сўз билан айтганда ошлаш баркасига 5000 л сув қўйиладиган бўлса, терини ошлаш учун унга 250 кг арпа ёрмаси, 350 кг ош тузи ва 25л сирка кислотаси сарфланади. Илгариги, анъанавий усул билан ошлаганда арпа ёрмаси сарфи 500 кг ни, ош тузи сарфи 500 кг ни ташкил қилган бўларди.

Бунда биринчи куни баркасининг $\frac{1}{4}$ қисмигача сув қўйилиб, унга арпа ёрмаси аралаштирилади.

Иккинчи куни сув миқдори мўлжал даражасигача етказилади, 20 г/л миқдорида туз эритилиб аралаштирилади, кейин ачитқидаги кислота ва туз миқдори аниқланади, мабодо кислота миқдори 1,5 г/л ни ташкил қилса терилар ошлаш учун баркасга ташланади. Терилар баркасга тушганидан 8-10 соат ўтгач, 3 г/л миқдорида сирка кислотаси ва 20г/л миқдорида ош тузи ачитқига аралаштирилади.

Учинчи куни ачитқига 2 г/л миқдорида сирка кислотаси қўшилиб унинг умумий миқдори 5 г/л гача етказилади.

Тўртинчи куни сирка кислота миқдори 6 г/л гача, ош тузи миқдори 70 г/л гача етказилади. Ошлаш бошланганидан 96 соат ўтгач терилар баркасдан чиқарилади. Баркас парраклари тери баркасга тушган пайтида ва кислота қўшиш пайтида 20 дақиқа, бошқа пайтлари эса ҳар 8 соатда 5 дақиқага ҳаракатга келтирилади.

К.Я. Хамидбаев ва С.А.Алимбековлар (1984) қорақўлни ошлаш-пикеллаш йўли билан консервалашнинг бошқачароқ усулини таклиф қилишди. Бу усулда ошловчи моддалар сарфи қуйидагича бўлади:

Арпа ёрмаси 84 г/л

Сирка кислотаси 6 г/л

Эски ачитқи 80 г /л

Ош тузи 100 г/л

Териларни ошлаш-пикеллаш жараёни қуйидагича бажарилади:

Баркасга 5м³ сув мулжаллаб 84г/л миқдорида арпа ёрмаси, 80 мл/л миқдорида эски ачитқи, 20 г/л миқдорида ош тузи солиниб кейин сув қўйилади. 24 соат ўтгач бижғиши эвазига ачитқидаги кислота миқдори 1,0-1,5 г/л га етиши биланоқ баркасга ошланадиган терилар солинади ва ҳар куни ачитқига 1г/л дан сирка кислотаси қўшиб борилади. Ошлашнинг олтинчи куни ачитқидаги кислота миқдори 6-7г/л гача етади, еттинчи куни баркасга 80 г/л миқдорида ош тузи солиниб, унинг умумий миқдори 100 г/л гача етказилади, ачитқидаги кислота миқдори аниқлангач, ошланаётган терилар баркасдан чиқарилади. Бу усулда ошлаш муддати 3-4 кунга, арпа ёрмаси сарфи 30% га камаяди.

Ошлаш учун сарфланувчи ашёлар сарфи ҳар хил терилар учун турличадир, табиийки, сатҳи кичик, юпқа мағз қоракўлча гуруҳи терилари учун улар анча кам бўлади.

Е.Ф. Букина (1971) қоракўлча териларини ошлашнинг тежамкор, такомиллашган услубини таклиф қилди. Бунда биринчи куни баркасга арпа ёрмаси меъёрининг 10-15% солиниб, ачитилади ва 24-36 соат ўтгач ошлаш бошланади. Бу пайти ачитқига 25 г/л туз ва 70% арпа уни солинади, иккинчи куни ачитқидаги туз миқдори 45 г/л гача етказилиб, арпа унининг қолган 15-20% солинади. Ошлашнинг охирида (ошлашнинг 5-6 кунлари) ачитқи кислоталиги 5-6 г/л ни, тугалланганида эса 7 г/л ни ташкил қилиши лозим. Мабодо тола тўкилиш хавфи туғилса, ачитқидаги туз миқдори 55 г/л гача етказилиши лозим бўлади.

Ошлаш тугатилгач, ачитқидаги туз миқдори 70 г/л га етказилиб, 36 соат ушлаб турилади.

Ошланган тақир тери 2-2,5 соат ағдарилмай қуритилса, қоракўлча 2,5-3 соат давомида фақат бир марта ағдариб қуритилади холос.

Янги ошлаш усулини қўллаш сув сарфини 20% га, ошлаш муддатини 2 суткага, ош тузи сарфини 30% га, арпа ёрмаси сарфини 10% га, териларнинг қуритилиш вақти ўртача 45% га тежаш имконини берган.

Муаллифнинг эътироф этишича, тажриба гуруҳи териларининг товар кўриниши нисбатан чиройлироқ, сатҳи йирикроқ, тери тўқимаси чўзилувчан ва юмшоқроқ бўлган. Кичикроқ ишлов бериш корхоналарида ушбу усулдан фойдаланиш маҳсулот сифатига ижобий таъсир қилиши тайин.

Ошланган қоракўл териларини пардозлаш.

Териларни қуритиш Таркибида 70% ва ундан ҳам кўпроқ намлик мавжуд бўлганлигидан ошланган қоракўл терилари албатта қуритилиши шарт.

Ошланган қоракўл терилари баркаслардан чиқарилгач икки хил усулда қуритилади: а) очик ҳавода б) иссиқ ҳаво ёрдамида мажбурий қуритиш.

Очик ҳавода қуритиш азалдан қўлланиб келинган анъанавий қуритиш усули ҳисобланади. Қуритиш ишлари тупроқлари зичланган текис майдонларда қуйидаги тартибда амалга оширилади. Ошланган терилар бир чизикли қатор бўйлаб гўштпарда томонини юқорига қаратган ҳолда икки ишчи иштирокида ёйиб чиқилади. Бунда бир ишчи терининг белидан пастки қисмини кўпроқ энига чўзган ҳолда, шакл бериб, дум ва орқа оёқ териларини текислаб ёйса, иккинчи ишчи терининг белидан юқори қисмини узунаси ва энига чўзиб шакл беради, олдинги оёқлар ва бош териларини текислаб ёйди.

Қуритиш ишлари эрта тонгдан бошланади, чунки қуёш нурлари ҳавони тоза қиздиргунича теридаги намликнинг асосий қисми чиқиб улгуриши керак. Мабодо қуритиш ишлари ҳаво қизиганидан кейин бошланса тери гўштпарда томонининг юз қисми тез қуриб намликни чиқармайдиган ўзига хос парда ҳосил қилади, натижада тери тўқимаси ичидаги намлик ажралиб чиқа олмайди, бу эса салбий оқибатларга олиб келиши тайин. Қуритиш бошланганидан 2-2,5 соатлар ўтгач, терилар гул томонини юқорига қаратган ҳолда ағдариб ёйилади. Шу тарика терилар яна 1-2 марта ағдариб қуритилади.

Одатда териларнинг юпқа мағзли қисмлари (боши, оёқлари, қўлтиқлари, четлари) эртароқ, сал қалинлашган қисмлари (ёнбошлари, думи, бўйни) сал

кейинроқ, энг мағзли қисмлари (елка қирраси, бели, айниқса сағриси) энг охирида қурийд. Умуман қоракўлнинг қуриш даражасини назорат қилиш терининг гўштпарда томонига қараб олиб борилади.

Қуритиш ишларини терининг барча қисмлари қовжираб қуришини кутмасдан, балки сағри қисмида тахминан 8-10 см² ли нам оролча қолганида тўхтатиш лозим.

Қуритишнинг бу усулини қўллаш осон ва қулай, аммо айрим камчиликларга ҳам эга:

1. Қуритиш жараёнининг об-ҳаво инжиқликларига боғлиқлиги, яъни қуритиш учун ёғингарчиликсиз ҳаво ва иссиқ ҳароратнинг ҳаводек зарурлиги.

2. Кўп микдорда қўл меҳнатининг талаб этилиши.

3. Ишчиларнинг оғир иқлим шароитида меҳнат қилиши, яъни қуритиш жараёнининг асосий қисми тик тушувчи қуёш нурлари ва жазирама иссиқ остида бажарилиши.

4. Тупроқли майдонларда қуритилган қоракўл терилар тола қопламанинг қум, лой, тупроқ зарралари билан, шамол билан кутарилган чанг ва бошқа хил ифлосликлар билан ифлосланиш хавфининг мавжудлиги.

Иссиқ ҳаво билан мажбурий қуритиш. Ошланган қоракўлни қуритишнинг бу усули Козоғистон жумҳуриятининг Чимкент шаҳридаги қоракўлга ишлов бериш заводида жорий қилинганди.

Қуритишнинг бу усули ошланган қоракўлнинг иссиқ ҳаво юборувчи калориферлар ўрнатилган мосламалар ёрдамида қуритилишига асосланган. Бу мослама бир неча ёпиқ бўлмалардан иборат бўлиб, бўлмалар ичига конвейер усулида ҳаракатланувчи терини ташувчи рамалар жойлаштирилган. Қуритиш жараёнида қоракўл юзасининг ортиқча киришмаслиги, терига берилган шаклнинг сақланиб қолиши, рамкадан тушиб кетмаслиги учун терилар четининг 8-10 жойидан махсус қистирғичлар билан ромларга бекитилади ва бу ромлар калорифер берадиган иссиқ шамол айланиб юрадиган йўналиш бўйлаб 14 соат давомида махсус занжирли тасма ёрдамида айланиб чиқади.

Қуритиш агрегати усти ёпиқ бино ичига қурилганидан об-ҳаво инжиқликлари қуритиш жараёнига зиғирча ҳам ҳалақит бера олмайди. Бунинг устига асосий қуритиш жараёнлари механизациялаштирилганлиги туфайли қўл меҳнатига деярли ўрин қолмайди, қуритиш ишлари агрегатнинг ёпиқ бўлмаларида бажарилганлиги учун қоракўлнинг ортиқча ифлосланмайди, ишчилар тоза, қулай шароитларда меҳнат қилишади.

Қуритиш агрегатининг тери ташувчи занжирли тасмаси ҳар 4 соатда ёпиқ доира бўйича бир маротаба айланиб ромларга бекитилган терини қурилади. Агрегатнинг қуритиш қуввати суткасига 3600 дона терини ташкил қилади.

Қуритилган териларни совутиш. Очик ҳавода қуритилган қоракўл терилари совутиш учун йиғма айвон тагига сал қия ҳолида териб чиқилади. 1-1,5 соат ўтгач терининг қовжираб қуриган қисмлари атроф ҳавосидан нам олиб юмшаши учун 1,5-2 суткага дасталаб (штабелларга) териб чиқилади.

Тери четларини текислаш (резга) – ошланган тери четларида буртиб чиққан ортиқча қисмларини кесувчи машиналарда кесиб олиш йўли билан қоракўлга силлиқ мутаносиб шакл берилади. Бунда қоракўлдаги мойак халтаси, қулоқлари, пастки лаби, бўйин атрофи, олдинги қўлтиқ орти, сон орқаси бўртмалари қирқиб

олинади. Қирқиб олинган қийтиқ ва парчалар кейин фойдаланиш учун йиғнаб олинади.

Териларни тозалаш – ошлаб қуритилган қоракўлнинг тола қоплами ачитқи қолдиқларидан, чангдан махсус тозалаш машиналарда икки босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқич – териларнинг тола қопламли томонини савалаш йўли билан гуллар орасига кириб қолган ачитқи кепаци, чанги сиртга чиқарилади. Тозаловчи машинанинг айланувчи валига учи металл қоплагичли қаттиқ резинадан ясалган калта тасмачалар бир неча қатор қилиб бекитилган. Машина вали катта тезлик билан айланиб унинг тагидаги столга узатилган терини савала бошлайди. Терининг йиртилмасдан, текис саваланишида айланувчи вал билан пастки ҳаракатсиз стол ўртасидаги оралиқ масофа катта аҳамият касб этади, чунки оралиқ масофа ўта тор бўлса тозаланаётган тери йиртилиши мумкин, ўта кенг бўлса терининг чанги қоқилмай қолади. Оралиқ масофа кенглиги машинанинг пастига ўрнатилган оёқ педали ёрдамида назорат қилинади.

Иккинчи босқич - савалаш жараёнида тола қопламидан ажралган ачитқи қолдиқлари, кепак ва чангни чўтка билан тозалаб олиш. Бунда айланувчи валига чўткалар ўрнатилган машинадан фойдаланилади. Чўткалаб тозалаш давомида ажралувчи ифлосликлар ва чанг шу машинкага ўрнатилган шамол хайдовчи вентиляторлар ёрдамида ташқарига чиқариб юборилади. Бу машинада ишловчи ходим одатда иккита қоракўлни «гўшт пардасини – гўшт пардасига» қилиб жуфтлаб ушлаб, аввало, биринчи терининг, кейин иккинчи терининг гуллик томонини тозалаш учун машинага узатади. Бу машинкада ҳам айланувчи вал билан ҳаракатсиз пастки столнинг оралиқ масофасини пастга ўрнатилган оёқ педали билан меёр даражасида ушлаш талаб этилади, акс ҳолда ёки тери йиртилади, ёки тери тўлиғича тозаланмай қолади.

Таъмирлаб териларни тикиш. Тозалаш пайтида қоракўл териларнинг ҳаммаси бирма-бир қўлдан ўтказилгани учун йиртиқ, айрим қисмлари юлинган ва бошқа таъмир талаб терилар ажратилиб махсус тикиш машиналарида тикиб, таъмирланади.

Қоракўл териларига дам бериш. Қоракўл териларини ошлаш, қуритиш, айниқса тозалаш пайтида тери юзасидаги қоракўл гуллари тўзғаб асл шаклини йўқотиб қўяди. Шу сабабли тозаланган қоракўл терилари дарҳол хилланмайди.

Қоракўл тери товаршунослиги амалиётида тола қоплами зичлашиши, гулларнинг асл ҳолатини ва кайишқоқлигини тиклаши, мағз томонининг текисланиши ҳамда таркибидаги намлик миқдорининг атроф-муҳит намлиги билан тенглашиши учун ошланиб тозаланган қоракўлга дам берилади.

Бунда тозаланган қоракўл терилари омборхона ичида ёғоч пиллапоя устига «гулини-гулига» қилиб бир метргача баландликда тахлаб чиқилади ва устига оғир юк қўйиб, ками билан 72 соатга бостириб қўйилади ва

Мўлжалдаги вақт давомида дам берилган териларни бемалол хиллайвериш мумкин.

Мавзу: Ошлаш жараёнида қоракўл хусусиятларининг ўзгарувчанлиги

Режа:

1. Қоракўл вазни ва мағз қалинлигининг ўзгарувчанлиги
2. Қоракўл сатҳининг ўзгарувчанлиги
3. Қоракўл нинг тола қоплами ўзгарувчанлиги
4. Қоракўлнинг гул сифатининг ўзгарувчанлиги
5. Қоракўл навининг ўзгарувчанлиги

Таянч иборалари: тери вазни, терининг андозавий ўлчами, толалар узунлиги, мағз қалинлиги, сағри, елка қирраси, ёнбошлари, гул шакли, гулнинг жингалакланиши, толалар зичлиги, сатҳ киришиши, навлар ўзгариши, шаклдорлик, расм аниқлиги, тола узунлиги

Қоракўл олиш мақсадида сўйилган кўзилардан олинган товар териларга шу вақтда шу жойнинг ўзида саноат ишлов беришнинг имкони бўлмаганлигидан тузлаб қуритиш йўли билан консервалаш одат тусига кирган.

Тузлаб қуритиш йўли билан консерваланган териларда қоракўлга хос табиий товар хусусиятларнинг анча қисми ўзгаришларга учрайди, жумладан, толалар сиртининг туз зарралари билан қопланиш эвазига тола қопламининг ипаксимонлиги ва ялтироқлиги пасаяди, тери тўқимаси дерма қаватининг ретикуляр ва пилляр қатламлари ҳолатининг бир-бирига номутаносиб тарзда силжиши натижасида қоракўл гулларини ҳосил қилувчи толалар илдизининг жойлашиш ҳолати, тери юзасига нисбатан қийшиқлик бурчаги ўзгаради, бу эса гул шаклига, сифат кўрсаткичларига ўз таъсирини кўрсатади. Ошлаш жараёнида қоракўл териларининг қатор товар хусусиятлари маълум чегараларда ўзгаришларга учрайди. Бир сўз билан айтганда тузлаб қуритиш жараёнида қоракўл сифатининг табиий ҳолати мажбурий тарзда издан чиқарилса, ошлаш, ийлаш, бўяш йўллари билан йўл қўйилган бу камчилик аста-секин тузатилади.

а) қоракўл вазнининг ўзгарувчанлиги. Қоракўл вазни катта товар ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган кўрсаткич ҳисобланади. Тузлаб қуритилган қоракўл терисининг вазнини тери тўқимаси қаватлари ва тўқима ичи суюқлиги, консервалаш жараёнида тўқима ичига сингиб кирган туз эритмаси, тола илдизи, тери сиртига ўсиб чиққан тола ўқи, тола сиртига ёпишган мойли тери ва бошқа ёт ифлосликлар оғирлиги ташкил қилади.

М.Д.Зокиров ва К.Каримовларнинг(1987) кўрсатишларича, терининг вазни қоракўлнинг сатҳ ўлчамига, тери тўқимасининг қалинлигига, тола қопламининг зичлигига, узунлигига, тери тўқимасига сингиб кирган туз эритмаси миқдорига боғлиқ бўлади.

Ошлаш жараёнида қоракўлнинг вазни сезиларли даражада ўзгаради ва бунга қуйидаги омиллар сабабчи бўлади:

-ивитиш ва ювиш натижасида консерваловчи модда – ош тузи, чанг ва тупроқ, қотиб қолган қон излари ва эрувчан оксил қоракўлнинг тери тўқимаси ва тола қопламидан ажралади. Ошлаш давомида ачитқида эритилган тузлар, айниқса ошлаш тугатилиши арафасида баркасларда эритиладиган тузлар тери тўқимасига сингиб киради, бироқ бу тузлар миқдори тузлаб қуритишда қоракўлга сингдириладиган туз миқдоридан анча камдир. Ошланган қоракўл мағзига

сингдирилган туз вазнининг камайиши, ифлосликлар, қон зарралари ва эрувчан оксилларнинг ювилиб кетиши эвазига тери вазни енгиллашади;

-тери тўқимасига ошловчи ачитқининг сингиб, қуритишдан сўнг ўша ерда қисман қолиши, тери гўштпардасига ачитқи елими ва кепакларнинг, тола қопламига эса ачитқининг суркалиб қолиши қоракўл вазнини бирмунча оширади;

-ошланган қоракўлнинг ҳаводан намликни анча кам тортиб олиши сабабли тери тўқимасида сақланувчи намлик миқдори камайиши эвазига тери вазни енгиллашади;

-ошлаш жараёнида қоракўл мағзининг гўштпардаси (тери ости клетчаткаси) шилиниб ажралиши эвазига тери вазни енгиллашади.

М.Д. Зокировнинг (1987) фикрича, ошланган қоракўл вазнини тери тўқимаси ҳамда тола қоплами, унга сингиб кирган туз ва ачитқи қолдиқлари ташкил қилади. Қоракўл вазнининг ишлов бериш босқичидаги ўзгарувчанлиги тери навига қараб ҳар хил бўлар экан. Буни қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин:

Ҳар хил нав қора ранг қоракўл вазнининг ишлов бериш жараёнида ўзгарувчанлиги (М.Д. Зокиров ва К. Каримов маълумотлари, 1987)

Навларнинг номи	Қоракўл вазни, граммларда			
	Янги шилинган ҳолда	Тузлаб қуритилганда		Ошланганда тузлаб қуритилганига нисбатан, %
		гр	янги шилинган ҳолатига нисбатан, %	
Жакет I	402	242	60,2	70,7
Қалин жакет	648	356	54,9	59,3
Москва жакети	324	214	66,1	59,8
Кирпук	336	218	64,9	61,0
Ўсиқгулли қалин I	796	386	48,5	61,7
Қобирғасимон юпка I	506	279	55,1	54,8
Қобирғасимон қалин I	732	343	53,7	58,3
Ясси юпка I	381	223	58,5	53,8
Ясси қалин I	652	328	50,3	54,3

Бу жадвал маълумотлари қалин мағзли қоракўл навларида вазн йўқотиш кўпроқ бўлганлигини кўрсатмоқда.

Р.Х.Рўзимуратовнинг Жиззах вилоятидаги «Боғдон» (илгариги С.М.Киров номли) наслчилик заводида қора ва сур қўзилар терисининг ишлов бериш жараёнида ўзгарувчанлигини ўрганиш бўйича ўтказган тадқиқотлари натижалари ҳам қоракўл вазнининг ишлов бериш давомида ўзгаражани кўрсатди.

б) Мағз қалинлигининг ўзгарувчанлиги. Тери тўқимасининг қалинлиги дейилганда эпидермис, дерма ва тери ости клетчаткаси қаватлари қалинлигининг йиғиндиси тушунилади.

Қоракўл тери товаршунослигида тери қалинлигини аниқлашнинг бир неча усуллари мавжуд:

а) қалинликни ўлчовчи асбоб (толщемер, мм лик лупа, Б.Ф. Церевитинов намуна олгичи) лари ёрдамида қалинликни ўлчаш. Бунда терининг таркибий қатламлари қалинлиги йиғиндисидан мм. ларда ўлчаниб, бунга тола қоплами баландлиги кирмайди;

б) тик кесими бўйича терининг ички қатламлари (эпидермис, дерманинг пияр ва ретикуляр қатламлари) қалинлиги микроскопик йўл билан микрометрларда ўлчаниб, бунга тери ости клетчаткаси қатлами қалинлиги кирмайди. Бу усул кўп меҳнат ва вақт ҳамда моддий сарфлар талаб қилганлигидан фақат илмий-тадқиқот мақсадлари учунгина қўлланилади, холос;

в) қорақўл тери қалинлигини органолептик йўл билан аниқлаш - энг асосий ва энг кўп қўлланиладиган усул ҳисобланади, чунки хиллаш пайтида қорақўл териси бирма-бир кўздан кечирилиб тола қоплами гуллари сифати ҳамда тери қалинлиги аникланади.

М.Д. Зокиров ва К. Каримовларнинг (1987) кўрсатишларича, янги шилинган қорақўлнинг қалинлиги тузлаб қуриштиш жараёнида 12-15% га юпқалашади ва бунга терига туз эритмаси сингиб, у ердаги сувни сиқиб чиқариши эвазига тери тўқимасининг бирмунча зичлашуви сабабчидир. Муаллифларнинг маълумотларига кўра, янги шилинган қорақўлнинг қалинлиги 1,12 мм ни (100%) ташкил қилса, бу кўрсаткич тузлаб қурилган териларда 0,98 ммни (87,5%), ошланган териларда 0,78 мм ни (79,6%) ташкил қилади.

Р.Х.Рўзимуродов қора ва сур ранг қорақўл терилар қалинлигининг ишлов бериш жараёнларида кўпроқ ўзгарувчанлигини аниқлади.

Сатҳ ўлчамининг ўзгарувчанлиги. Қорақўлнинг бу кўрсаткичи ўта муҳим товар хусусият ҳисобланади, чунки қорақўлнинг ўлчами қанча йирик бўлса, буюмни тикишга сарфланадиган тери сони ўшанча кам бўлади.

Қорақўл тери товаршунослигида терининг тўлиқ ва андозавий сатҳ юзаси фарқланиб, кенг амалиётда қорақўлнинг андозавий ўлчами асосий ҳисобланади.

М.Д. Зокиров ва К. Каримовларнинг (1987) кўрсатишларича, қорақўл тўлиқ юзасининг 70 фоизи андозавий юза ўлчамига тўғри келар экан.

Шу айтилганлардан келиб чиқиб муаллифлар қорақўлнинг тўлиқ юзасини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиладилар:

$$C_T = (C_{\text{анд}} \times 30\%) + C_{\text{анд}}$$

Бу формулада C_T - қорақўлнинг тўлиқ юзаси

$C_{\text{анд}}$ - қорақўлнинг андозавий юзаси

Ивитиш, ювиш ва ошлаш жараёнида қорақўл мағзи ҳар томонга, айниқса, энига чўзила олиш хусусиятига эга бўлади. Шу туфайли ошланган қорақўлни қуриштиш олтидан шакл бериш мақсадида терини узунасига, айниқса, энига чўзиш пайтида унинг ўлчами бирмунча ошади, лекин қуриштиш жараёнида бу ўлчам қисқаради, яъни киришади.

М.Д.Зокиров ва К.Каримовларнинг (1987) маълумотлари бўйича, усти очик қуриштиш майдончаларида қуёш нурлари остида қурилган териларда сатҳ киришиши 11 фоизни, худди шунақа майдоннинг сояли жойида қурилганда 7,2 фоизни, механик усул билан ромларга ёпиштириб қурилганда 2 фоизни ташкил қилади. Қуриштиш пайтидаги ҳаво ҳарорати ҳам қорақўл юзасининг киришишига сезиларли таъсир қилар экан. Масалан, 18-24⁰С ли ҳаво ҳароратида қурилган

тери юзаси тузлаб куритилган ҳолатига нисбатан 6,6 фоизга, 26-34⁰С да 11 фоизга, 32-41⁰С да 14,4 фоизга ва 39-49⁰С ли ҳаво ҳароратида 15,9% га қисқариши мумкин. Олимларнинг фикрича қорақўл юзасининг қисқариши куритиш пайтида молекулалараро боғламлар ҳолатининг ички ўзгариши ҳисобига юз беради.

Ишлов бериш жараёнида қора ранг қорақўл юза ўлчамининг ўзгарувчанлиги (М.Д.Зокиров ва К.Каримов маълумотлари, 1987)

Навларнинг номи	Янги шилинган, см ²	Тузлаб куритилган		Ошланган
		см ²	Янги шилинган ҳолга нисбатан, %	Тузлаб куритилганга нисбатан, %
Жакет I	1378	1309	94,9	94,9
Қалин жакет	1693	1523	90,0	92,5
Москва жакети	1221	1142	94,1	94,7
Кирпук	1218	1176	96,6	94,1
Қалин ўсиқгулли I	1798	1607	89,3	88,2
Юпка қобирғасимон гулли I	1341	1245	92,8	91,6
Қалин қобирғасимон гулли I	1662	1502	90,4	90,7
Юпка ясси гулли I	1259	1201	95,4	96,7
Қалин ясси гулли I	1537	1432	93,2	92,8

Бу жадвал маълумотлари ошлаш жараёнида юпка мағз навларда (Жакет I, Кирпук, Қобирғасимон юпка I ва Яссигулли юпка I) юза киришиши атиги 10 фоизни ташкил қилганлигини, қалин мағз навларда (қалин жакет, Ўсиқгулли қалин I, Қобирғасимон қалин I каби навлар) эса 16-18 фоизни ташкил қилганлигини кўрсатмоқда.

Қорақўл тола қоплами хусусиятларининг ўзгарувчанлиги.

а) қорақўлда толалар узунлиги. Қорақўлнинг бу кўрсаткичи муҳим товар хусусият ҳисобланади, чунки хомашёнинг тури, терининг сифати кўп жиҳатдан тола узунлигига боғлиқ бўлади.

Ишлов бериш жараёнида қорақўл терисида ўсган толалар узунлигининг ўзгаришини ўрганган муаллифлар бир фикрга кела олишган эмас. Бир гуруҳ олимлар тузлаб куритиш ва ошлаш жараёнида қорақўл толаларининг узунлиги ўзгаришсиз қолади десалар, бошқалари толалар узунлиги озроқ бўлса-да узаяди, учинчилари эса толалар узунлиги салгина қисқаради, дейишади.

Р.Х.Рўзимуратовнинг маълумотлари янги шилинган терилардаги тола узунлиги тузлаб куритилганда ҳам, ошланганда ҳам оз-оздан қисқариб боришини кўрсатди.

Қорақўлда тола узунлигининг ишлов бериш жараёнида ўзгарувчанлиги

Тери ранги	Сони	Ишлов бериш босқичлари					
		Янги шилинган,	Тузлаб куритилган		Ошланган		
		Тола узунлиги, да	Тола	Янги шилинга терига нисбатан % да	Тола узунли мм	Янги шилинганга нисбатан, да	Тузлаб куритилганга нисбатан, % да
қора	271	8,99	8,89	98,9	8,49	94,4	95,5
сур	305	9,95	9,91	99,6	9,24	92,8	93,2

Бу жадвал маълумотлари барча гуруҳ ва рангдаги қорақўлда толалар узунлиги қисқарган ва бу ўзгариш қора рангли қорақўлда энг кам бўлиб (янги шилинган терилар тола узунлигига нисбатан тузлаб куритилганда 1,1% га, ошланганда эса 4,5% га калталашган), сур ранг териларда – мос тарзда 0,4 ва 6,8 фоизга калталашган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, тажрибадаги қорақўлнинг янги шилинган ва ошланган ҳолдаги тола узунликлари ўртасидаги мавжуд фарқлар статистик ишонарли бўлмаганлигидан ишлов бериш жараёнида қорақўл терилардаги тола узунлиги деярли ўзгармайди, деган хулосага келиш мумкин.

б) қорақўл тола қоплами ипаксимонлиги ва ялтироқлигининг ўзгарувчанлиги. Тола қопламининг ижобий ипаксимонлиги ва ялтироқлиги Соф зот қорақўл териларини бошқа мўйна ва мўйнабоп терилардан фарқ қилдирувчи белгилари ҳисобланади.

Янги шилинган терини тузлаб куритиш йўли билан консервалаш жараёнида толалар сиртига ёпишган ҳар хил ёт ифлосликлар ва эриган туз зарралари эвазига тола қопламининг ипаксимонлиги дағаллашади, ялтироқлиги хиралашади. Ошлаш арафасида ивителиб, ювилган қорақўлнинг тола қоплами ана шу ифлосликлардан тўлиғича тоза бўлади, шунинг эвазига унинг сифати яхшиланади.

Шу муносабат билан М.Д.Закиров ва К.Каримовлар (1987) қуйидагиларни ёзишган: «Ошлаш жараёнида тола қопламининг ипаксимонлиги бирмунча яхшиланади, аммо ялтироқлиги ишлов бериш, ошлаш давомида деярли ўзгаришсиз қолади. Қорақўлни ёт ифлосликлардан тозалаш терининг ялтироқлигини яхшилайдиган».

Р.Х. Рўзимуратов ҳар хил ранг қорақўл тола қопламининг ипаксимонлиги ва ялтироқлиги ошлаш жараёнида яхшиланганлигини аниқлади.

Ошлаш жараёнида қоракўл тола қоплами сифатини ўзгарувчанлиги

Ранги	Сони	Консервала- ш усули	Ипаксимонлик тоифалари, %			Ялтироқлик тоифалари, %		
			Кучли и-пак мон	Ипаксимон	Етишмаган ипаксимон	Кучли	Меъёрли	Етишмаган
Қора	27	Тузлаб қуритилган	20,4	56,3	23,3	17,8	59,9	22,3
		Ошланган	37,3	44,7	18,0	30,6	52,9	16,5
Сур	30	Тузлаб қуритилган	28,5	43,2	28,3	24,2	47,7	28,1
		Ошланган	40,6	42,8	16,6	39,2	44,2	16,6

Бу жадвал маълумотлари ошлаш жараёнида қоракўл терилари тола қопламининг ипаксимонлиги ва ялтироқлиги бирмунча яхшиланганлигини кўрсатмоқда. Масалан, қора қоракўлда етишмаган ипаксимонликдаги терилар салмоғи 5,3% га, сур қоракўлда 11,7% га камайган. Ошлаш жараёнида қоракўл тола қоплами ялтироқлигининг яхшиланишида ҳам шу хил манзарани кўришимиз мумкин.

Қора рангли қоракўл тола қопламининг муҳим хусусиятларидан яна бири рангнинг тўқлиги ҳисобланади.

М.Д.Зокиров ва К.Каримовларнинг (1987) кўрсатишларича, толаларга ранг берувчи зарралар (пигмент) нинг икки хили фарқланади, яъни эумеланин қора рангли толаларда, феомеланин сур ва бошқа жигар рангли толаларда учрайди. Одатда кучли ипаксимонлик ва ялтироқликка эга бўлган қоракўлда ранг тўқлиги юқори бўлади. Қоракўлга ишлов бериш жараёнларида ранг тўқлиги ўзгаришсиз колар экан.

Дарҳақиқат, қоида бўйича кўпчилик товар хусусиятлари ўхшаш бўлган, лекин турли тўқликка эга қора қоракўл терилари орасида тим қора ранглилари қимматли ҳисобланади.

Қоракўлни ошлаш жараёнида тола сиртини коповчи ёки ёпувчи парда ювилиб кетиш ҳисобига ранг тўқлиги бирмунча яхшиланишини кутиш мумкин.

Сур ранги ифодаланиш даражасининг қоракўл сифатига таъсири катта. Ранг ифодаланиши сур рангни ҳосил қилувчи омилларни умумлаштирувчи кўрсаткич бўлиб, у одатда сифат баллари билан ҳисобланади.

Қоракўл гуллар сифатининг ўзгарувчанлиги.

Қоракўл гулларининг хил ва шакллари, сифат кўрсаткичлари ишлов бериш босқичлари бўйлаб ўзгариб боради ва пировард натижада ийланган ва бўялган қоракўлда ўзининг табиий кўринишини, яъни онадан янги туғилган ҳолатини тўлиғича тиклайди.

«Ошлаш жараёнида,-деб ёзишади М.Д. Зокиров ва К.Каримовлар (1987),- қоракўл гулларининг асл шакли, мустаҳкамлиги ва қайишқоқлиги тикланади. Тузлаб қуритилган ҳолатига нисбатан ошланган қоракўлда гулларнинг жингалакланиши, хил ва шакллари, расмдорлиги анча аниқлашади».

Р.Х.Рўзимуратовнинг кўрсатишича, ошланганидан сўнг қора ва сур ранг териларида қоракўл гуллари мустаҳкамлиги, узунлиги, расм аниқлиги ва бошқа хусусиятлари сезиларли даражада яхшиланади.

Ошлашдан сўнг қоракўл гуллари узунлигининг бирмунча ошишини тузлаб қуритиш жараёнида бир неча бўлақларга парчаланган қалами ва ёлсимон гулларнинг қисман бир-бирига қўшилиши натижаси деб қарамоқ керак. Ошланган териларда қоракўл гуллари мустаҳкамлигининг ошишини гуллар таркибини ташкил қилувчи толалар жойлашишининг ўзаро мутаносиблиги тикланганлиги, гуллар шаклининг зичланиб ихчамлашганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Гулларнинг очилиш томони деб қопловчи толалар учининг жингалакланиб кирган томони тушунилади. Қоракўлчи селекционерлар, айниқса, товаршунослар гулнинг очилиш томонига катта аҳамият беришади.

М.Д. Зокиров ва К.Каримовларнинг (1987) таъкидлашларича, гул узунлиги ошиши билан очилиш томони бошга қараган гулли терилар салмоғи ҳам кўпайиб боради. Терига ишлов бериш жараёнида гулларнинг очилиш томони қисман ўзгариб туради.

Шунингдек, ошланиш жараёнида гулларнинг очилиш томони ҳам ўзгарганлигини таъкидлаш лозим. Қора ранг қоракўлда гуллари бош томонга очилган терилар салмоғи 22,9 фоизга ошиб, гуллари дум томонга очилган терилар салмоғи 14,4 фоизга камайган бўлса, бу кўрсаткичлар сур териларда мос равишда 16,3 ва 15,6 фоизларни ташкил қилди.

Бир сўз билан айтганда янги шилинган ҳолдагига нисбатан тузлаб қуритилган териларда гулларнинг очилиш томони ўзгариб, дум томонига очилган гулли терилар нисбатан кўпчиликни ташкил қилса, ошлаш жараёнида гуллари дум томонга очилган терилар салмоғи камайиб, гуллари бош томонга очилган терилар салмоғи кўпайганлигини таъкидлаш керак.

Қоракўл навларининг ўзгарувчанлиги. Тузлаб қуритилган терида гулларнинг хил ва шакллари у ёки бу даражада ўзгарганлиги, тола қопламага туз ва бошқа ифлослик чапланганлиги қоракўл навларини тўғри ва одилона аниқлашни қийинлаштиради. Ошлангандан кейин уларнинг тола қоплами ўзининг асл хусусиятларига эга бўлади. Шу сабабли қоракўлнинг ошлаш арафасидаги ва ошлашдан кейинги навлилиги бирмунча фарқ қилади.

М.Д. Зокиров ва К.Каримовларнинг (1987) кўрсатишларича, ошлаш қоракўлнинг товар кўринишини анча яхшилайди, гул шаклларини бўрттириб аниқлаштиради, биринчи навлар чиқимини 23% га оширади.

Р.Х. Рўзимуратовнинг Соф зотли қора ва сур ранг қоракўл навлилигининг ошлаш жараёнида ўзгарувчанлигини ўрганиш натижалари қуйидагича бўлди:

- ошланган 135 дона қора қоракўлнинг 69,9 фоизи ўз навларида қолган бўлса, 41 донаси ёки 30,1 фоизи бошқа навларга ўтган. Ошлангандан кейин биринчи жакет навли терилар салмоғи 33,3 фоизга, калин жакет навли терилар 77,8 фоизга, Москва жакети навли терилар 10 фоизга кўпайган бўлса, Ўсикгулли калин I навли

терилар салмоғи тенг яримга, Қобирғасимон юпка I нав терилар 22,3 фоизга, Қобирғасимон қалин I навли терилар 14,3 фоизга, иккинчи навлар 22,6 фоизга камайган. Тузлаб қуритилган ҳолатда биринчи навлар салмоғи 77 фоизни ташкил қилган бўлса, ошлангандан кейин 82,2 фоизга тенг бўлди, яъни биринчи навлар салмоғи 5,2 фоизга кўпайди;

-Соф зотли сур ранг қорақўлда ҳам ошлаш жараёнидан сўнг маълум сифат ўзгаришлари юз берди. Ошлаш натижасида биринчи навлар салмоғи 2,6% га, Яримдоирагулли I навлар 18 фоизга, Қобирғасимон гулли I навлар 5,8 фоизга, Ясси гулли I навлар 3,2 фоизга кўпайган бўлса, Ўсиқ гулли I навлар 30,5 фоизга, учинчи навлар 66,7 фоизга камайган. Ошладан кейин Яримдоирагулли I нав териларнинг 83,1 фоизи, қобирғасимон гулли биринчи навнинг 69,9 фоизи, Ясси гулли биринчи навнинг 64,5 фоизи, Ўсиқ гулли биринчи навнинг 53,1 фоизи, иккинчи навларнинг 55,3 фоизи ва учинчи навларнинг атиги 25 фоизи ўз навида қолди.

Ишлов бериш жараёнида қорақўл товар хусусиятларининг ўзгарувчанлик йўналишларини билиш ва тасаввур қилиш қорақўлшунос мутахассис учун катта аҳамият касб этади. Ошлаш жараёнида тузлаб қуритилган қорақўл териларда тола қоплами ипаксимонлиги, ялтироқлиги, қалинлиги, гуллар сифатининг яхшиланиши, қора териларда ранг қуюқлиги, сур териларда ранг ифодаланиши аниқлашуви эвазига қорақўл навлилигининг бирмунча (15 фоизгача) кўтарилишини тахмин қилиш мумкин.

Назорат саволлари

1. Тузлаб қуритилган қорақўлни хиллашнинг мураккаблиги нимада?
2. Қора ранг қорақўлнинг қайси навлари ошлаш жараёнида кўпроқ ўзгаришларга учрайди?
3. Қорақўл вазнининг ишлов бериш босқичлари бўйича ўзгарувчанлигига изох беринг.
4. Қорақўл тола қопламининг ошлаш жараёнида ўзгарувчанлигини таърифланг.
5. Қорақўл гулларининг ошлаш жараёнида ўзгарувчанлигига изох беринг.
6. Қорақўл андозавий майдонининг ошлаш жараёнида ўзгарувчанлиги.

Мавзу: Ошланган қора ранг қоракўлни хиллаш

Режа

- 1.Ошланган қора ранг қоракўлни хиллашнинг тартиби
- 2.Ошланган қора ранг қоракўлни биринчи бор хиллаш (I хил)
- 3.Ошланган қора ранг қоракўлни иккинчи бор хиллаш (II хил)

Таянч иборалар: Ошлаш, ийлаш, ивитиш, биринчи хил, иккинчи хил, соф зотли қоракўл, тола узунлиги, андозавий юза улчами, навлар, иллат гуруҳлари, йиртиқ ва синик, ювилмайдиган доғлар, юмалоқлаб қуритиш, тола қопламининг сифати, гулнинг хил ва шакллари, гул улчами ва узунлиги, ранг текислиги

Қоракўл териларни хиллашдан мақсад товар хусусиятларини ўрганиш асосида сифатини аниқлаш ҳамда улардан фойдаланиш кўламларини белгилаб олишдир.

Ошланган қоракўлни хиллаш йўли билан бир-бирига мос териларни танлаш ва улардан ўхшаш сифатли гуруҳлар ташкил қилишга эришилади. Бу эса қоракўлга саноат ишлов беришни енгиллаштириб, ортиқча меҳнат сарфини иқтисод қилиш имконини беради.

Қора ранг қоракўл учун амалда бўлган деярли барча тайёрлов андозаларининг таъсир доираси ҳам тузлаб қуритилган, ҳам ошланган қоракўлга тааллуқлидир.

Ошланган қора ранг қоракўлни хиллаш бир неча босқичда амалга оширилади. Қора ранг қоракўлни бирламчи хиллаш

Биринчи босқичда ошланган қора ранг қоракўл бамисоли тузлаб қуритилган қоракўл каби тайёрлов андозаларининг талаблари асосида андозавий ўлчамлари, барра гуруҳ ва навлар, нуқсон гуруҳларини инобатга олган ҳолда I хил бўйича хилланади.

Ошланган қора ранг қоракўлнинг Соф зотлилиқ белгилари қуйидаги талаблар асосида аниқланарди:

- тола қоплами ҳар хил даражада ипаксимон ва ялтироқ, терининг бутун юзаси ҳар хил шаклдаги қоракўл гуллари билан қопланган;

- терининг бўйин қисми қоракўл гуллари билан қопланган ва у ерда ўсувчи толаларнинг тўғрилланган ҳолдаги узунлиги 30 мм дан зиёд эмас. Боши ва оёқлари муҳаяр расмлар ёки гуллар билан қопланган. Орқа оёқнинг сакраш бўғинидан пастки қисми силлиқ толалар билан қопланган бўлишига рухсат этилади;

- думи асосида кенг, учига томон торая бориб соф зот қоракўл кўзилариникига хос ўсимта билан тугаган, дум териси ҳар хил қайишқоқликдаги қоракўл гуллари билан қопланган.

Тери юзасидаги қоракўл гуллари кенглиги бўйича қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

тор – гул эни 4мм.гача;

ўрта – гул эни 4мм. дан зиёд – 8 мм. гача;

кенг – гул эни 8 мм .дан зиёд.

Узунлиги бўйича:

калта – гул узунлиги 12 мм .дан – 20мм. гача;

ўрта – гул узунлиги 20 мм. дан – 40 мм. гача;

узун – гул узунлиги 40мм. дан зиёд.

Ошланиш сифати бўйича қоракўл терилари

қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

-дон ачитқисида яхши ошланган, терининг мағз томони доғларсиз текис оқ ёки оч сарғиш тусли, текис, ғижимларсиз, мутаносиб шакл берилган;

-тола қоплами ачитқи чанги ва бошқа ифлосликлардан тозаланган бўлиши керак.

Ошланган қора ранг қоракўл терилари андозавий ўлчамига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

Ошланган қора қоракўлнинг ўлчам гуруҳлари

Ўлчам гуруҳлари	1996 йилгача см ² да (ГОСТ 8748-70 бўйича)	1996 йилдан эътиборан, см ² (УзРСТ 641-95 бўйича)
Йирик	1000 дан зиёд	1250 дан зиёд
Ўрта	850 дан зиёд -1000	800 дан зиёд-1250
Майда	450-850	450-800

Юзасида мавжуд қоракўл гулларининг хил ва шакллариغا, ўлчами ва мустаҳкамлигига, тола қопламининг ипаксимонлиги, ялтироқлиги, зичлиги ва ўсинқираганлигига, тери мағзининг қалинлигига қараб ошланган қора ранг қоракўл терилари гуруҳ ва навларга ажратилади.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, Соф зотли ошланган қора ранг қоракўл терилари то 1985 йилгача мазкур жадвалдаги каби 9 та биринчи навларга ажратилган бўлса, иккинчи нав ичидан иккинчи Жакет, юпқа Кавказ биринчи, Флера, қалин Қобирғасимон иккинчи, юпқа Қобирғасимон иккинчи, Ясси иккинчи ва йирик гул каби 7 навга, учинчи нав ичидан Партион, юпқа Кавказ иккинчи, Фигура, юпқа Қобирғасимон учинчи, қалин Қобирғасимон учинчи ва ясси учинчи каби 7 навга ажратилган бўлса, 1985 йилдан кейин биринчи ва иккинчи навлар ўзгартирилмасдан илгари маълум бўлган мустақил навларга ажратилиб, илгари мустақил ҳисобланган барча учинчи навлар битта учинчи навга ажратиладиган бўлди.

Қоракўл териларининг иллатлари ошлаш жараёнида маълум ўзгаришларга учрайди, зеро бирламчи ишлов бериш (тузлаб ёки тузламасдан консервалаш), хиллаш ва дастлабки боғлаш жараёнларида вужудга келган иллатларнинг кўпчилиги кўзга ташланувчан бўлиб, улар ошлаш жараёнида тери юзасининг киришиши эвазига сал камайган ҳолда сақланиб қолади. Аммо тери тўқимасининг шохланиши, идраб чириши, тола тўкилиши каби яширин иллатлар кўпчилик ҳолатларда кўзга ташланмайди ва ошлангандан кейин бу иллатларнинг ўлчамлари кўпайса кўпаядики, сира ҳам камаймайди.

Шу сабабли ҳам ошланган қора қоракўл терилари бирламчи хиллаш жараёнида андозавий ўлчами, гуруҳ ва навлардан ташқари юзасида мавжуд иллатларнинг тури ва ўлчамларига қараб қуйидаги талаблар асосида гуруҳларга ажратилади:

Ошланган қора қоракўл териларни иккинчи бор хиллаш.(II хил)

Ошланган қора қоракўл терилари бирламчи хиллаш (биринчи хил) жараёнида ўта синчковлик ва масъулият билан кўздан кечирилиши, қанақа гуруҳ ва навларга мансублиги аниқланиши керак, шу сабабли ҳам бу иш энг иқтидорли, тажрибали,

юқори малакали товаршунос мутахассисларга ишониб топширилади. Бирламчи хиллашнинг сифатли ва аниқ ўтказилиши қорақўлни иккиламчи хиллаш (иккинчи хил) ва учламчи хиллаш (ўхшаш сифатли териларни жуфтлаш) жараёнларининг тез, осон ва сифатли бажарилишига имкон беради.

М.А. Искандаровнинг (1978) кўрсатишича, қора рангли қорақўл ГОСТ 8748-70 бўйича андозавий ўлчамига қараб 3 гуруҳга, гулларнинг хил ва шаклларига қараб 4 барра гуруҳга ва ҳар бир гуруҳ ичида навларга хилланган. Аммо шуларга қарамасдан ҳар бир навга мансуб деб топилган терилар ҳам товар хусусиятлари, айниқса гулларининг эни ва узунлиги бўйича бир-биридан маълум даражада фарқ қилади. Шу сабабли хорижга сотиш (экспорт) олдидан қорақўл партияларининг сифат бўйича текислигига эришиш мақсадида ҳар бир нав ичида майдароқ гуруҳлар (номерлар) га ажратиб чиқилган.

Жаҳон мўйна бозоридаги савдолар амалиётидан келиб чиққан ҳолда ошланган қора қорақўлни хорижга сотиш (экспорт) олдидан иккинчи хил бўйича хиллаш жараёнини яна ҳам такомиллаштириш, унинг умумий тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш муаммоси юзага келди. Бу муаммони ҳал қилиш мақсадида К.Б.Туктаров (1974) ўтган асрнинг 60-чи йилларида фаолият кўрсатган Бухоро, Чимкент ва Чоржуй қорақўлга ишлов берувчи заводларида қабул қилинган қорақўлни экспортга тайёрлаш технологияларини чуқур ўрганди ва шу асосда 1964 йилда қора қорақўлни 2-хил бўйича экспортга тайёрлаш тартиботларини йўриқнома кўринишида ишлаб чиқди.

Бу йўриқномага айрим тўлдириш ва ўзгартиришлар киритилгач, 1974 йилда иккинчи бор чоп этилди ва то 1996 йилгача амалда бўлиб келди.

Мантиқан мазкур йўриқнома ҳозирги кунда ҳам амалда бўлиши, яъни унга биноан ошланган қора қорақўл терилари 9 та биринчи, 7 та иккинчи ва 7 та учинчи, жами 23 та мустақил навга ажратилиши лозим эди. Аммо ҳозир амалда бўлган ЎЗРСТ 641-95 тайёрлов андозаси бўйича ошланган қорақўл 9 та биринчи, 1 та иккинчи ва 1 та учинчи навларга ажратилиши кўзда тутилган ҳолос, бу тартибда хилланиш эса товар хусусиятлари ўхшаш экспортбоп гуруҳини яратиш имконини бермайди, чунки иккинчи ва учинчи нав деб аталувчи гуруҳларга қалами гул, ўсиқгул, ясси гул ва қобирғасимон гул барра гуруҳларидан чиқувчи юпқа ва қалин мағзли, ҳар хил гул ўлчамли 7 та иккинчи ҳамда 7 та учинчи навлар мажбуран бириктирилган. Ваҳоланки, қорақўлни экспортга тайёрлаш мавжуд барча навларнинг ҳар бирини майда гуруҳларга ажратишни тақозо қилади.

Шу сабабли ошланган қора қорақўлни хиллаш жараёнларини бир мақом, бир тартибга келтиришни таъминловчи меъёрий ҳужжат (хоҳ у андоза, хоҳ йўриқнома бўлсин) ни яратиш вақти келганга ўхшайди. Бу ҳужжат илгари амалда бўлган андозалар, йўриқномалар билан уйғунлаштирилган, жаҳон мўйна бозори талаблари, мўйна савдоси тартиблари билан узвий боғланган ҳолда тузилмоғи лозим.

Нима бўлганда ҳам ҳозирги кунгача ошланган қора қорақўлни иккинчи хил бўйича хиллаш 1973 йилнинг 6-ноябрида тасдиқланган йўриқнома бўйича амалга ошириб келинмоқда, чунки республикаимизнинг мустақиллик йилларида ҳам ана

шу йўриқномани инкор этувчи ёки бўлмаса унинг ўрнини босувчи янги меъёрий ҳужжат амалда жорий қилинган эмас.

Қуйида ошланиб ГОСТ 8748-70 бўйича бирламчи хилланган Соф зот қора қорақўлни амалдаги йўриқномага асосан иккинчи хил бўйича хиллаш жараёнлари тафсилотларига тўхталамиз.

1. Ошланган терилар:

а) терилар кўзининг томоғи, тўши ва қорни ўрталиғи бўйлаб тўғри тилинган, бошидан дум охиригача ҳамда оёқлари тўпиғигача терисини сақлаган ҳолда яхлит кўринишда шилиб олинган;

б) йиртиқларсиз, тилиқларсиз, ўйиқларсиз, четлари кемтиқларсиз, чиримаган, эпидермиси синмаган ва бошқа иллатларсиз;

в) дон ёрмаси ачитқисида ошланиб консерваланган, мағз томони доғларсиз тоза оқ рангда;

г) мутаносиб шакл берилган;

д) тола қоплами ачитқи кепадан, чангидан, қум ва бошқа ифлосликлардан тозаланган бўлиши лозим.

2. Тола қопламининг рангига қараб қора қорақўл қуйидаги ранг гуруҳларига ажратилади:

Қора – терининг бутун юзаси текис қора рангда ёки қора терининг асосий майдонида мавжуд ола доғларнинг сони 2 тагача, умумий майдони 12 см² гача.

Қора-ола – терининг бош, дум ва оёқлардан ташқари барча қисмларида мавжуд ола доғларнинг умумий сони 2 тадан кўп бўлиб, уларнинг умумий майдони 12 см.кв дан зиёддир.

3. Ошланган қора қорақўл андозавий ўлчамига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратилади: йирик – 1000 кв. см дан зиёд, ўрта 850 кв. см дан 1000 кв. см гача ва кичик -450-850 кв. см. Майдони 450 кв. см га етмайдиган терилар яроқсиз ҳисобланади.

Шу ўринда бирламчи (I хил) ва иккиламчи бор (II хил) хилланаётган қорақўлнинг андозавий ўлчамларига бўлган талаблар номутаносиблигини қуйидаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкин:

Ошланган қорақўлнинг андозавий ўлчамлари, кв.см да

Қорақўлнинг ўлчам гуруҳлари	Хиллаш босқичлари	
	I хил (ГОСТ 8748-70 ва ЎзРСТ 641-95 бўйича)	II хил
Йирик	1250 дан зиёд	1000 дан зиёд
Ўрта	800-1250 гача	850-1000 гача
Майда	450-800 гача	450-850 гача

4. Қорақўл гуллари ўлчам гуруҳларига ва гуруҳлар ичида ўлчам тоифаларига бўлинади:

эни бўйича: тор ёки энсиз -4 мм гача (3мм гача, 3 дан 4 мм гача), ўрта – 4 мм дан 8 мм гача (4дан 6 гача, 6 дан 8 гача ва 8 мм) ва кенг (йирик) – 8мм дан зиёд (8-10 гача, 10мм дан зиёд).

Узунлиги бўйича: қисқа -12-20мм (12-16, 16-20 гача ва 20мм дан зиёд), ўрта 20-30 мм (20-25 ва 25-30мм гача), узун -30 мм дан зиёд (30-40мм ва 40мм дан зиёд).

М.А.Искандаровнинг (1978) кўрсатишича, муайян навга мансуб қорақўл терилари одатда тола қоламининг сифати ва зичлиги бўйича бир-бирига анча ўхшаш бўлса ҳам гул ўлчамлари бўйича унчалик текис бўлмайди, яъни терилар ҳар бир нав ичида гул ўлчами бўйича кенг чегараларда ўзгарувчандир. Шу сабабли гулларининг эни ва узунлиги бўйича бир текис бўлган терилар гуруҳини шакллантириш ҳақиқий ўхшаш тери гуруҳлари яратилишига олиб келади, бу эса ошланган қорақўлни мўйнадузлик мақсадларига мослаб хиллаш имконини беради.

Ошланган қора қорақўл териларини ҳар бир нав ичида гуруҳлар (номерлар) га ажратишни 1974 йилдан амалда бўлган тартиботи бир қатор

Гулларнинг шакли ва ифодаланиш даражаси бир хил бўлмаганлиги учун ясси гулли қорақўл навлари аввало 2 га, яъни ҳақиқий ясси гулли ва босилган ясси гулли гуруҳларга, ҳар бир гуруҳ терилари гул эни бўйича 2 га (ўрта кенг ва кенг) ва ҳар бир гул ўлчами гуруҳи ичида гуллар узунлигига қараб яна 2 гуруҳчага (ўрта узунлик ва узун), жами ҳар бир нав терилар 8 гуруҳга ажратилиши кўзда тутилганди. Муаллифнинг таъкидлашича, ошланган қора қорақўлни хиллашнинг янги йўриқнома лойиҳаси фақатгина биринчи ва иккинчи нав қорақўлга амал қилади, чунки учинчи навлар ўз сифатига кўра экспорт талабларига жавоб бера олмайди. Янги йўриқнома лойиҳаси бўйича хилланган ҳар бир нав ичи гуруҳига кирувчи қорақўл терилари сифати бир хиллиги ва чиройи, нақшининг бир – бирига ўхшашлиги билан ажралиб туради.

Гулларнинг сифати, хил ва шаклларига қараб ошланган қора қорақўл жакет (қаламгул), кавказ (ўсиқгул) ва қобирғасимон–ясси гуруҳларга ажратилади.

Жакет гуруҳига кирувчи терилар юзасида яримдоирали қалами ва ловиясимон гуллар кўпчиликни ташкил қилиб, гуллар расми аниқ.

Кавказ гуруҳига кирувчи териларнинг гуллари кўпроқ ловиясимон шаклда, тола қолами бир оз ўсинқираган.

Қобирғасимон–ясси гулли гуруҳ - қобирғасимон гулли навларда кўпроқ ҳар хил ўлчамли ёл ва қобирғасимон қалами гуллар учраса, ясси гулли навларда тола қолами сал сийраклашган, гуллари яссиланган бўлади.

Қорақўл териларни дасталаш тартиби. Соф зотли ошланган қора қорақўл терилари «иккинчи хил» бўйича хиллангандан сўнг, аниқроғи ҳар бир навга тегишли терилар нав ичи гуруҳларига (номерларга) ажратилгандан кейин дасталаниши лозим.

Қорақўл дастасида бир нав гуруҳи (номери) га мансуб, гулларнинг нақши ва сифат кўрсаткичлари, тола қоламининг сифати ва сатҳ ўлчами бир – бирига ўхшаш тўрт дона тери бўлади.

Қорақўлни дасталаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

биринчи, яъни энг юқори ва учинчи қорақўл терисининг сифати иккинчи ва тўртинчи терига нисбатан сал бўшашганроқ бўлиши мумкин. Иккинчи ва тўртинчи териларни гуллари қайишқоқроқ ва мустаҳкам, нисбатан яхшироқ ялтироқликда бўлиши керак.

Дастанинг биринчи ва тўртинчи (энг остки ва энг устки) терилар иккинчи ва учинчиларига нисбатан сал каттароқ ўлчамли бўлиши лозим, лекин териларнинг

Ўлчамлари катта чегараларда бир – бирдан фарқ қилишига йўл қўйилмайди. Терилар «гулини – гулига» қилиб тахланади.

Саралаб дасталанган қорақўл терилари тўрт жойидан, яъни бўйни, чап олдинги ва орқа оёқлари ҳамда думидан боғланади.

Мавзу: Ошланган кўк, сур ва рангдор қорақўлни хиллаш

Режа:

- 1.Ошланган кўк, сур ва рангдор қорақўл териларни хиллаш тартиби
- 2.Қорақўлнинг соф зотлилик белгилари, андозавий гул ва сатҳ ўлчамлари
- 3.Кўк, сур ва рангдор қорақўлнинг ранг гуруҳлари, тус ва рангбарангликларга ажратиш тартиби

Таянч иборалари: кўк ранг қорақўл, сур ранг, қамбар ранг, гулигаз, оқ ранг, зармалла ранг, Соф зотли қорақўл, тола узунлиги, андозавий юза улчами, навлар, иллат гуруҳлари, йиртиқ ва синиқ, ювилмайдиган доғлар, юмалоқлаб қуритиш, тола қопламанинг сифати, гулнинг хил ва шакллари, гул улчами ва узунлиги, ранг текислиги

Хомашё қорақўлнинг барча турлари ҳам ошлаш жараёнида анча ўзгаришларга учрайди, яъни сатҳи киришиши эвазига тола қоплами биров қалинлашади, ивитиш, ювиш ва ошлаш жараёнида толалар сиртидаги ёт ифлосликлар ювилиб тозаланиши эвазига ипаксимонлик ва ялтироқлик яхшиланади, тузлаш жараёнида жойлашиш ҳолати бузилган толалар илдизи тўғриланиши эвазига гулларнинг асл шакли қисман тикланади, тола қопламанинг зичлашиши эвазига гуллар мустахкамлиги биров ошади.

Бир сўз билан айтганда, тузлаб ёки тузламасдан қуритиш усуллари билан консерваланган қорақўл териларининг кўпчилик муҳим товар хусусиятлари ошлаш жараёнида сезиларли даражада яхшиланади, қорақўл сифати кўтарилади.

Бугунги кунга келиб ошланган кўк, сур ва рангдор қорақўлни хиллаш харидорнинг хоҳиш-истакларини, мўйна бозори талабларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Ошланган қорақўлнинг аслзотлилик белгилари тузлаб қуритилган териларникига ўхшаб кетади, яъни:

а) тола қоплами турли даражада ипаксимон ва ялтироқ;

б) терини бутун майдони ҳар хил тур ва шаклдаги қорақўл гуллар билан қопланган, оёқларида силлиқ тола бўлишига йўл қўйилади;

в) терининг бўйин қисмида ўсувчи толанинг тўғрилланган ҳолдаги узунлиги кўк териларда 40мм гача, сурда 30 мм гача, оқ қорақўлда 40мм гача бўлиши лозим. Амалдаги ЎзРСТ 641-95 талаблари асосида қорақўл гуллари узунлиги бўйича: узун (40мм дан кўп), ўртача узун(20мм дан кўп-40мм гача) ва қисқа(12 мм дан 20мм гача) ўлчамларга, эни бўйича: энсиз ёки тор (тўқ кўк, ўрта кўк, сур, гулигаз, қамбар ва бошқаларда эни 4мм гача, кўк, оч кўк, оқ -оч гулигаз, оқ қорақўл терисида 5 мм гача), ўрта ўлчам (4мм дан кўп 8мм гача, кўк, гулигаз ва оқ қорақўлда 5 мм дан кўп -10 мм гача) ва кенг (катта) (8 ммдан кўп, кўк, гулигаз ва оқ қорақўлда 10 ммдан кўп), ўлчамларга бўлиниши кўзда тутилган. Тола узунлиги ана шу кўрсатилган чегаралардан ошиб кетган терилар Соф зотли эмас, балки ёкабоп турига киритилади.

г) думи асос қисмида кенг, учига томон торая бориб қорақўлга хос ўсимта билан яқунланади, боши ва оёқлари пастроқ сифатли гул ёки тўлқинсимон нақшлар билан қопланган.

Ошланган қоракўл терилари сифатига аниқ ва батафсил андозавий талаблар қўйилган.

Ошланган териларнинг гўштпарда томони доғларсиз текис оч сариқ, тола қоплами ачитқи чанги ва бошқа ифлосликлардан тозаланган бўлиши лозим.

Ошланган кўк, сур ва рангдор қоракўл ҳам сатҳ ўлчамлари бўйича айрим гуруҳларга қуйидаги талаблар бўйича ажратилади:

Ошланган кўк, сур ва рангдор қоракўлнинг сатҳ ўлчамлари

Тери ўлчамлари	Ошланган ёки фермент-кимёвий усулда ишлов берилган
Катта	1250 дан ошиқ
Ўрта	800дан ошиқ-1250
Майда	450-800

Кўк, сур ва рангдор қоракўлнинг ранг гуруҳлари, тус ва рангбарангликларга ажратилиш тартиби

Ошланган қоракўл терилари тола қопламининг рангига қараб қуйидаги ранг гуруҳларига, тус ва рангбарангликларга ажратилади:

а) кўк ранг (шерози) қоракўл. Бу ранг терининг бутун майдони бўйлаб оқ ва қора ранг толаларнинг аралашиб ўсишидан ҳосил бўлади. Кўк ранг қоракўлга текис кўк рангли терилар, асосий майдонида 12 см² дан кам ола доғлари бўлган кўк ранг терилар киритилади. Тўқ кўк туснинг қора кўк рангбаранглигидаги териларнинг елка қисмидан то думғаза қисмигача давом этувчи кўк рангдаги йўлакчаси узилган бўлса, улар рангдор териларга киритилажагини таъкидлаш лозим.

Кўк рангдаги Соф зотли қоракўл терилари қуйидаги тус ва рангбарангликларга бўлинди:

-оч кўк:

кирсут ранги – оқ толалар миқдори кўп (70-95%) ва улар сарғайган, қора толаларга нисбатан 45-30% га узун;

пўлатиранг – оқ толалар миқдори 70-75%, тиниқ ва мусаффо, қора толаларга нисбатан 10-15% га узун. Қора толалар тим рангда.

-ўрта кўк

ҳаворанг (мовий) – оқ тола миқдори 55-65% ни ташкил қилиб, улар оқ толаларга нисбатан 10-15% га узунроқ, қора толалар тим қора рангда;

кумуш ранг – оқ тола миқдори 65-75%ни ташкил қилиб, улар оқ толаларга нисбатан 20-25% га узунроқ;

марваридранг – оқ тола миқдори 55-65% ни ташкил қилиб, улар қора толаларга нисбатан 45-50% га узунроқдир;

кўрғошинранг – оқ толалар 65-75% ни ташкил қилиб, улар қора толаларга нисбатан 10-15% га узунроқдир, қора толаларнинг ранги бўшашган, оқ толалар кирланиб, сарғайган, тола қоплами хира ялтироқликда.

-тўқ кўк

оқишранг (оқ оралаган, мошкичири) – қора толалар миқдори 70-75%ни ташкил этиб, оқ толалар қора толалардан 10-15%га узунроқдир. Ранги текис тарқалган;

садафранг – қора толалар миқдори 70-75%ни ташкил қилиб, оқ толалар 40-45% га узунроқдир. Камчилиги рангнинг анча нотекис тарқалганлигида.

-қора кўк - қора ва оқ толалар аралашмасидан ҳосил бўлувчи кўк рангли йўлакчани сағри ва орқа қирра қисмларида мавжудлиги (қора толалар 80-90%), ёнбошлари эса қора рангда.

б) сур ранг қорақўл. Бу ранг толалар узунлиги бўйлаб ранг зарралари (пигмент) нинг нотекис, яъни минтақа тариқасида жойлашишидан, яъни толалар асосининг тўқ туси билан учигаги оч ёки оқчил туслари ўртасидаги фарқнинг кўзга ташланиши эвазига ҳосил бўлади.

Сур ранги 3та зот типига (бухоро, қорақалпоғистон ва сурхондарё) ва ҳар бир тип ичида рангбарангликларга ажратилади. Мабодо, териларнинг юзаси бўйлаб сур ранги нотекис тарқалган бўлса ёки сур ранги яққол кўзга ташланмаса бу терилар рангдор терилар гуруҳига ўтказилади.

Тола ост қисмининг тўқ ранги ва устки оқчил қисмининг ҳар хил тусларда жилваланишига қараб сур ранги қуйидаги рангбарангликларга бўлинади:

Бухоро сури: тилласимон – толаларнинг остки қисми тўқ, жигар ранг, учи тилларанг;

кумушсимон ранг – толаларнинг остки қисми тўқ, тутунсимон ёки қорамтир уч қисми кумуш ранг;

олмоссимон ранг – толаларнинг остки қисми қора, учи тиниқ оқ рангдор;

оч бинафшасимон ранг – толаларнинг остки қисми жигар рангда, учи оч бинафша ранг.

Қорақолпоқ сури: пўлатисимон сур – толаларнинг остки қисми қора рангда, учи хира оқ;

ўрик гулсимон – толаларнинг остки қисми жигар ранг, ўрта қисми тўқ зарғалдоқ, учи ёрқин оч сарғиш тусли;

шамчироқ гулсимон – толаларнинг остки қисми қора, учи сарғиш оқ тусда;

камарсимон – толаларнинг остки қисми тўқ жигар ранг, учки қисми кизғиш малла ёки малла ранг.

Сурхондарё сури: жезсимон (бронза) – толаларнинг остки қисми ҳар хил тўқомадоғи жигар ранг, учи бронза ранг;

оқ олтинсимон (платина) – толаларнинг остки қисми тўқ жигар ранг(қорамтир) ёки қахва ранг, учи оч олтин ранг;

қахрабосимон (янтар) – толаларнинг остки қисми жигар ранг, уч қисми қахрабо ранг;

ялтироқ кўмирсимон (антрацит) – толаларнинг остки қисми тўқ қора, учи қиска оқ рангдор.

Бошқа рангли терилар. Бу гуруҳ қуйидаги рангдаги териларни ўз ичига олади:

1. Гулигаз ранг терилар. Юзаси бўйлаб жигар ва оқ рангли толалар равон аралашиб ўсган терилар.

2. Қамбар ранг терилар. Толалари ҳар хил тўқликдаги текис жигар рангга бўялган, ҳамда жиякланган ва халили ранг терилар

3. Зармалларанг терилар(тўқ сариқ). Толаларнинг остки қисми тўқ малла рангда бўлиб, учига томон ранг бўшашиб, учи оч сариқ олтинсимон рангда бўлади.

4. "Қировланган" қора терилар. Қора ранг терилар юзасининг ҳар жой – ҳар жойида текис тарқалган сийрак оқ толалар ўсади. Бу ранг териларни оқ толалари ўта кам ва сийраклигидан кўк қоракўлга ўтказиб бўлмайди.

5. Бир туслик бошқа ранг терилар.

6. Ола терилар. Асосий майдонида 12см² дан катта ўлчамли ола доғлари бўлган қоракўл терилар. Аммо, терининг боши, оёқлари ва думида мавжуд ола доғлар қанақа ўлчамда бўлишидан қатъий назар инобатга олинмайди. Қоракўлни хиллаш жараёнида қамбар ранг гуруҳига ранг текислиги ва ифодаланиш даражаси бўйича сур ранги талабларига жавоб бера олмайдиган "қора сур" терилар ҳам киритилади. «Қировланган» қора ранг терилар гуруҳига кўк ранг қоракўл талабларига жавоб бера олмайдиган, яъни елкасидан то думғазасигача ўтувчи кўк рангли йўлакчаси узилган қора ранг терилар ҳам киритилади.

Кўк, сур ва рангдор қоракўлни навларга ажратиш. ЎзРСТ 641-95 сонли андоза амалга киритилгач, ошланган кўк, сур ва рангдор қоракўлни навларга хиллаш бироз соддалашди ва у ҳозирги кунда қуйидаги тартибда навларга ажратилади:

Яримдоирагуллик (жакет) I- қоракўлнинг орқа қирраси ва сағриси узун ва ўрта узунликдаги қайишқоқ яримдоиралик қалами гуллар билан қопланган, ёнбошларида ўрта узунликдаги ва калта қалами, ловиясимон гуллар аралашиб жойлашган, баъзан уларга оз миқдорда ёлсимон гуллар ҳам аралашган бўлиши мумкин. Тола қоплами тиғиз, ипаксимон ва ялтироқ.

Қобирғасимон гуллик I – қоракўлнинг орқа қирраси ва сағрисида жойлашган узун ва ўрта узунликдаги қайишқоқ ёлсимон гуллар ва қобирғасимон қалами гуллар, ён томонларида ўрта узунликдаги ва қисқа ёлсимон ва қалами гулларга айланган. Баъзан уларга яримдоира ва ясси қалами, ловиясимон гуллар аралашган бўлиши мумкин. Тола қоплами тиғиз, ипаксимон ва ялтироқ.

Ясси гулли I - тери юзаси ҳар хил узунлик ва кенгликдаги қайишқоқ ясси қалами ва ясси ёлсимон гуллар билан қопланган, айрим ҳолларда уларга яримдоирали ва қобирғасимон қалами гуллар, кам миқдорда лослар аралашган бўлиши мумкин. Тола қоплами кучли ва нормал ипаксимон, ялтироқ, қалинлиги меъёрида.

Ўсиқ гулли I- орқа қирра ва сағрисидаги қайишқоқ ўрта узунликдаги ва калта яримдоирали қалами гуллар, ён томонларида калта қалами гуллар ва ловиясимон гулларга айланган. Баъзан терининг бутун юзаси ўрта ўлчамдаги ловиясимон гуллар билан қопланган. Қоракўлнинг гуллари бироз ўсинқираган, тола қоплами тиғиз, ипаксимон, ялтироқ.

Иккинчи нав – тола қоплами тиғиз ёки сийраклашган, ипаксимонлиги ва ялтироқлиги сусайган. Тери юзаси ҳар хил ўлчам ва узунликдаги бўшашган яримдоирали, қобирғасимон ва ясси қалами гуллар, ёлсимон гуллар, ловиясимон гуллар билан қопланган, ёнбошларида ҳалқасимон гуллар ҳам учраши мумкин. Баъзан терининг бутун юзаси катта ва йирик ўлчамдаги қайишқоқ ярим ҳалқасимон ва ҳалқасимон гуллар билан қопланган.

Учинчи нав - тола қоплами ҳар хил тиғизликда, ипаксимонлиги етишмаган ёки дағал, ялтироқлиги етишмаган ёки хира. Тери юзаси ҳар хил ўлчамдаги бўш,

тўзғоқ қисқа қалами, ловиясимон, ёлсимон, ҳалқасимон ва бузуқ гуллар билан қопланган.

Қорақўлнинг иллатларини баҳолаш. Ошланган ва фермент-кимёвий усулда ишлов берилган кўк, сур ва рангдор қорақўл иллатлари ишлов бериш, сақлаш жараёнларида юзага келади.

Ошланган ва фермент-кимёвий усулда ишлов берилган кўк, сур ва рангдор қорақўл иллатларининг меъёрлари

Иллатларнинг номи	Тери гуруҳлари	
	меъёрли	иллатли
1.Шаклини йўқотган гуллар майдони, см. кв да		
-сағри ва орқа қиррасида	10 гача	10дан ошиқ -150
Қолган қисмларида	20 гача	20дан ошиқ- 250
2. Кесик, йиртиқ, синик, тикишлар (бош, оёқлар ва дум бундан мустасно) умумий узунлиги, см да	5 гача	5 дан ошиқ-30
3.Тешик, толаси қирилган жойлар, тери четидаги кемтиклар (бош, думи ва оёқлари бунга қирмайди) умумий сатҳи, см. кв да	4 гача	4 дан ошиқ -120
4.Куя еган, ювилмайдиган, бўёқ чапланган, буришган майдонлар умумий сатҳи, см. кв да	йўл қўйилмайди	120 гача
5.Терининг айрим қисмлари етишмаслиги	йўл қўйилмайди	Боши, думи, бўйни ва оёқлари
6.Нотўғри ишлов бериш, қийшиқ тилиш, юмалоқлаб қуришти	йўл қўйилмайди	йўл қўйилади
7.Ярқиллаб кўзга ташланувчи сарғиш ва қизғиш доғлар	йўл қўйилмайди	йўл қўйилади

Назорат саволлари:

1. Ошланган кўк ранг қорақўлнинг Соф зотлилик белгиларини таърифланг.
2. Ошланган сур ранг қорақўлнинг рангбарангликларининг аҳамияти.
3. Ошланган кўк ранг қорақўл гулларининг узунлиги бўйича ўлчамлари.
4. Ошланган сур ранг қорақўлнинг биринчи навларини санаб беринг.
5. Қаламгулли (жакет) I навининг таърифи.
6. Ошланган кўк ва сур ранг қорақўлнинг иллатлилигини аниқлаш тартиби.

Мавзу:Қоракўлни ийлаш технологияси

Режа:

- 1.Қоракўл териларни ийлашнинг аҳамияти
- 2.Қоракўл териларни ийлашнинг усуллари
- 3.Қоракўл териларни пардозлаш технологияси

Таянчиборалар: Ийлаш, пардозлаш, дубиллаш, дуппослаш, барабан, сеткали барабан, тери ости клечаткаси, қайишқоқлик, эгилувчанлик, чидамлилиқ.

Қоракўл териларни ийлашнинг аҳамияти. Қоракўл териларни тузлаб қуришти, тузламасдан қуришти усули билан консерваланган териларини тўғридан-тўғри истеъмол учун ишлатишнинг иложи йўқ.

Қоракўл териларни ошлангандан кейин истеъмол учун бирмунча қулай, аммо ошлаш жараёнида орттирилган эгилувчанлик, қайишқоқлик каби ижобий хислатлар доимий эмас, чунки муҳитнинг ноқулай шароитлари (юқори ҳарорат, ҳавонинг сернамлиги, тик тушувчи қуёш нурлари ва ҳоказо) таъсирида бу хислатларнинг йўқотилиб қолиш хавфи мавжуд.

Шу сабабли истеъмол буюмлари тикиш олдида қоракўл териларига саноат ишлови бериш, яъни ийлаш лозим бўлади.

Қоракўлни ийлаш мураккаб механик, физик ва кимёвий жараёнлар мажмуаси бўлиб, ундан қуйидаги мақсадлар кўзда тутилади:

- а) қоракўлнинг мағзини тери ости клечаткасидан, ёғ қолдиқларидан тозалаш;
- б) тери тўқимасини консерваловчи модда (ош тузи, дон ачиткилари) лардан, эрувчан оксиллардан тозалаш;
- в) терининг юмшоқ, қайишқоқ, эгилувчанлигига эришиш мақсадида йўғон коллаген толалари боғламларининг очилиб, ингичка толачалар даражасигача титилишига ва толалар ҳолатининг шу тарзда узок муддат сақланишига эришиш;
- г) қоракўлдан фойдаланиш жараёнида пайдо бўладиган турли хил таъсирларга тери тўқимасининг кимёвий чидамлилигини ошириш;
- д) қоракўлнинг тола қопламини ҳар хил ифлосликлар ва консерваловчи моддалардан тозалаш, гулларига янги шилинган ҳолдаги шаклу-шамойилини ва чиройини қайтариб бериш.

«Қоракўл сифатини оширишнинг муҳим омилларига, - деб ёзишганди М.А.Искандаров, Ф.С. Ирисов ва Д.А. Бисеровалар (1981), - селекция –наслчилик ишлари ҳамда қўйларни асраш ва озиқлантириш шароитлари билан бир қаторда териларга бирламчи ва ундан кейинги ишлов бериш босқичларини такомиллаштириш ҳам киради».

Ф.С.Ирисов, М.Х.Арсланова ва М.Д.Зокировларнинг (1978) кўрсатишларича, технологик ишлов бериш жараёнида қоракўлнинг товар кўриниши яхшиланади.

М.Д.Зокиров ва К.Каримовларнинг (1987) фикрича, қоракўл териларининг сифати ийлаш жараёнида сезиларли даражада ўзгаради - тери тўқимаси юпқалашиб вазни ва сатҳ ўлчами камаяди, тола қоплами қоматини тиклаб кўтарилади, гулларининг кенглиги, узунлиги ва баландлиги ошади, кўпроқ жингалакланиб шакли аниқлашади.

1996 йил ташкил этилган «Урманов фурс» фирмаси интернет сайтларида хабар беришича, қоракўлга ишлов бериш масалалари бўйича НИИМехпром институти

билан ҳамкорлик қилиш, териларни ийлаш ва бўяшда Олмониянинг Böhme фирмаси химикатларидан фойдаланиш юқори сифатли, рақобат бардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини беради.

Хулоса қилиб айтганда, ишлов бериш жараёнларида қорақўл терилари сифати яхшиланиб боради, айниқса, ийлаш давомида терилар узоқ вақт сақланувчи қимматли товар хусусиятларга эга бўладики, бу ҳолатни хомашё қорақўл териларини албатта, ийлашнинг шартлигига ишора деб ҳисоблаш лозим.

Қорақўл териларини ийлашнинг умумий масалалари. Ийлашнинг барча босқичларини босиб ўтган ҳамда муҳим товар хусусиятлари ва физик-механик кўрсаткичлари бўйича амалдаги Давлат андозаларининг талабларига тўлиғича жавоб бера оладиган, истеъмол учун тайёр қорақўл яримфабрикат маҳсулот деб аталади.

Қорақўл хомашёсини ийлаш учун қатор жараёнлар бажарилиб, уларни шартли тарзда қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

Биринчи гуруҳ жараёнларининг асосини ишлов берилаётган хомашёнинг хусусиятларини ўзгартирувчи кимёвий ва физик – кимёвий таъсирлар ташкил қилади. Бунга терини ивитиш, пикеллаш, дубиллаш, қуритиш, нейтраллаш каби жараёнлар киради.

Иккинчи гуруҳга–механик жараёнлар киради: тери гўштпардасини қирғичлаш, тери тўқимасини мижиғлаб эзиш, чангини қоқиш, у ёқ бу ёққа чўзиб терига шакл бериш, центрофугада айлантериш, чангини қоқиб тозалаш.

Қоида бўйича ишлов беришнинг биринчи гуруҳи жараёнлари бир вақтнинг ўзида маълум сонли терилар учун қўлланилиб, бу гуруҳ терилари бир умумий паспорт билан ҳужжатлаштирилади ва бу ишлаб чиқариш партияси деб аталади.

Ишлаб чиқариш партиясидаги терилар сони ийлашда фойдаланиладиган идиш-ускуналарнинг қуввати ва ҳажмига, эҳтиёж мақсадларига қараб турлича бўлиш мумкин.

Қорақўлни ийлашда терини суюқликка ботириб қўйиш усули қўлланилади.

Иккинчи гуруҳ жараёнлар одатда донабай маҳсулот билан бажарилади. Масалан, терининг мағзини қирғичлаб тозалаш жараёни ҳар бир қорақўл учун алоҳида ўтказилади. Шу билан бир қаторда биттадан зиёд қорақўл учун ўтказиладиган механик жараёнлар борлигини ҳам унутмаслик лозим. Бунга қорақўлнинг намлигини центрофуга ёрдамида кетказиш, айлантериувчи барабанларда мижиғлаб думалатиш, ифлослигини қоқиш кабиларни киритиш мумкин.

Қорақўлга ишлов беришнинг ҳар бир босқичи муайян шароит, муайян хомашё тури, консерваланиш услуги, тери мағзи қалинлиги ва бошқа шу кабиларни инобатга олган ҳолда бажарилади. Ишлов беришнинг муваффақияти асосан жараёнларни бажаришга хизмат қилувчи омиллар ўлчамига, яъни параметрларга боғлиқ бўлади.

Ийлаш жараёнларининг асосий параметрларига суюқлик коэффиценти, жараёнларнинг давомийлиги, фойдаланиладиган кимёвий унсурлар ва бошқа моддаларнинг (реагентлар) эритмадаги миқдори (концентрацияси), суюқлик ҳарорати, механик таъсирлар киради.

Ушбу параметрларнинг ўлчамлари ўтказилган илмий-тажриба изланишлари, илғор корхоналарнинг амалий ишлаб чиқариш тажрибалари асосида белгиланади. Хомашёга ишлов беришнинг илмий асосланган мақбул (оптимал) шарт – шароитлари тавсифини ишлаб чиқиш ва тўғри бажариш юқори сифатли яримфабрикат олишга кафолатдир.

Ийлашнинг ҳар бир босқичини бажаришдаги мақбул (оптимал) кўрсаткичлар тизими асосида технологик харита яратилади. Технологик харитада ишлов бериш жараёнларининг кетма – кетлиги, энг кам меҳнат ва ашёвий сарфларни таъминловчи параметрлари, жараёнларнинг бажарилиш тартиби ва бошқа иккир – чикирлари ўз аксини топади. Бундан ташқари, технологик харитада ишлаб чиқариш партиясини шакллантиришга бўлган талаблар, тайёр яримфабрикат маҳсулотининг андозавий тавсифи, жараёнларни назорат қилиш бандлари, давом этиш муддати, ийлаш ва бўяшда ишлатиладиган ашёлар сарфи кўрсатилган бўлади.

Ишлов беришнинг технологик харитасида олдинма кейин келувчи жараёнларнинг бир – бири билан узвий боғлиқлиги таъминланган бўлади. Агар биз ишлов бериш тизимидаги бирор – бир босқичда ўзгариш қилмоқчи бўлсак, албатта, бу ўзгариш мазкур жараён олдида ва ундан кейинги босқичларда қанақа натижаларга олиб келишини тасаввур қилишимиз лозим бўлади.

Технологик харита қоракўл хомашёсига саноат ишлов беришнинг барча босқичлари (ошлаш, ийлаш ва бўяш) учун дастурил амал бўлиб, шу йўналишда фаолият кўрсатувчи барча корхоналар унинг талабларига риоя қилишга мажбурдир.

Қоракўлга ишлов беришнинг асосий параметрларига тавсиф. Суюқлик коэффиценти – ишлов бериш бериш жараёнларида фойдаланиладиган суюқлик (сув, ачитқи, пикел эритмаси, дубилли суюқлик ва бошқалар) нинг хомашё ёки ярим фабрикат қоракўлнинг бир вазн бирлигига тўғри келиши лозим бўлган миқдори. Бу кўрсаткич қоракўл териларни ошлашда 1:7 нисбатда, ийлашда 1:10 вазн нисбатида, бўяшда 1:11 нисбатда бўлиши кўзда тутилган. Ийлаш жараёнининг 1:10 нисбатдаги суюқлик коэффиценти 500 кг оғирликдаги хомашё қоракўл тери партияси (тахминан 2000 донага яқин тери) учун 5000 кг суюқлик лозимлигини билдиради.

Бу кўрсаткич қоракўлни ивитиш, ювиш, пикеллаш, ийлаш, бўяш жараёнларининг тўғри бориши учун ўта муҳимдир. Суюқлик миқдори талаб даражасидан кам бўлса жараёнларнинг бориши қийинлашади, секинлашади, терилар бир – бирига ёпишади, ўралиб қолади, суюқлик кўп бўлса ишлов бериш жараёни учун ишлатиладиган ашёларнинг сарфи ортиб кетади.

Жараёнларнинг давом этиш муддати – яримфабрикат маҳсулотнинг ва ундан тайёрланувчи маҳсулотнинг сифатига катта таъсир кўрсатади. Териларни у ёки бу эритмага ботириб ишлов берилганда суюқлик қоракўл мағзига сингиб тери қатламлари бўйлаб текис тарқалиши ва тери оксигени билан боғланиши талаб этилади. Бунга эришиш учун албатта маълум муддат керак бўлади. Жараённинг давом этиш муддати хомашё қоракўлнинг тури, мағз қалинлиги ва консерваланиш усулига боғлиқ ҳолда турлича бўлиши мумкин. Масалан, ийлаш олдида ивитишнинг энг мақбул муддати ошланган қоракўл учун 8–10 соат, тузлаб

куритилган терилар учун 10-12 соат ҳисобланса, тузламасдан куритилган қоракўл учун 18-20 соат (биринчи бор 10-12 соат, иккинчи бор 10 соат) ҳисобланади.

Эритма таркибидаги реагентлар (кимёвий унсурлар) қуюқлиги. Суюқликда реагентлар қуюқлигининг ошиши эритманинг тери мағзига сингиб киришини ошириши азалдан маълум. Аммо реагентлар қуюқлигини асоссиз тарзда ошириш улардан фойдаланиш самарасини оширмайди, балки маҳсулот таннаrxини ошишига олиб келади.

Одатда реагентлар қуюқлиги г/л да ифодаланади. Масалан, тузлаб куритилган қоракўлни ийлаш олдидан ивитишда сувдаги ош тузи миқдори 10 г/л ни ва хлорли рух кукуни 1г/л ташкил қилиши лозим. Агар қоракўл вазни 500 кг ва суюқлик коэффиценти 1:10 нисбатни ташкил қилса, у ҳолда мазкур тери партиясини ивитиш учун $500 \text{ кг} \times 10 = 5000 \text{ л}$ сув, $5000 \text{ л} \times 10 \text{ г} = 50 \text{ кг}$ ош тузи ва $5000 \text{ л} \times 1 \text{ г} = 5 \text{ кг}$ хлорли рух кукуни керак бўлади.

Реагентлар қуюқлиги ҳамиша технологик хариталарда кўрсатилган бўлади.

Ишлов берувчи эритмаларнинг ҳарорати – жараённинг боришини тезлаштиради. Аммо шу билан бирга суюқлик ҳароратининг ошиши билан оксиллар парчаланишининг кучайишини ҳам унутмаслик лозим. Ҳеч қачон ишлов бериш ҳароратини яримфабрикат қоракўл терисининг пишиш даражаси (65°C) га яқинлаштирмаслик керак.

Механик ҳаракатлар таъсири– суюқликда ишлов берилаётган қоракўлни аралаштириб, ҳаракатга келтириш ўша жараённинг боришини тезлаштиради.

Қоракўлни ийлаш жараёнларини шартли тарзда қуйидаги уч босқичга бўлиш мумкин:

- а) қоракўл териларини ийлашга тайёрлаш;
- б) қоракўлни ийлаш жараёнлари;
- в) ийланган қоракўлни пардозлаш.

Қоракўл териларини ийлашга тайёрлаш. Бу босқичда қоракўл ийлашга тайёрланади ва у қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади:

а) ишлаб чиқариш партиясини тузиш. Ишлаб чиқариш партияси таркибига бир турдаги (Соф зот ва дурагай қоракўл, қоракўлча, ёқабоп ва ҳоказо) мағзи бир хил қалинликда бўлган (юпқа ва қалин мағзли), бир хил усулда консерваланган (тузлаб ёки тузламасдан куритилган, ошланган), бир хил рангли (қора, кўк, сур ва ҳоказо), бир хил навли, иллатлилик даражаси бир хил бўлган терилар киритилади. Бу эса ийлашнинг бир маромда боришини таъминлаб, сифатли яримфабрикат маҳсулот олишнинг гарови ҳисобланади. Ишлаб чиқариш партиясига кирувчи тери сони корхонага ўрнатилган машина ва ускуналарнинг ишлаб чиқариш қувватига, сиғимига, ишлаб чиқариш эҳтиёжларига қараб белгиланади. Масалан, 500 дона терини ивитиш, ийлаш, бўяш сиғимига эга бўлган баркаслар ўрнатилган корхона учун 500 дан зиёд териси бўлган ишлаб чиқариш партиясини тузиш мантиқан нотўғри бўлур эди.

Мазкур мақсад учун ажратилган териларга шартли белгилар қўйилгач, уларнинг хомашё ҳолидаги умумий вазни тарозидида ўлчаб аниқланади.

Сўнгра ҳар бир ишлаб чиқариш партияси учун сифат қайдномаси (спецификация), ишлаб чиқариш паспорти тўлғазилади.

Қоракўл партиясининг вазни ишлов бериш учун сув ва кимёвий моддаларнинг мақбул сарф миқдорини ҳисоблаб чиқариш мақсадида аниқланади. Бу эса териларни ийлашнинг сифатли ўтиши, химикатлар сарфини иқтисод қилишга имкон беради. Тузлаб ёки тузламасдан қуритилган терилар кўпи билан 13 кун ичида, ошланган терилар 7 кун ичида ийланиб бўлиши шарт.

б) териларни ивитиш ийлаш технологиясининг дастлабки жараёни ҳисобланади. Янги шилинган тери мағзида 70 фоизгача намлик мавжуд, унинг бир қисми тери оксили билан чамбарчас боғланган гидратацион намлик бўлиб, уни теридан ажратишнинг иложи йўқ, иккинчи қисми эса эркин ҳолда сақланувчи намлик бўлиб, у қуритиш жараёнида осон ажралади.

Ю.Н. Аронина (1970), Б.Ф. Церевитинов ва А.Н. Бесединларнинг (1977) кўрсатишларича, консервалаш жараёнида теридаги эркин намликнинг бир қисми ташқарига ажралиб чиқади, натижада коллаген толаларининг бир-бирига ёпишиб, елимланиши оқибатида терининг ички тузилиши маълум даражада ўзгаради. Ивитиш ийлашнинг бошланғич жараёни бўлиб унда терини сув ва бошқа бирор эритмага ботириб қўйиш йўли билан амалга оширилади. Ивитиш жараёнида консерваланган қоракўл таркибидаги сув миқдори ва ички тузилиши янги шилинган ҳолатига яқинлашади, тери мағзи ҳар хил ифлосликлар, консерваловчи моддалар (ош тузи, ачитки) ва эрувчан оксиллардан (альбумин ва глобулиндан) озод бўлади.

«Ивитиш, - деб ёзишганди М.Д.Закиров ва К.Каримовлар (1987), - қоракўлни ачитки ёки кимёвий эритмаларга ботириб ишлов бериш бўлиб, бу жараён орқали тери тўқимасининг тузилиши ва ундаги сув миқдорини янги шилинган ҳолатига яқинлаштиришга эришилади».

Ю.Н. Аронинанинг (1970) фикрича, қоракўлни ивитишда ош тузи ва натрий биосульфит эритмасидан фойдаланиш лозим, чунки бу моддалар бир томондан терилар ивишини тезлаштиради, иккинчи томондан зараркунанда микроорганизмлар кўпайиши учун ноқулай муҳит яратади, ивитувчи эритмага бактериялар тараққиётини секинлаштирувчи ёки умуман тўхтатувчи моддалар–антисептикларнинг (формалин, хлорли рух ёки кремнефторли натрий) қўшилиши ҳам фойдадан ҳоли эмас, эритманинг ҳароратини кўтариш ивитишни жадаллаштириш имконини беради.

Ивитиш бошланганидан сўнг 1 соат вақт ўтгач ва ундан кейинги ҳар бир соат ичида 30 дақиқа давомида баркас парраклари айлантирилиб, ивителиётган терилар аралаштирилади.

Ошланган териларни ивитиш жараёнида мабодо тола тўкилиш ҳолатлари кузатилса, дарҳол баркас (ванна) га 1г/л хлорли рух кукуни солиниб эритмадаги сирка кислота миқдори 4г/л гача етказилади.

в) тери мағзини кирғичлаб тозалаш (мездрение). Қоракўлни сифатли ийлаш учун ишлов берувчи эритмалар тери мағзига яхши сингиши, мағз қатламлари бўйлаб текис тарқалиши лозим бўлади. Аммо, хомашё қоракўл териларнинг гўштпарда юзасини қоплаб олган тери ости клетчаткаси, тери ости мушаклари ва ёғ қолдиқлари бунга халақит беради.

М.Д.Закиров ва К.Каримовлар(1987)нинг таъкидлашларича, қирғичлаб тозалаш ёрдамида тери гўштпардаси тери ости мушак ва ёғ қатламларидан тозаланади, дерманинг тўр қатлами боғламлари ечилиб сал бўлса-да титилади.

Иллатсиз тери тўқимасига эга бўлган йирик ва ўрта ўлчамли қорақўл териларининг гўштпарда томони (бош ва думидан ташқари) М-5-500 русумли қирғичлаш машинасида тозаланади, оёқлар териси эса МК-500 русумли қирғичлаш машинасида тозаланади.

Қорақўл боши ва думининг териси, майда ўлчамли териларнинг гўштпарда томони қўл қирғичи (скоба) билан қириб тозаланади.

г) териларни бирма-бир кўздан кечириш. Бунда иллатсиз терилар ийлашнинг кейинги жараёнларига юборилиб, иллатли терилар эса ажратиб олинади. Маълумки, ивитиш пайти ўралиб қолган териларни баркас парракларидан ажратиб олишда, тери гўштпардасини тозалашда кўпроқ куч ишлатиш юпқа ва нозик териларнинг йиртилишига олиб келади, терининг яширин нуқсонлари (синик излари, тола тўкилиши ва ҳоказолар) яққоллашуви юз беради. Қорақўл териларнинг йиртиқлари мўйнадузлик машиналарида тикилиб ийлашга жўнатилади. Тери тўқимаси шохланган, куйган, тола қоплами тўкилган қорақўл эса ийланувчи тери партиясидан ажратиб олинади.

д) қорақўлнинг тери тўқимасини мижиғлаб эзиш. Бундан мақсад бирламчи ишлов бериш жараёнида (тузлаб қуришти, тузламасдан қуришти, қисман ошлаш) тери тўр қатламидаги коллаген ва эластин толаларининг боғламларга бирикиб қотишидан йўқотилган тери эгилувчанлигини, қайишқоқлигини тиклашдир.

Ярим фабрикат мўйна териларни ўта кучли хромли шираларда дубиллаш маҳсулот қайишқоқлигини камайтиради, шу сабабли яхши чўзилувчанлик ва мулойимликка эга бўлган яримфабрикат терилар олишни таъминлай оладиган куч (куюқлик) ва асосликдаги дубилловчи моддалардан фойдаланиш лозим бўлади.

Дубиллаш ҳарорати. Суюқлик ҳароратининг кўтарилиши дубилловчи моддаларнинг тери тўқимасига сингиб киришини ва ўзаро боғланишини кучайтиради, хромнинг тери мағзи бўйлаб текис тарқалишига ёрдам беради. Аммо ҳароратнинг ўта кўтарилиб кетиши яримфабрикат териларнинг қайишқоқлигига салбий таъсир қилади. Шу боисдан суюқлик ҳароратини 45°C дан ошириш тавсия қилинмайди.

Дубиллашнинг давом этиш муддати. Дубиллаш муддатини хаддан ташқари чўзиб юбориш тери тўқимасининг қайишқоқлигига салбий таъсир қилади.

Механик таъсирлар. Дубиллаш жараёни баркас парракларининг айланма ҳаракатлари ёки териларнинг жадал аралаштирилиши билан биргаликда боради ва бу ҳаракатлар дубилловчи моддаларнинг тери тўқимаси ичига киришини тезлаштиради.

Дубиллаш жараёнини назорат қилиш. Қорақўлни дубиллаш жараёнида эритма ҳарорати, хром оксидининг эритмадаги миқдори ва асосилик даражаси, суюқлик коэффиценти, дубиллаш муддати, терининг шишиш ҳарорати назорат қилиб борилади.

Эритма ҳарорати – баркас ёки ваннага тери солинганидан кейинги дақиқаларда аниқланади.

Мўйна териларни ийлашда қуйидаги моддалар ишлатилади: ҳайвон ёғлари, ўсимлик ёғлари ва уларга ишлов беришдан олинadиган маҳсулотлар, маъдан таркибли ёғлар, синтетик ёғлар.

Умуман олганда, барча ёғлар ҳам асосан юқори молекулали мой кислоталар билан глицерин бирикмалари кўринишида намоён бўлади.

Ёғлар таркибининг асосий қисмини углерод, кислород ва водород ташкил қилиб, уларнинг рамзий формуласини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:



|



|



Бу формулада R_1 , R_2 ва R_3 лар мой кислотанинг қолдиқлари ҳисобланади.

Ҳайвон ёғлари – териларни ёғлашда қорамол, қўй, чўчқа ва йилқи ёғларидан кенг фойдаланилади.

Ўсимлик ёғлари-костор ёғидан кенг фойдаланиш мумкин.

Маъдан таркибли ёғ нефтни қайта ишлаш маҳсули ҳисобланиб, уларга веретена, вазелин ёғлари киради.

Териларни ёғлашда қўлланиладиган мойлар тери тўқимасига сингиб кириш билан бир қаторда тола қопламини ҳам анча ифлослантиради, шу сабабли тола қопламини тоза сақлаган ҳолда тери тўқимасини ёғлашнинг самарали усулини қўллаш катта аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, сувда эркин ҳолда сузувчи майда ёғ зарраларидан ташкил топган мой эмульсияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Мўйна ва мўйнабоп териларни ёғлашнинг 2 хил усули мавжуд бўлиб, ҳар бир усулнинг ўзига хос қулайликлари ва камчиликлари мавжуддир:

а) терининг гўшт-парда томонига ёғ эмульсиясини суркаш (намаз). Бу усул айрим камчиликларга эга: катта куч ва меҳнат талаб қилиши ҳамда тери тўқимасининг барча қисмларига ёғнинг текис тарқалмаслиги;

б) терини ёғ эмульсиясига ботириб мойлашда бу камчиликлар бартараф этилади, аммо бу усулнинг суркаш усулига нисбатан камчилиги ёғ ашёлари сарфининг қарийб икки баробарга кўпайиб кетишида.

Эмульсияга ботириб ёғлашнинг устунликларини инобатга олиб, ҳозирги кунда бир вақтнинг ўзида қоракўл териларини дубиллаш–ёғлаш усули қўлланилмоқда. Бунда ёғ эмульсияси қуйидагича тайёрланади:

76 кг веретена мойига 4 кг сакал қўшилади ва 4-5 ҳаво босими остида то куюқ қаймоқ кўринишли суюқлик ҳосил бўлгунига қадар аралаштирилади.

Ийланган қоракўлни пардозлаш. Ийланган мўйна терилари Б.Ф.Церевитинов ва А.Н. Бесединларнинг (1970) таъбири билан айтганда, дағал ва қаттиқ бўлади, толалари кам ялтироқ, бир-бирига нисбатан қинғир-қийшиқ чатишган ҳолатда бўлади. Мағзни юмшоқ ва мулойим, тола қопламини тоза ва ялтироқ ҳолга келтириш учун бу терилар пардозланиши лозим.

Пардозлаш жараёнларига териларни қуритиш, ёғоч қипиғи солинган ёпик барабанларда айлантериш, тери мағзини уқалаб эзиш, чангини қоқиш, терининг гўштпарда томонини қирғичлаб тозалаш ва бошқа шу каби ишлар киради.

Н.И. Тинаевнинг(2001) фикрича, мўйна териларни пардозлашдан мақсад уларнинг ташқи кўринишини яхшилаш, тери тўқимасининг юмшоқ, қайишқоқ, чўзилувчан, тола қопламанинг тоза ялтироқ ва бой кўринишли бўлишига эришишдир.

С.П.Бондаренко (2003)нинг таъкидлашича, яримфабрикат мўйна териларини товар кўринишига келтириш учун албатта пардозлаш жараёнларидан ўтказиш лозим.

Ийлашнинг амалдаги ягона технологиясига биноан ийланган қорақўл терилари қуйидаги пардозлаш жараёнларидан ўтказилади:

1. Қорақўлни сувини оқизиш- ийловчи эритмаларнинг теридан оқиб чиқиши учун қорақўл 2 соат давомида ёғоч пиллапоялар устига ташлаб қўйилади.

2. Терини кептириш, намини сергитиш – бу иш марказдан қочма куч таъсирида теридаги намликни ажралиб чиқишга мажбурловчи катта тезлик билан айланадиган центрифуга (ЦФ 2-1170 русумли)да 30 дақиқа давомида бажарилади.

3. Терининг ғижимини текислаш – қўлда бажариладиган иш бўлиб, 2-3 соат давомида тери бўйи ва энига чўзилиб, бош, оёқлар ва дум терисининг ғижимлари очилиб текис шакл берилади.

4. Тери мағзини эзиб юмшатиш – бу иш РМ-2 русумли эзгич машинада ва қўл кирғичда (скоба) бажарилади. Бунда ўрта қалин ва қалин мағзли тери майдонининг йиртилмаган қисмлари ёзилган ҳолда эзувчи машинанинг айланувчи валлари орасига тикилиб ишлов берилса, юпқа мағз терилар мағзи, тери чоки атрофлари қўл кирғичларида эзиб, иложи борича энига чўзиб шакл берилади.

5. Иккинчи даражали қисмлар гўштпардасини қирғичлаш– қўл қирғичи (скоба) билан бош, оёқ ва мойк халталари (репка) тери ости қатлами қириб олинади.

6. Йиртилган териларни тикиш-КЛ 10-Б русумли тикиш машинасида териларнинг йиртилган жойлари тикилади.

7. Қуритиш. Бу иш механизациялаштирилган қуритиш ускуналарида ёки очик ҳавода бажарилиб, терилар маълум баландликда таранг тортилган арқон торларга ёки ёғоч қўналғаларга осиб қўйилади. Қуритиш пайтида ҳаво ҳарорати 45-50°C дан, ҳаво намлиги 50 фоиздан зиёд бўлмаслиги лозим. Терилар мағзида 12-14 фоиз намлик қолғунича қурилади.

8. Териларга дам бериш. Қурилган терилар юзаси бўйича намликнинг текис тарқалиши, ҳаводан тортиб олинadиган намлик ҳисобига қовжираб қурилган терилар намлигининг бир меъёрга келиши учун ҳарорати 25-30°C лик соя жойда 8 соатга қолдирилади.

9. Қорақўлни биринчи бор думалатиб эзиш. Бу иш 3 соат давомида ҳамма томони берк думалатувчи барабанларда бажарилади. Бекитилувчи қопқоқли туйнук орқали барабан ичига ҳар бир куб метр ҳажмга 20-22 кг ли (тахминан 70 донага яқин) қорақўл терилари киргизилади ва ҳар 1м³ ҳажмга 10-12 кг дан (қорақўл вазнининг 50%) 25-30 фоиз намликдаги қаттиқ ёғочли дарахт қипиғи солиниб, тўхтовсиз айлантирилади. Бунда барабан ички айлана деворларининг пиллапоя чўнтақларига қириб қолган қорақўл терилари барабан айланиши жараёнида баландга кўтарилиб пастга қулайди. Зарба таъсирида тери мағзи эзилиб, юмшайди. Бу жараённинг яна ҳам самаралироқ, жадалроқ бўлиши учун иплик резинали эски автомобил баллонларининг 1кг атрофидаги бўлақларини ҳам

барабан ичига солишади. Ёғоч қипиқлари толалар сиртига ёпишган дубилловчи эритма, ёғли эмульсия ва бошқа ифлосликларни тушириб, қоракўл тола қопламининг ялтироқлиги, ипаксимонлиги ва табиий рангининг ҳақиқий чиройини очиб беришга, гул хусусиятларининг яхшиланишига хизмат қилади, тери намлигини меъёрлаштиради.

10. Қоракўлнинг ифлосликларини қоқиш. Бу иш айлана деворлари сим тўр билан қопланган айланувчи барабанларда 45 дақиқа давомида бажарилади. Ҳар 1м^3 ҳажмга 20-22 кг оғирликдаги қоракўл терилари солинган барабан тўхтовсиз айлантирилади. Барабандан чиқарилган териларнинг мағзи қоплами текис намланган ва чўзилувчан бўлиши лозим.

11. Қоракўл мағзини эзиб юмшатиш. Бу иш РМ-2 русумли эзиб юмшатувчи машиналарда ва қўл қирғичларида бажарилади. Кўпроқ энига чўзган ҳолда терининг бутун юзаси машинадан ўтказилади. Бош қисми, оёқлари ва мояк халта териси ҳамда иллатли терилар қўл қирғичи билан эзилиб юмшатилади.

12. Қоракўлни иккинчи бор думалатиб эзиш. Думалатиш барабанларига солинган қоракўл 2-2,5 соат давомида биринчи бор думалатиб эзишдаги каби айлантириб эзилади. Фақат, бунда барабанга солинадиган дарахтлари қипиғининг намлиги қўпи билан 12 фоизгача бўлиб, барабаннинг 1м^3 ҳажмига 15-16 кг оғирликдаги (терилар вазнининг 75%) ёғоч қипиғи тўғри келиши лозим.

13. Тери тўқимасини эзиб юмшатиш ва гўштпардасини қирғичлаш. Бу иш РМ-2 русумидаги ўткир пичоқли эзиб юмшатувчи машинада бажарилади. Терининг бош, оёқлари ва мояк халтасидан ташқари барча қисмлари машинадан ўтказилади.

14. Терининг гўштпарда томонини тарашлаб тозалаш. Бу иш эгов каби ғадир-будур сиртли валлари бўлган ёки сирти илвир қоғоз билан қопланган валли машиналарда бажарилади. Бунда терининг бош, оёқ ва мояк халта қисмлари териси қўл қирғичлари билан тозаланади, тери мағзи текисланади.

15. Қоракўл чангини қоқиш-муттасил айланувчи чанг қоқиш барабанларида 45 дақиқа давомида қоракўл чанги қоқилади.

16. Қоракўлни бирма-бир кўздан кечириб нуксон турлари бўйича хиллаш-териларнинг иллатини тузатиш учун ажратиш:

а) иллатларни ямоқсиз тузатиш. Териларнинг йиртиқ, кесик, тилик, толаси тўкилган жойлари ямоқсиз тикилади(қоракўл партиясининг 20 фоизгачаси);

б) тери юзасининг етишмаган қисмларини ямаш учун(қоракўл партиясининг 3% гачаси) қоракўл гулларининг хил ва шакллари, ўлчамлари, тола қопламининг ранги, туси ва рангбаранглиги, ранг қуюқлиги, ялтироқлиги, ипаксимонлиги, қалинлиги ва бошқа хусусиятлари бўйича иллатли терига мос келувчи қоракўл парчаларини танлаш, уларни ямоқ ёки улоқ шаклида терининг иллатли жойига тикиш.

Терилардаги чоклар текис ва тўғри чизик шаклида бўлиши лозим, чок ораларига толаларнинг қистирилишига, чок томонларининг номутаносиб жипслашувига, чок кавиқларининг тушиб қолишига йўл қўйилмайди. Чокларнинг ҳар 5см гача узунлигида 25 та кавиқ бўлиши керак. Чоклар дазмол билан силлиқланган бўлиб, баландлиги 1мм дан ошмаслиги шарт.

Мавзу: Қоракўлни бўяш технологияси

Режа

1. Қоракўлни бўяшнинг моҳияти.
2. Буёқлар таснифи, тавсифи ва хусусиятлари.
3. Қоракўлни бўяшнинг усуллари

Таянч иборалари: тери тўқимасини бўяшга тайёрлаш, терилар вазни, хромпик, сульфат кислота, сокол, ош тузи, муйна учун қора «Д», пирокатекин, аммиак, перигидрол, тўғри диазо-қора, кислотали кўк 2к, ювиш, ғижимини текислаш, мой сингдириш, куритиш, қоракўлни думалатиб эзиш, чангини қоқиш, иллоти бўйича хиллаш, ямоқ қўйиш, қоракўлнинг пишиш ҳарорати.

Қоракўлни бўяшнинг моҳияти. Қоракўл қўйларнинг ирсият заҳирасида кўп сонли ранглар мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас- қора, кўк, сур, қамбар, гулигаз, оқ, зармалла ранглар бетакрордир. Аммо шу ранглардаги қоракўл териларининг барчасини ҳам тасаввуримиз даражасида ажиб ва чиройли, беҳато деб бўлмайди албатта, зеро уларнинг айримлари учун тола қоплами, гуллари сифатини пасайтирувчи омиллар хосдир. Бу эса келажакда фойдаланиш самарасига салбий таъсир қилади. Ана шу камчиликларнинг кўпчилигини териларга технологик ишлов бериш жараёнида тузатиш лозим.

Буёқлар таснифи, тавсифи ва хусусиятлари. Буёқлар деб ҳар хил матоҳларни бўяш хислатига эга бўлган органик бирикмаларга айтилади. Мўйна товаршунослигида матоҳларда узоқ муддат сақланувчи, учмайдиган рангга бўйй оладиган буёқларгина бўёвчи модда сифатида тан олинади.

Табиий бўёқлар тайёр маҳсулот сифатида ўсимлик ва ҳайвон организмида сақланади. Бу бўёқлар азал-азалдан маълум бўлиб, синтетик бўёқлар яратилгунига қадар улардан кенг фойдаланишган. Иккинчи жаҳон уруши бошларигача қоракўл терилар ўсимликлардан олинган табиий бўёқлар билан бўййиб келинганди.

Кампеш (кўк дарахт). Мексиканинг Юкатан провинциясидаги Кампеш кўрфазида ўсувчи кўк дарахтдан олинган бўёқ моддаси шу ном билан аталган.

Кампеш фақат металл тузлар ёрдами билангина толаларни бўййй олади. Шу сабабли бўйшдан олдин териларга металл тузлари эритмасини сингдириш (протрава) ишлари ўтказилади. Бунинг учун шу эритмани кампешли ваннага солинади. Металл тузларидан темир купороси, мис купороси, темирли дамлама, медянка, алюминийли аччиқ тошдан фойдаланиш яхши натижалар беради.

Терилар иложи бўлса 37-40⁰С, ками билан 35⁰Сли бўёқли суюқликка ботириб бўйяди. Териларнинг тим қора рангга бўййишида суюқлик ҳарорати ҳал қилувчи аҳамиятга эга, шу сабабли бўйшда фойдаланиладиган суюқликнинг ҳарорати тушиб кетмаслиги учун бўёқ солинган идишлар (ванна, чан ва ҳоказолар) атрофи яхшилаб ўралган бўййиши талаб этилади.

Бўйланган терилар оксидланиши учун иссиқ, нам ёпиқ биноларининг иссиқ ва нам муҳитида торларга осган ҳолда димлаб куритилади. Қуриган терилар яхшилаб ювилади, суви сергитилади, кейин хром ёки алюминий аччиқ тоши, баъзан тухум сариғи қўшилган ош тузи эритмаси терининг гўштпарда томонига суркалади.

Кампеш қуйидаги ранг ва тусларни беради:

хром тузлари қўшилганида – қорамтир кўк;

алюминий бирикмалари қўшилганда – ҳаворанг бинафша;

темир тузлари қўшилганда – қорамтир кўк;
мис бирикмалари қўшилганда – кўкимтир – қора.

Сариқ дарахт- уни баъзан куба ёки фустин деб ҳам аташади ва Гаити ҳамда Кубадан келтирилади. Матоҳларни сариқ ёки қамбар рангга бўяш учун унинг ширасидан фойдаланишади. У асосан кампешда бўялган терилар қора рангининг яна ҳам чуқурроқ ва бойроқ чиқиши учун ишлатилади.

Сариқ дарахт шираси қуйидаги тусларни беради:

хром билан биргаликда – қизғиш сариқ;
алюминий билан биргаликда – сариқ;
темир билан биргаликда – оч сариқ;
мис билан биргаликда – оч зайтун ранглар.

Қизил дарахт – фернамбук ёки лима номи билан аталиб, Марказий ва Жанубий Америкадан келтирилади.

Қизил дарахт шираси қуйидаги тусларни беради:

алюминий билан биргаликда – мовий ранг тусли қизил;
темир билан биргаликда – кўкимтил бинафша;
хром билан биргаликда – тўқ қизил.

Бўёқли ёнғоқлар-эман дарахтининг шохлари, баргларида ғайритабиий ҳолда пайдо бўлувчи ғуддалари. Улардан Хитой, Юнонистон ва Туркия ёнғоқлари кўпроқ аҳамият касб этмоқда. «Алеппо» номи билан аталувчи Туркиянинг бўёқли ёнғоқларидан мўйна териларни бўяшда кенг фойдаланилади. С.П.Бондаренконинг (2003) маълумотларига кўра, бўёқли ғуддалар таннинларга бой (55 фоизгача, Хитой ёнғоқларида ҳатто 75 фоизгача).

Ќуддалар ширасини темир купороси билан аралаштиришдан ҳосил бўлувчи кўкимтир-қора лакдан бўяшда фойдаланишади. Бўёқли ғуддалар экстрактига қўшилувчи моддалар хилига қараб бўялувчи терилар ранги қора, кўк, тўқ кўк, кўк ва жигар ранг тусларига ўзгаради.

Ќуддалар ширасида бўялган терилар ранги жуда чиройли ва табиий, аммо ёруғлик нурларига чидамсиз, зеро шу тартибда бўялган терилар ранги 5-6 ойдан кейин учиб кетади.

Умуман олганда ўсимлик бўёқлари тола қопламини ёруғлик нурларига чидамли, тиниқ рангларга бўялишини, ялтироқ, тери тўқимасининг чўзилувчан бўлишини таъминлайди. Аммо ўсимлик бўёқлари билан бўяш жараёни жиддий камчиликларга ҳам эга. Бўялиш жараёнининг узок давом этиши, буёвчи эритма таркибининг мураккаблиги ва уни назорат қилишнинг қийинлиги шулар жумласидандир.

Синтетик бўёқлар. Халқ хўжалигининг барча соҳаларида кенг қўлланилувчи синтетик бўёқлар айна кунларда ўсимлик бўёқларини истеъмолдан деярли тўлиғича сиқиб чиқарди деса ҳам бўлади.

Синтетик бўёқлар у ёки бу материални турлича бўяш қобилиятига эга. Масалан, жун газламаларини бўяш учун бир хил бўёқ ишлатилса, пахта газламаларини бўяш учун эса бошқа хил бўёқ ишлатилади.

Амалдаги техник таснифга кўра синтетик бўёқлар учта йирик гуруҳга бўлинади:

I гуруҳ – матохни дарҳол бўйи оладиган бўёқлар- асосли, кислотали ва тўғри (прямое).

II гуруҳ - толали матохларга бўйшдан олдин ёки кейин оғир металл тузлари эритмаси билан ишлов беришни (протрава) талаб этадиган бўёқлар: тери тўқимасига сингувчи эритма (протрава) ва хромловчи оғир металл тузлари.

III гуруҳ – сувда эримайдиган бўёқлар: толалар сиртида ҳосил бўлувчи кубли, олтингугуртли бўёқлар (мўйна терилари учун оксидловчи бўёқлар – нигрозин, индулин ва бошқалар).

Асосли бўёқлар таркиби асосли гуруҳ (аминогуруҳ)га эга бўлгани учун жун толаларига олдиндан ишлов бермасдан (протравасиз) бўйи олади. Буларнинг камчилиги ёруғлик нурларига чидамсизлигида. Шу сабабли улар ҳозир деярли ишлатилмаяпти.

Кислотали бўёқлар – ёруғлик нурлари ва намлик таъсирларига ўта чидамли бўлганлигидан кенг кўламда ишлатилмоқда. Бу бўёқ молекуласида кислотали гуруҳ $-SO_3H$ мавжуд бўлиб, улар мўйна териларни нордон ёки нейтрал муҳитдагина бўйи олади.

Қоракўл териларни бўйшда кўпроқ оксидловчи бўёқлардан фойдаланилади.

Оксидловчи бўёқлар тўғридан-тўғри мўйна териларни бўйи олмайди. Водород пероксиди билан ўзаро таъсиридан сўнг ярим тайёр бу маҳсулотлар оксидланади ва ундан ҳосил бўлувчи маҳсулотлар бўйш хусусиятига эга бўлади.

Анилин бўёқлари ишлатилганда улар аввало тола сиртида оксидловчи воситалар (натрий перборати, водород пероксиди ва бошқа шу кабилар) билан ўзаро алоқага киришганидан сўнг бўёқ моддасига айланади.

Мўйнани бўйшда анилин бўёқларидан кўп ишлатилади-ганлари:

а) «Урсол» РД, ДВ ва 2G навлари

б) «Фуррол» В, S, SD навлари

Урсол Д ва ДВ навлари қора ранг беради. Алоҳида ишлатилганда Урсол Д нави тим қора ранг берса, Урсол ДВ – кўкимтил қора ранг беради. Урсол 2G сарғиш малла ранг берса, Урсол Р қизғиш тус беради. Урсол 2G ва Р биргаликда чиройли жигарранг беради.

Фуррол В малла рангга, Фуррол S- қора рангга бўйса, Фуррол SB – ҳар хил тусли кўк рангга бўййди.

Қоракўлни бўйш технологияси қуйидаги босқичлардан иборат:

Қоракўлни бўйшга тайёрлаш. Бўйш жараёнининг муваффақиятли ўтиши учун қоракўл териларини бўйшга тайёрлаш лозим ва у қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади:

а) қоракўл партиясининг вазнини аниқлаш. Энг аввало, шу нарсани таъкидлаш лозимки, фақат ийланган териларгина бўйш жараёнига қўйилади. Шу сабабли, қоракўл партиясининг вазни дейилганида амалдаги андозалар талабига жавоб берувчи ийланган терилар вазни тушунилади.

Қоракўл партиясининг вазнини аниқлаш ўта муҳим ишдир, чунки қоракўл териларига оғир металл тузлари билан ишлов бериш (протравление), бўйш, бўйланган териларни ювиш, тузлаб ёғ сингдириш, ёпиқ барабанларда айлантриб эзиш учун лозим бўладиган кимёвий унсурлар, веретена мойи, ёғоч қипиғи ва бошқаларнинг миқдорлари терилар вазни бўйича аниқланади.

Қоракўлни бўяш технологиясининг амалдаги технологик харитасида ана шу моддаларнинг меъерий сарфи қоракўл вазнига қараб белгиланган. Акс ҳолда катта харажат эвазига келтириладиган кимёвий унсурлар, бўёқлар ва бошқаларнинг асоссиз тарзда кўп сарфланишига, пировард натижада ишлов бериш харажатларининг меъёрдан ошиб кетишига йўл қўйилади. Ёки бўлмаса моддалар сарфининг меъёридан камайиши қоракўлнинг бўялиш сифатига салбий таъсир қилади.

Б) хром тузлари эритмасини териларга сингдириш (протравление)

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек хром, мис ва темир тузлари эритмасида ишлов берилгандан кейингина терилар оксидловчи бўёқлар билан бўялади. Бўяшдан олдинги ишлов беришда ҳар хил тузлардан фойдаланиш толанинг бўёққа яқинлигини таъминлайди, бўёқнинг ёруғлик нурларига ва намликка чидамлилигини оширади, бўяш қувватини кучайтиради.

Ишлов бериш жараёнига суюқлик ҳарорати, суюқлик коэффиценти ва давомийлиги таъсир қилади. Суюқлик ҳароратининг 30⁰С дан ошиши ранг ифодаланишини ёмонлаштиради. Суюқлик коэффицентининг ошиши хромник шимилишини кўпайтиради. Хромпикнинг энг кўп шимилиши дастлабки бир соатга тўғри келади ва бу жараён аслида 3 соатдан сўнг деярли тугалланади.

Жараённинг амалий бажарилиши:

Баркас (ванна) га қоракўл партиясининг вазнидан 11 баробар кўп миқдордаги 30⁰С ҳароратли сув солиниб, унга 30 г/л миқдорида ош тузи, 0,8 г/л сульфат(аккумулятор) кислотаси, 1 г/л миқдорида эритилган сонал, 2 г/л миқдоридаги хромпик солинади. Ана шу моддаларнинг эритмадаги ҳақиқий миқдори аниқлангач, баркасга қоракўл солинади. Баркас парраклари тери солинган пайтда 30 дақиқа, ишлов беришнинг кейинги ҳар бир соатида 10 дақиқадан айлантирилади. Бу жараён 4 соат давом этади.

В) терининг намини кетказиш. Бу иш 30 дақиқа давомида центрофугада бажарилади.

Г) терини текислаб, ғижимларини ёзиш. Бу иш қўлда бажарилиб, терилар эни ва бўйига чўзилиб, териларга шакл берилади, оёқ, бош, дум терилари текислаб ёзилади.

Қоракўл териларни бўяш. Хром тузлари эритмаси тери мағзига сингдирилиши билан боғлиқ жараёнлар бажарилиб бўлингач, қоракўл терилари бўяшга ўтказилади. Бўяш 6 соат давомида баркасларда бажарилади. Бунда суюқлик коэффиценти 1:11, ҳарорати 36⁰С бўлиши лозим. Бўёқ эритмаси ҳароратининг меъёрдан оширилиши тери рангининг қизғиш тус олишига, тери мағзининг дағаллашишига олиб келади.

Қора ва қора-ола териларни бўяш учун тайёрланган эритма таркибига «мўйна учун қора Д» (парафениландиалин) бўёғи, пирокатехин, пергидрол, аммиак, «тўғри диазоқора С» бўёғи, «кислотали кўк 2к» бўёғи ва ош тузлари қиради.

Қора рангли қоракўл териларини бўёвчи эритма таркиби қуйидагича:

«Мўйна учун қора Д»	4,0 г/л
Пирокатехин	1,25 г/л
25 фоизли аммиак	1 мл/л
30 фоизли пергидрол	4 мл/л

Тўғри диазоқора С (200фоизли) 1г/л
Кислотали кўк 2к (150 фоизли) 1,2 г/л
Ош тузи 15 г/л

Қора-ола қоракўлни бўёвчи эритма таркиби қуйидагича:

«Мўйна учун қора Д» 5,5 г/л
Пирокатехин 2 г/л
30 фоизли пергидрол 5,5 мл/л
25 фоизли аммиак 1 мл/л

Тўғри диазоқора С (200фоизли) 1г/л
Кислотали кўк 2к (150 фоизли) 1,2 г/л
Ош тузи 15 г/л

Бўёвчи эритма таркибига кирувчи:

Пергидрол – тери тўқимаси ва тола ичига кирган оксидланувчи бўёқларни оксидлаб тола ичида мустаҳкам ўрнашишига хизмат қилади.

Аммиак – пергидролнинг оксидлаш қобилияти намоён бўлиши учун қулай шароит яратади ва толада қолган хромпикнинг оксидланиш хусусиятини бошқаради.

Ош тузи – тери мағзининг ортиқча хилдираб, шишиб кетишига йўл қўймайди.

«Мўйна учун қора Д», пирокатехин, «тўғри диазоқора С», кислотали кўк 2к» бўёқларининг аралаш ҳолда ишлатилиши қоракўл тола қопламини ёруғлик нурлари ва ишқаланишга чидамли текис тим қора рангга бўялишни таъминлайди. Тери мағзи ҳам кўкимтир қора рангга бўялади.

Фойдаланишга мўлжалланган бўёқлар эритмаси қуйидаги тартибда тайёрланади:

«Мўйна учун қора Д» ва пирокатехин бўёқлари ҳар бири алоҳида 10 баробар кўп 80-90⁰С гача қизитилган сувда эритилади ва дарҳол баркасга солинади.

«Тўғри диазоқора С» ва «кислотали кўк 2к» бўёқлари 10 баробар кўп микдордаги қайнаётган сувда эритилади.

Жараённинг амалда бажарилиши: баркас (ванна) меъёрдаги сув билан тўлдирилгач, унга ош тузи ҳамда аммиак солинади ва уларнинг микдори аниқлангач, баркас(ванна)га эритилган «мўйна учун қора Д», пирокатехин солинади. Ундан кейин пергидрол солинади ва қоракўл терилари текислаб ёзилган ҳолда бўяшга ташланади. Бўяш бошланганидан 2 соат ўтгач, баркасга «Тўғри диазоқора С» ва «кислотали кўк 2к» эритмаси солинади.

Баркас парраклари тери солинганда 30 дақиқа, кейин бўяшнинг ҳар бир соатида 15 дақиқадан айлантрилиб терилар аралаштирилади.

Бўялган қоракўлни ювиш – қоракўлнинг тола қоплами ва тери тўқимасини сиртига ёпишган ортиқча бўёқ зарраларидан холос қилиб тозалаш мақсадида терилар 3 маротаба ювилади.

Биринчи ювиш – 30 дақиқа давом этади. Бўёқ эритмаси тўкилгач, баркасда қолган терилар устига тоза 36⁰С ҳароратли сув (суюқлик коэффиценти 1:11) солинади. Унга кир ювиш воситалари (ОП-10дан 1,0 г/л ёки сульфанола -1,5г/л) қўшилади. Баркас парраклари тўхтовсиз айлантриб турилади.

Иккинчи ювиш – 30 дақиқа давом этади. Биринчи ювишда ишлатилган рангли сув тўкилиб, баркасдаги терилар устига ҳарорати 36⁰С бўлган 1:11 нисбатдаги

суюқлик коэффициентига тенг миқдорда тоза сув солинади. Сувга кир ювиш воситалари (ОП-10-1г/л ёки сульфанола -1,5г/л) қўшилиб, баркас парраклари тўхтовсиз айлантирилган ҳолда тери ювилади.

Учинчи ювиш—1-2 соат давом этади. Иккинчи ювишда ишлатилган сув тўкилгач, суюқлик коэффициенти 1:11 нисбатидаги 36⁰С ҳароратли тоза оқар сув баркадаги тери устига солиниб, парраклар айлантирилган ҳолда қоракўл ювилади. Ювиш ишлари тери ранги сувга чиқмай қолгунича давом эттирилади.

Ювилган қоракўлнинг сувини кетказиш 30 дақиқа давомида центрофугада бажарилади.

Қоракўлни текислаб ғижимларини ёзиш қўлда бажарилади.

Қоракўл мағзига туз ва мой сингдириш (солка-жирование). Бундан мақсад бўяш ва ювиш жараёнида ювилиб кетган моддалар (мойловчи моддалар, ош тузи ва ҳоказо) камоматини тўлғазишдан иборат.

Ю.Н.Аронинанинг (1970) таъкидлашича, терилар мағзида ҳаво намлигини тортиб ола оладиган миқдордаги туз бўлиши лозим, чунки шундагина тайёр ярим фабрикат маҳсулот қуриб қолмайди.

Б.А.Кузнецовнинг(1956) фикрича, тузлаш орқали бўяш жараёнида теридан ювилиб кетган кислота, туз ва дубилловчи моддалар миқдори тикланади. Тузлашдан ўтмаган терилар мағзи дағаллашган ва кам чўзилувчан бўлади.

Терининг эгилувчан, юмшоқ, чўзилувчан бўлишида қоракўл мағзига мой сингдириш муҳим аҳамият касб этади.

С.П.Бондаренконинг (2003) кўрсатишича, мой сингдириш жараёнида мой зарралари тери тўқимасига киритилади. Бунинг натижасида тўқима толалари, тола боғламлари сиртида уларнинг бир-бирига ёпишишига ҳалақит берувчи, бир-бирига нисбатан сирпанишини енгиллаштирувчи юпка мой пардаси ҳосил бўлади. Тери тўқимасининг қайишқоқлиги, юмшоқлиги ва чидамлилиги сезиларли даражада яхшиланади.

Мўйна териларига ишлов беришда мойловчи моддаларнинг ўзи эмас, балки уларнинг сувдаги эмульсияси кўпроқ ишлатилади.

Тўғри тайёрланган эмульсия бир жинсли бўлиб, фақат 2 соатдан сўнггина қатламларга ажралиб бошлайди. Мабодо қатламларга ажралиш 2 соат олдин юз берса, эмульсия омонат бўлиб, тери тўқимасига сингиши кўнгилдагидек бўлмайди. Мой эмульсияси терилар рангини тиниқлаштиради, мустаҳкам ўрнашмаган бўёқни ювади ва тери мағзини юмшоқлаштиради.

Жараённинг амалий бажарилиши:

Тузлаш ва мой сингдириш жараёни 4 соат давомида баркас (ванна) ларда бажарилади. Бунда суюқлик коэффициенти 1:11ни, ҳарорати 30⁰С ни ташкил қилади.

Ишчи эритма таркиби: сирка кислотаси 1г/л

15-20 фоизли асосликка эга хром экстракти- 0,46 г/л

Ош тузи - 30,0 г/л

Ёғ эмульсияси №2 веретена мойининг сувдаги эмульсияси- 8г/л

25 фоиз асосиликка эга хром экстрактини тайёрлаш учун керак бўлади:

Сульфат кислота- 5,5 кг

Хромпик - 3 кг
Сув - 9 л
Глицерин – 1,2 л

35-45 фоиз асосликка эга бўлган хром экстрактини тайёрлаш учун керак бўлади:

Сульфат кислота – 5 кг
Хромпик - 3 кг
Сув- 8л
Глицерин- 1,2 л

Қоракўл учун ишлатиладиган мойли эмульсия қуйидагича тайёрланади:

№2 веретена мойидан - 76 кг ва сакал (сакала) дан 4 кг олиниб 4-5 атмосфера босими остида то сут рангли қаймоқсимон масса ҳосил бўлгунига қадар аралаштирилади.

Баркас (ванна) га меъёрдаги сув қуйилгач, унга туз ва сирка кислотаси солинади. Сувдаги туз ва кислота миқдори меъёрга тўғри келиши аниқлангач, қоракўл терилари баркасга солинади, хром экстракти ва ёғ эмульсияси берилади.

Баркас парраклари жараён бошида 30 дақиқа ва ишлов беришнинг ундан кейинги ҳар бир соатида 10 дақиқадан айлантеририб, терилар қўзғатилади.

Териларни қуритиш – механик қурилмаларда, таранг тортилган аркон торларга осилган ҳолда, терилар ифлосланмайдиган очиқ майдонларга ёзиб қўйилган ҳолда 4-5 соат давомида қуритилади. Бунда ҳаво ҳарорати 45-50⁰С дан ошмаслиги, ҳавонинг нисбий намлиги 25-30 фоиз атрофида бўлмоғи лозим. Терилар 14-15 фоиз намликгача қуритилган бўлиши керак.

Б.Ф.Церевитинов ва А.Н.Бесединларнинг (1977) кўрсатишларича, қовжираб қуритилган терилар дағал, ғадир-будур ва тез синувчан бўлиб қолади, шу сабабли уларни тўлиғича қуритмаслик лозим.

Териларга дам бериш – 4 соат давом этиб, қуритиш жараёнида нами қочган, қовжираб қуриган териларнинг ҳаводаги намликни ўзига тортиб олиши эвазига тери мағзининг юмшоқлашишига эришилади.

Қоракўлни пардозлаш жараёнлари. Б.Ф. Церевитинов ва А.Н. Бесединлар (1977) мўйна териларнинг чиройли ва жозибадор кўринишга эга бўлиши учун уларнинг тери тўқимаси ва тола қопламини пардозлаш кераклигини таъкидлайдилар. Пардозлаш териларни юмалатиб эзиш, терилардаги чангни қоқиш, тери тўқимасини эзиб, мулойимлаштириш каби жараёнларни ўз ичига олади.

Жараённинг амалий бажарилиши:

Қоракўлни биринчи бор думалатиш: терилар БО-2500 русумли айланувчи ёпик барабанларда 4 соат давомида думалатилади. Бунинг учун ёпилувчи туйнук орқали барабан ҳажмининг ҳар бир метр кубига 20-22 кг оғирликдаги қоракўл, кейин қоракўл терилар вазни миқдоридаги 25-30% намлиги бўлган каттиқ ёғочли баргсиз дарахтлар қипиғи солинади. Одатда думалатувчи барабанлар ҳажмининг 2,5 м³ бўлишини инобатга олсак, уларга ўртача 55-60 кг лик (тахминан 200-250 дона) қоракўл терилари ва 55-60 кг ёғоч қипиғи солиш лозим. Барабан айланаси ички деворларига ўрнатилган 6-8та тахта пиллапоялар териларнинг думалашини

жадаллаштиради. Барабанлар айланиш жараёнида тахта пиллапояларга тушган терилар айланиб юқори нуқтага етгач, пастга томон қулайди ва бундан қорақўлнинг тери тўқимаси эзилиб юмшайди. Бу ҳолат 4 соатлик жараён давомида қарийб 2500 маротаба такрорланади.